



R 496

ГУЛИСТОН

5
1987

№5 ЭНЕ



Пионер ва ўқувчилар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида.

В. Дидюков фотоси



ГБ УзССР
Н

Қайта қуриш ва маданий тараққиёт

КПСС XXVII съезди мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг стратегик йўлини белгилаб берди. Жадаллаштириш (интенсивлаш) фақатгина иқтисодий тушунчагина эмас, балки маънавий категория ҳам эканлигини алоҳида назарда тутишимиз лозим. Бундай эзгу ниятли вазифа эса, ҳар бир кишидан меҳнатга сифат жиҳатидан янгича, маънавий муносабатда бўлишни, ҳалолликни, диёнатлиликни, бурч, ҳамият ва ватанпарварлик туйғуларини англаб олишни талаб қилади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида қайд қилинганидек: «Жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир».

Янги, социалистик маданият тараққиётининг принциплари ва шаклларини белгилаш Совет давлати барпо этилган дастлабки кунларданоқ ижтимоий ҳаётнинг муҳим муаммоларидан бири бўлган эди. В. И. Ленин ўша вақтдаёқ маданият масалалари социалистик ўзгаришлар йўлига биринчи бўлиб тушган мамлакатдан бўлак бошқа бирон жойда бу қадар кенг миқёсда ва шу даражада изчиллик билан кўтариб чиқилмаганлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, «Халқаро миқёсда эътироф қилинган чинакам халқчил кўп миллатли совет маданиятининг барпо этилганлиги — тузумимизнинг тарихий ютуғидир, — деб уқтирилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида. — Унинг қудратли таъсир манбалари ҳаёт ҳақиқатига, социализм ва коммунизм идеалларига содиқлигида, инсонпарварлиги ва оптимизмида, халқ билан алоқасининг мустаҳкамлигидадир».

Социалистик ва коммунистик қурилиш жараёнида юз берадиган туб ўзгаришнинг моҳияти меҳнаткашларни мустақил тарихий ижодкорликка ҳар томонлама жалб этиш, яъни шахсни уйғун ривожлантириш, инсонни маданий-тарихий жараённинг онгли иштирокчисига айлантиришдан иборат.

Социализм шароитида халқ оммаси маданий тараққиётга иккита асосий йўналиш бўйича тортилади. Биринчидан, омма маданиятни ўзлаштиради, яъни маданий тараққиётда эришилган натижаларни шахсий ҳаёти ва фаолияти шарт-шароитларининг, хусусан, ўзининг маданий жиҳатдан ўсиш мазмунининг мезони деб ҳисоблайди. Иккинчидан, омма тобора кўпроқ даражада маънавий бойликларнинг фаол яратувчиси сифатида майдонга чиқади.

Социализм меҳнаткашлар оммасига маънавий бойликлар хазинасининг эшигини кенг очибгина қолмай, уларни маданиятнинг бевосита фаол ижодкорларига ҳам айлантирди. «Партия ўз маданий сиёсатининг бош вазифаси, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — одамларнинг қобилиятини намоён қилиш учун ғоят кенг имконият яратиб беришдан, уларнинг ҳаётини маънавий жиҳатдан бой, кўп қиррали қилишдан иборат, деб билади. Бу соҳада ҳам яхшилик сари туб ўзгаришларга эришиб, бутун маданий-тарбиявий ишни шундай қуриш керакки, бу иш одамларнинг маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондирадиган, уларнинг манфаатларига мос келадиган бўлсин».

Бизнинг жамиятимизда маданиятни ривожлантиришга илмий раҳбарлик асосий мақсадга — ҳар томонлама етук, фаол шахсни камол топтиришга бўйсундирилгандир. Бинобарин, социалистик маданиятнинг ютуқлари меҳнаткашларнинг иқтисодий ва давлат қурилиши соҳасидаги тарихий ғалабалари, социализмнинг миллионлаб бинокорлари ижтимоий фаоллигининг ўсиши билан ниҳоятда узвий боғлиқдир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳаётнинг фаол қатнашчилари, маънавий бойликларнинг ижодкорлари бўлиб қолдилар. Халқ ичидан янги, социалистик зиёлилар етишиб чиқди, улар фан ва техниканинг, адабиёт ва санъатнинг ғоят буюк ютуқлари билан Ватан шуҳратини оширдилар. Инсониятнинг энг зукко кишилари орзу қилиб келган эзгу ният — меҳнат билан маданиятнинг уйғунлиги, ҳамоҳанглиги амалга ошди. Бу эса мамлакатимиз тарихида, бутун жаҳон маданияти тарихида ғоят катта бурилиш бўлди. Социалистик маданият ҳақиқатан ҳам халқ маданияти бўлиб, бу маданият кенг халқ оммасига хизмат қилади. Партиямиз ва ҳукуматимиз бугунги ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда, социалистик маданиятни ривожлантиришда давомийлик ва новаторлик бирлигига изчил амал қилмоқдалар.

Социализм шароитида кенг халқ оммаси ўз ижодий кучларини, қобилият ва истеъдодини давр ва жамият тақозо этган талабларга мувофиқ тарзда такомиллаштирмоқда.

Партия ҳужжатларида таъкидланаётганидек, бугунги кунда бизга маданиятнинг энг замонавий моддий базаси, омма билан, ҳар бир киши билан ишни ташкил этишнинг энг замонавий шакллари зарур. Афсуски, план ва молия идоралари кейинги йилларда маданий қурилишга, экономикага фойда бермайдиган «юк» сифатида муносабатда бўлиб келдилар. Ҳатто планга киритилган маданият муассасалари қурилиши жойларда узоқ йилларга, баъзида эса ўнлаб йилларга чўзиб юборилди. Хўжалик раҳбарлари эса маданий-маърифий ишларга етарли эътибор бермадилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 5 (447)
Май
1987

Эҳ
№5

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», 1987 йил.

Фикримизнинг исботи учун биргина Сурхондарё областини олиб қарайдиган бўлсак, мавжуд ўн икки райондан иккитаси (Термиз ва Олтинсой) ҳануз ўзининг маданият уйига эга эмас. Беш юздан ортиқ мактабдан атиги 78 таси киноустановкага эга холос. Айрим район ва хўжаликларда дурустроқ кинотеатрнинг йўқлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Колхоз ва совхозлар у ёқда турсин, ҳатто Гагарин, Термиз, Ленин йўли, Қумқўрғон, Олтинсой район марказлари ҳам стационар киноустановкага эга эмас. Областдаги қатор хўжаликлар умуман маданий-оқартув муассасаларига эга эмаслар. Кўпчилик хўжаликлардаги мавжуд маданият муассасаларидан бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Масалан, Гагарин районидаги «Правда» совхозининг Шўроб участкасидаги 200 ўринли қишки кинотеатрдан шоли омбори сифатида фойдаланилган бўлса, Олтинсой районидаги «Ленинград» колхози, Денов районидаги «Партия XXV съезди» колхозида 400 ўринли, шу райондаги Собир Раҳимов номли колхоз, «Ҳазорбоғ» совхозидаги 1-ҳунар-техника билим юрти 250 ўринли қишки клублардан: «Болалар стулларни синдириб кетади», деган баҳона билан фойдаланилмай келинганлиги таажжубланарлидир. Ленин йўли районидаги ўн олтита киноустановкадан атиги саккизтаси ишлайди. Областдаги Халқ театри ашула ва рақс ансамбли номини олган ўн уч коллективдан бештаси номигагина қоғозда бору, амалда фаолиятини тўхтатган. Кутубхоналар иши ҳам умуман талабга жавоб бермайди, маданият ва истироҳат боғлари қаровсиз аҳволда.

Бизнингча, маданият муассасаларидаги аҳволнинг бу даражада ачинарли бўлиши сабабларидан бири кадрлар масаласи билан боғлиқдир. Жумладан, Сурхондарё область маданият бошқармаси муассасаларида ва кинолаштириш бошқармасига қарашли муассасаларда ходимлар орасида маданият ва санъат олий ўқув юртларини тамомлаганлар бармоқ билан санарлидир. Меҳнат қилаётган ходимларнинг деярлик кўпчилиги бошқа касб эгалари бўлиб, улар ўрта ва ҳатто тўлиқсиз ўрта маълумотли кишилардир. Бас шундай экан, ишнинг натижаси шунга яраша-да!

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти, ўша соҳада ишлаётган кадрларнинг савиясига, уларнинг ихтисос малакасига боғлиқ. КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумида кадрлар сиёсатининг махсус ва долзарб масала сифатида қўйилганлиги бежиз эмас.

Маълумки, кейинги йилларда колхоз раисларининг ва совхоз директорларининг маданият ишлари бўйича ўринбосарлари лавозими ташкил этилди. Аммо уларнинг аксарияти ўз вазифаларини унутиб қўйишган. Бизнингча, маданий қурилишни жадаллаштириш билан бир қаторда уни назорат қилиш ҳам ўшанчалик муҳим аҳамиятга эга. Маданий-маърифий ишларнинг бутун даражасини ошириш, клублар ва маданият уйлари, истироҳат боғлари ва музейларнинг ишларини тартибга келтириш, уларни бугунги маънавий эҳтиёжлар асосида техникавий жиҳатдан жиҳозлаш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Маданий қурилиш соҳасидаги ишлар одамларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларини тобора тўлиқроқ қондиришга, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқаришга, бўш вақтдан мазмунли фойдаланиш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилиши лозим. Бу борада маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ҳамкорликда иш тутишлари, бу соҳадаги тадбирларни қайта қуриш талабларига мувофиқ амалга оширишлари керак.

Шомат САМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
доцент

Термиз

Умарқул
ПЎЛКАН ўғли

МАНГЛАЙИДА БАХТ ЯРАҚЛАБ...



Эргаш ота[1] ўтирарди уйимизнинг тўрида,
Достонлари мавж урарди юрагининг қўрида.
Устидаги ола тўни қоматига ярашиб,
Сўзларини тинглар эдик атрофини ўрашиб,
Гоҳо сухан қилар эди таржимаи ҳолидан,
Ака-ука вафотию ҳам бевафо толеидан.
Шеърга солиб айтиб бўлмас унинг қалбин сўз билан.
Дарё-дарё жўшқинлигин кўрган эдим кўз билан.
Дўмбирани чертмаса-да, айтишини созларди,
Бир эшитган яна қайта эшитмоқни кўзларди.
Кўзин юмиб айтганида Кунтуғмишнинг нолишин,
Моҳибою Гуркибойнинг қум устида қолишин...
Булбул бўлиб одамларни у оғзига қаратди,
Ватанимиз, бахт қуёши — янгроқ достон яратди.
Достонида ошкор айтди золимларга ғазабин,
Камбағалнинг қора кунда чеккан не-не азобин!
Қишин-ёзин меҳнат қилиб, қорни тўймай ўтганин,
Чўпонига ит ошини бойлар «инъом» этганин.
Шундай бўлиб ўтган деди камбағалнинг қисмати,
Ҳатто шоир, олимнинг ҳам ҳеч бўлмаган иззати.
Қувончи кўп чексиз эди Октябрнинг нуридан,
Ленин мадҳи тушмас эди юрса-турса тилидан.
Кундан-кунга ошиб борди замонада ҳурмати,
Бахтиёрлар даврасида ошди Булбул иззати.
Шонли албон байроқ билан қизарганда ҳаммаёқ,
Жондош, қардош халқи билан бўлди унинг кўнгли чоқ.
Айтиб-айтиб тинмас эди мудом Ленин ишини,
Бу озод юрт муҳаббати чулғаганди ҳушини.
...Ҳамон ота куйлаб турар уйимизнинг тўрида,
Манглайида бахт ярақлаб Октябрнинг нурида!



[1] Эргаш Жуманбулбул ўғли назарда тутилмоқда.

КЕЛАДИ

Тўқсонда турланса булут,
Уюм-уюм қор келади.
Ишқ ўтида ёнса юрак,
Қирқ кокилли ёр келади.
Меҳр қўйсанг тупроқ узра,
Ундан бойлик, зар келади.
Пойга қурсак ҳар бир элда,
Қалбда ўти бор келади.
Инсон севар ер-тупроқни,
Одам Ато тупроқдандир.
Чунки менга тупроқ яхши,
Шул тупроқда ўсган танам.
Бағрин очиб қадалса чўп,
Мевасидан яшнар олам.
Тупроқ ишқи тортиб ўзга,
Дала бўйлаб ёр келади.
Боғларига қўниб булбул,
Тоғларига сор келади.
Яна келди бахтли баҳор,
Чирой очган юртим тонги.
Гул фаслида тўлиб кетди,
Алп деҳқонлар меҳнат жанги.
Ҳар бирида юксак марра,
Тилдан-тилга кўчар донғи,
Олатоғдай хирмон уйиб,
Қаҳрамонлар чиқсин янги.
Биз бошлаган эзгу ишга,
Дилда сўзи бор келади.
Дўмбирасин миниб бахши,
Қўлда сайроқ тор келади.

Хатирчи





АТТАНГ!

(Йўллар ҳасрати)

Аввал бошдан шинам, равон йўл бўлдим,
Қатнаб турган техникага мўл бўлдим.
Тузатилмай ўнқир-чўнқир кўл бўлдим,
Ўз вақтида тузалмадим, аттанг-а!

Афтодаман лаби-лунжим бузилиб,
Асфальт нураб, қолдим бунда сузилиб.
Автобуслар аранг ўтар чўзилиб,
Элга хизмат қилолмадим, аттанг-а!

Ботқоқликни ўйлаб қайғум ортади,
Ботганларни тракторлар тортади.
Айтсин бошлиқ, қачон ярам битади?
Текис, тугал бўлолмадим, аттанг-а?

Йўловчилар лой кечади тиззадан,
Мен уялиб бош эгаман иззадан.
Йўл бошлиғи ишни тутар юзадан,
Сабабини билолмадим, аттанг-а!

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!
Коммунистическая партия Советского Союза
ПРАВДА
Орган Центрального Комитета КПСС
Газета основана 5 мая 1912 года В. И. ЛЕНИНЫМ
№ 85 (25072) Четверг, 26 марта 1987 года Цена 4 коп

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

Ленинчи «Правда» газетаси чиқа бошлаганига 75 йил бўлди

Ленинчи «Правда!»

Бу икки мўътабар сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Ленинчи «Правда» деганимизда, зулм-истибдод салтанатига қарши омонсиз курашнинг шиддатли тўлқинлари ичра туғилган большевикча жанговар, собитқадам, забардаст газета келади тасаввуримизга. Ленинчи «Правда» деганимизда, чоракам бир аср мобайнида партия ва халқ ишига садоқат билан хизмат қилиб келаётган маънавий қудрат кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ниҳоят, ленинчи «Правда» деганимизда доҳий даҳоси билан барпо бўлган, унинг раҳбарлиги ва мураббийлигида камол топган ва эндиликда Ленин таълимотининг жаҳонаро тантанаси учун изчил курашаётган улуғвор, муаззам, қудратли газета қад ростлайди нигоҳимиз қаршисида. Шунинг учун ҳам «Правда»нинг шонли тарихи, ажойиб анъаналари ғоят ибратли.

Қундалик оммавий ва ошкора ишчи газетаси нашр этиш ғоясининг ташаббускори ва ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин эди, шу билан бирликда «Правда»нинг чинакам бунёдкори питерлик ишчилар бўлди. Газета ишчиларнинг ғайрати, ҳиммати ва шижоати билан уларнинг меҳнат маблағлари эвазига барпо бўлди. Шунинг учун ҳам Владимир Ильич: «Петербург ишчилари кундалик ишчи газетасини йўлга қўйиш билан, муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта тарихий ишни бажардилар... «Правда»нинг вужудга келиши рус ишчиларининг онги, ғайрат ва бирдамлиги баландлигини исбот қиладиган жуда катта далил бўлиб қолади», деб таъкидлади.

Қундалик ишчи газетаси — «Правда»нинг чиқа бошлаши революцион кўтарилиш йилларидаги рус ишчилари ҳаракатида рўй берган жуда катта сиёсий воқеа эди. Газета ўз фаолиятида ленинчи «Искра», «Вперед», «Пролетарий», «Новая жизнь», «Социал-демократ», «Рабочая газета», «Звезда» ва большевистик йўналишдаги бошқа легал ва нолегал газеталар тўплаган бой тажрибаларга суянди, уларнинг шонли анъаналарини янги тарихий шароитда ривожлантирди.

Ишчилар газетадаги ўз ҳаётларига оид материалларни коллектив бўлиб ўқишар, муҳокама қилишар ва редакцияга мактублар йўллашар эди. Газетанинг ҳар бир сонида ишчиларнинг ўнлаб хат-хабарлари босиларди. Икки йилдан ортиқроқ давр (1912 йил май —1914 йил июль) мобайнида «Правда» саҳифаларида меҳнаткашларнинг қарийб 17 мингдан иборат хат-хабарлари босилиб чиқди.

«Правда»нинг омма орасидаги революцион таъсиридан ташвишланган чор ҳукумати газетани қаттиқ таъқиб остига олди. Икки йил мобайнида газета ўнларча марта судга тортилди. «Правда» редакторлари умумий ҳисобда 103 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Шу икки йил давомида «Правда» саккиз марта тақиқланди, бироқ у янги-янги номлар остида қайта-қайта чиқаверди. Редакция ҳар сафар ишчиларга азиз ва қадрли бўлган «ПРАВДА» сўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилди: «Рабочая правда», «Северная правда», «Правда труда», «За правду», «Пролетарская правда», «Путь правды», «Рабочий», «Трудовая правда»...

Газета қанчалар кўп таъқибга учраса, ишчилар уни шунчалар қаттиқ туриб ҳимоя қилишаверди.

«Правда»нинг курашга чақирувчи қудратли овози 2 йилу 3 ой мобайнида бутун мамлакат бўйлаб жаранглаб турди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида, 1914 йил 8 июль куни чор жандармлари «Правда» редакциясини яксон қилдилар. Унинг ходимларини қамоққа олиб, газетани бутунлай ёпдилар. Бу сафар «Правда» Россияда Февраль буржуа-демократик революцияси ғалаба қозонгандан кейингина тикланди.

1917 йил 5 март куни эрталаб қайта нашр этила бошланган «Правда»нинг 1-сони босмадан чиқди. Газетанинг 100 минг нусхадан иборат бутун тиражи Петроград ишчилари ва Петроград гарнизонининг солдатлари орасида бепул тарқатилди, поезд ва пароходларда мамлакатнинг турли чекkаларига жўнатилди. Тикланган «Правда» ўзининг дастлабки сонлариданоқ диққат-эътиборини революциянинг бош масалаларига қаратди, социалистик революциянинг жўшқин жарчиси бўлиб майдонга чиқди.

Муҳожирликдан Петроградга қайтиб келган Владимир Ильич редакцияга раҳбарликни ўз қўлига олди. Газетанинг 7 апрель сонида доҳийнинг «Ҳозирги революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Бу — партия ва халқимизни ўша мураккаб ва оғир шароитда курашнинг аниқ программаси билан қуроллантирган машҳур Апрель тезислари эди.

5 июлга ўтар кечаси Муваққат ҳукумат ёллаган бир тўда безорилар «Правда» редакциясини остин-устин қилдилар, бироқ партия марказий органининг жанговар руҳини сўндиролмадилар. «Правда» ўз номини ўзгартириб яшашга мажбур бўлди: то Октябрь инқилобига қадар «Рабочий и солдат», «Пролетарий», «Рабочий», «Рабочий путь» номлари билан нашр этилди. «Рабочий путь»нинг 24 ва 25 октябрдаги сонлари солдатлар ва қизил гвардиячиларнинг кучли ҳимояси остида чиқди. Газета партия номидан, халқ номидан: «Бутун ҳокимият — ишчи, солдат ва деҳқон Советларига! Сулҳ! Нон! Ер! — дея ҳайқирди.

«Рабочий путь»нинг 26 октябрда чиққан сони инсоният тарихида янги давр бошланганидан хабар берди. 27 октябрь (янги ҳисоб билан 9 ноябрь)дан ўзининг аввалги меҳнаткашлар учун севимли номи билан чиқа бошлаган «Правда» мамлакатимиз тарихининг янги саҳифасини — социализм ғалабасини тезлаштириш учун бошланган кураш лавҳаларини акс эттиришга, социалистик ва коммунистик қурилишлар солномасини яратишга киришди.

1929 йил 20 январда «Правда» В. И. Ленининг «Мусобақани қандай уюштириш керак?» сарлавҳали мақоласини биринчи марта эълон қилди. Улуғ доҳий мазкур асарида социалистик мусобақанинг янги турмуш қуриш учун курашдаги, социалистик жамият кишисини тарбиялашдаги буюк аҳамиятини баён қилиб берган эди. Мақола халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнат қилаётган миллионлаб кишиларда зўр ғайрат қўзғотди, уларни меҳнатни шонли шараф ишига, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айлантириш учун курашга сафарбар этди. Ленин мақоласининг қудратли таъсир кучи туфайли совет беш йилликларида белгиланган улкан режалар муддатидан илгари ва ортиғи билан бажарилди.

Улуғ Ватан урушининг ғоят оғир ва таҳликали онларида, Ватанимиз пойтахти — Москва учун, Сталинград учун, давлатимиз ва тузумимиз тақдири учун ҳаёт-мамот жанги бораётган кезларда «Правда» жангчиларимизни мардлик ва қаҳрамонликка чорлади, ўз кучларига ва ғалабамизнинг муқаррарлигига ишонч туйғусини мустаҳкамлади. Ватан уруши йилларида газета саҳифаларида А. Фадеев, А. Толстой, М. Шолохов, Н. Тихонов, Я. Колас, Павло Тичина, К. Симонов, И. Эренбург, Жамбул, С. Айний, А. Сурков, Ғафур Ғулом, Твардовский, Самад Вурғун, М. Турсунзода каби ёзувчилар, шоирлар ва публицистларнинг мунтазам суратда чиқиб туришлари, шубҳасиз, газета материалларининг таъсир кучини беқиёс оширганди.

Партия ва ҳукуматимиз «Правда»нинг ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан ҳамда унинг партия ва халқ олдидаги улкан хизматларини тақдирлаб, 1945 йил сентябрида Ленин ордени билан мукофотлади.

«Правда» урушдан кейинги йилларда коммунистик меҳнатнинг янгича ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини байроқ қилиб бутун мамлакатни шулар ортидан эргашишга даъват қилди, совет кишиларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялади.

1962 йил май ойида бутун мамлакатимиз ва жаҳон прогрессив жамоатчилиги «Правда»нинг ярим асрлик тўйини кенг нишонлади. Шу муносабат билан газета иккинчи марта Ленин ордени билан тақдирланди. 1972 йил майида эса, газета коллективи Ватаннинг учинчи юксак орденига — Октябрь Революцияси орденига мушарраф бўлди...

«Правда» газетасининг республикамиз матбуотига доно раҳбарлиги, ғамхўр мураббийлиги ва талабчан устозлигини намойиш этувчи мисоллар жуда кўп. Республикамиз матбуоти «Правда» даъвати билан дунёга келди ва ўзининг дастлабки қадамлариданоқ ленинчи «Правда»нинг шонли анъаналарига амал қилиб, унинг жанговар йўлидан борди, унинг таъсири ва мураббийлигида ривожланди.

«Правда» республикамиз матбуотининг ҳар бир қадамини синчиклаб кузатиб борди, бош мақолаларида, матбуот обзорларида ва бошқа материалларида матбуотимиз фаолиятида ижобий жиҳатларни қайд этиш билан бирга камчилик ва нуқсонларни кескин танқид қилди, маслаҳатларини аямади. Бу жиҳатдан 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг боши айниқса характерли. Шу даврда «Правда» республикамиз матбуотига бағишланган ўндан ортиқ матбуот обзорлари ёритди. Уларнинг аксарияти «Қизил Ўзбекистон» газетаси фаолиятига қаратилган эди. Обзорларда, шунингдек, «Колхоз йўли», «Янги Фарғона», «Коммуна», «Большевик» (Булунғур райони), «Қурилиш» (Олтиарик райони), «Колхоз меҳнати» (Мирзачўл райони), «Янгийўл» газеталари ҳам қаламга олинганди.

30-йиллар охирига келиб Ўзбекистонда каналлар қазиш, суғориш иншоотлари қуриш юзасидан ажойиб халқ ҳаракати авж олган бир пайтда «Правда» «Халқ ташаббуси» деб номланган бош мақола билан чиқди (1939 йил, 5 июль) ва: «Мана, халқ ташаббуси кўринишининг ажойиб намунаси, мана, жамият манфаатининг мингларча кишилар учун ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб қолганини кўрсатадиган ажойиб мисол», — деб баралла айтди. Газета 1939 йилнинг улуғ ишларига сарҳисоб ясар экан, умумхалқ ҳашари йўли билан қурилган Фарғона каналининг аҳамиятини таъкидлаб: «Канал қурилиши янги ишлар, озод, онгли социалистик меҳнат формалари учун пишиб етилган баҳодирона халқ кучи-қудратининг жўш уриши»дир, (1939 йил, 30 декабрь) деди.

Сталинград учун шиддатли жанглар бораётган бир пайтда —1942 йил 31 октябрда «Правда» «Узбек халқининг жангчиларига — уларнинг эл-юртидан Мактуб»ни босиб чиқарди. Газетанинг иккинчи бетида Мактубнинг ўзбекча тексти, учинчи бетда — русча тексти босилган эди. «Правда» мазкур Мактубга бағишлаб берилган бош мақоласида хатни совет кишиларининг «ўз халқига ва совет Ватанига бўлган улкан муҳаббати ва чексиз садоқатининг рамзи» деб баҳолади.

«Правда» урушдан кейинги йилларда ҳам республикамизнинг етакчи газеталари — «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») ва «Правда Востока»га, айрим область ва район газеталарига бағишлаб қатор материаллар ёритди. Шубҳасиз, улар матбуотимиз фаолияти учун қимматли сабоқлардир.

КПСС XXVII съездидан кейинги даврда «Правда» ўз устози ва мураббийси Владимир Ильич Ленининг васиятларига қатъий амал қилган ҳолда омманинг коллектив тарғиботчиси, жонкуяр ташвиқотчиси ва жанговар ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқмоқда, мамлакатимиз меҳнаткашларини съезднинг улуғвор қарорларини бажариш учун курашга сафарбар этмоқда, партиянинг узоқ йилларга мўлжалланган ҳаракат программасини белгилаб берган, КПСС Марказий Комитетининг Январь (1987 йил) пленумида инқилобий аҳамияти яна бир бор таъкидланган қайта қуриш ва жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш бобида жонбозлик кўрсатмоқда.

Эндиликда «Правда» жаҳондаги энг обрўли, энг таъсирчан, энг кўп тарқалувчи газеталардан биридир. Бугунги кунда газета 11 миллиондан ортиқ нусхада Ер курраси-нинг қарийб ҳамма чеккаларида тарқалмоқда. Жаҳон афкор оммаси, тараққийпарвар инсоният «Правда» овозига улкан умид ва чексиз ишонч билан қулоқ солмоқда. Йигирмадан ортиқ мамлакат аҳолиси «Правда»ни ўз она тилида, яъни инглиз, француз, немис, испан, итальян, швед тилларига таржима қилиниб чоп этилган нусхани ўқимоқдалар ва ўзларининг ҳайрат ва ҳаяжонларини редакцияга йўллаган мактубларида тўлқинланиб ифода этмоқдалар.

«Правда» мамлакатимиз ичкарисидаги ва жаҳоннинг турли чеккаларидаги ўз ўқувчилари билан алоқани тобора мустаҳкамлаб бормоқда: йил мобайнида редакция улардан ярим миллиондан ортиқроқ хат-хабар олади ва уларнинг катта қисмини ўз саҳифаларида эълон қилади. Дунёдаги 120 дан ортиқ хорижий мамлакатда газетанинг доимий муштарийлари бор. Элликдан ортиқ мамлакатда «Правда»нинг доимий мухбирлари ишлаб турибди.

Ўзининг қутлуғ ёшини нишонлаётган ленинчи «Правда» партия ва халқ ишига камарбаста: ленинчи «Правда» совет халқининг КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 йил) ва Январь (1987 йил) пленумлари қарорларини амалга ошириш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа ҳаракатини жозибали ва ёрқин акс эттиришга ҳаракат қилмоқда. Ватанимиз тўғрисидаги ҳақиқатни жаҳонга ёймоқда, партиянинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида жипслаштиришга қаратилган ленинча сиёсатини, КПСС ва Совет давлатининг ядровий қуролларни батамом тақиқлашга қаратилган Тинчлик ташаббусларини эҳтирос билан тарғиб-ташвиқ қилмоқда.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти



П. МОРДВИНЦЕВ. ҲОКИМИЯТ СОВЕТЛАРГА! ТОШКЕНТ. 1917 ЙИЛ.

5 май — Матбуот куни

МЎЪТАБАР КАСБ

Нафис бармоқлар ҳарфлар мажмуаси бўйлаб чаққон ҳаракат қилади. Оппоқ қоғоз узра бугунги кун нафаси — тинчлик, ватан, она, меҳнат, ҳалоллик... сўзлари ёзилаверади. Оппоқ қоғоз ичра баҳор жилоси болаларнинг беғубор кулгуси, оналар меҳри, ота-боболар ҳузур-ҳаловати аксини топади. Бармоқлар эса ҳарфлар узра югураверади, югураверади, гўё... Ҳаёт таронасини ижро этади. Бутун вужудинг билан шу оҳанг бағрига шўнғиб кетасан...

Ҳури опани кўпдан танийман — кўзлари доимо кулиб турувчи бу аёл кўпчилик шогирдлари қатори мен учун ҳам қадрдон. Ҳури Шониёзова ўз касбининг устаси, меҳрибон она, самимий мураббия, ҳурмат-эътибор қозонган меҳнаткаш инсон.

Ҳ. Шониёзова эсини танийдиган қизалоқ пайти: олам нотинч, машъум уруш жароҳатидан диллар озор чекар, таҳликали йиллар эди. Ўрта мактабни битиргач, оилага тезроқ ёрдамлашиш мақсадида қисқа муддатли машинисткачилар курсига ҳужжатларини топширди. Курсни битирибоқ йўлланма билан нашриётлардан бирида, кейинроқ «Муштум» журналида ишлай бошлади.

1965 йилда «Мухбир» журнали ташкил этилдию Ҳ. Шониёзова журнал ишини йўлга қўйишга ўз ҳиссасини қўша бошлади. Одатда биринчи журналхон ҳам, биринчи танқидчи ҳам шу коллективнинг машинисткаси бўлади. Уларни ҳам касблари ҳазил аралаш, редакциянинг барометрлари, дейишади. Ўз ўрнида ишлатилган ҳазил. Ҳури опа ҳам иш давомида журналга зарур фикрларини айтиб туради. Унинг самарали меҳнати 1978 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Шу йиллар давомида газета ва журналлар редакцияларида ишлаётган кўп машинисткалар Ҳури опадан касб ўрганган, десак хато бўлмайди. Бугунги кунда унинг шогирдлари — Раъно Абдураҳмонова ЎзТАГда, Муҳаррам Азимхўжаева «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида, Маъмура Муҳаммаджонова республикамиз нашриётларидан бирида ишламоқда.



— Мен учун қувончлиси шундаки,— дейди Ҳури опа, — қизларим ҳам менинг касбимни танлашди. Гули «Совет Ўзбекистони санъати» журналида, Саййора ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиш билан биргаликда «Партия турмуши» журналида, Жамила эса «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналида машинистка бўлиб ишлаяпти. Уларнинг меҳнатидан хурсандман.

Оппоқ қоғоз узра сўзлар оқиб келаяпти. Юзларидан кулгу аримайдиган аёл бармоқлари ҳарфлар узра югуради. Унинг кўзларидан ўз ишидан, кунларининг мазмунли ўтаётганлигидан мамнун эканлиги сезилиб турибди. Биз ҳам унинг қувончига тилакдош эканлигимизни айтгимиз келади.

М. НАБИЕВА

Суратда: Ҳури Шониёзова қизлари билан.

В. Мосин фотоси




Бухоро районидаги «Янги турмуш» колхози фермасининг илғор сут соғувчиси Гулнора Баҳромова.

Ҳ. Қурбонов фотоси

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Ҳалоллик



Зотан, недир саъй ҳалоллик,
Ибратингми, шаъни-шонингми?
Ҳис қиламан ажиб ҳаёдек,
Куйлаганларида номингни.

Эмушсанки, асти меҳрдан,
Юрт жонидан дерлар жонингни.
Самимият эсади, бирдан —
Сўйлаганларида номингни.

Юртинг қилур сендан ифтихор,
Келтирурлар эҳтиромингни.
Тағин ҳавас қиламан такрор
Ўйлаганларида номингни.



ДОИРА

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Қаҳрамон Дадаев шаънига

Доира...
Ўлканинг ҳайрат овози,
Ҳислар, туйғуларнинг хилқати.
Созлар ичра созларнинг сози,
Санъаткорнинг дилбар санъати —
Доира!
Таъзим эт унга сиғиниб,
Санъатнинг санъати санъатда енгди.
Сен энди оловга юрма топиниб,
Унинг қалбига тут қалбингни энди!

ЯНА ДОИРАЧИГА

Мен уни куррага қиламан қиёс,
Овозини момоқалдироққа!
Рақси оташида олам эҳтирос,
Ҳар бир зарби тутар сўроққа!
Доирами, курра,
Айланар мудом?
Бамисоли олам қўлингда.
Рақс ҳам, доира ҳам айланар бу дам,
Чиқиб кетай дея қўлингдан.
Маҳкам тут, топмасин ёмон синоат,
Куррадек тегрангда бўлсин гиргиттон.
Файзидан гуркираб турсин самовот,
Оламни қуёшдек этиб чароғон!

Шайдо овози

Бутоқларда куртак бўртипти,
Барг ёзипти ажиб мажнунтол.
Ариқларда ирмоқ йўртипти,
Гулдан ари кўтарипти бол,
Қулф урипти, қаранг, биёбон,
Қувилипти ироққа ҳасрат.
Ошиқларга интиқ хиёбон,
Олам ундан олипти нусрат, —
Рақс этганда гўзал Дилафрўз,
У этганда ним ишваю ноз,
Чекилганда бир зумга афсус,
У саҳнада этганда парвоз...
Чанг солганда завқдан, қарагин,
Чангалида менинг юрагим!..



ЮЛДУЗЛАР

Олам эди ҳорғин, чарчоқ ўт забтидан,
Ўт оларди ватанини ўт тафтидан,
Ватан жони эди, билсанг, нақ кафтида,
Йиқилганда, синглим, жигарпоранг,
Тутганида кўкни ғаму ноланг.

Осмон тўла юлдузлардан топган эдинг,
Оҳ, нақадар бахт тотини тотган эдинг,
Муҳаббатнинг сирларига ботган эдинг,
Юлдузларнинг ажиб гулшанида,
Муҳаббатнинг нажиб гулханида.

Миллион-миллион эди ватан
қурбонлари,
Фидойижон асл марди-майдонлари,
Юлдуз бўлиб сочилдилар улар бари
Сен кашф этган осмон қучоғига,
Ҳам айланиб олам ардоғига.

Юлдуз бўлиб боқар энди бошинг узра,
Сафо билан келипти у қошинг узра,
Алам билан тўккан қанча ёшинг узра,
Турипти у, кўтар хам бошингни,
Ташла энди алам либосингни...

ЧЕРТМА

Сен оҳиста чертдинг,
Дарича уйғоқ,
Унда чироқ эмас, табассум ёнди.
Югургилаб чиқди малак қизалоқ,
Наинки қизалоқ, гуллар уйғонди...
У гўё чертмангга чўмилгани чиқди,
Доирангдай урар эди юрагинг.
Мисоли муҳаббат ногоҳ йўлиқди,
Қаршингда фариштанг, севгинг,
малагинг!



СЕҲРГАР РАҚҚОСА ХАЕЛИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Дилафрўз Жабборова шаънига

Бухорога

Шоир қандай куйлар экан-а,
Бу қандай нур, бу қандай ҳузур!
Рассом қандай ўйлар экан-а,
Қилолмайман асти тасаввур...
Бошим айланади ўйласам,
Кўзим бойланади ўйласам.
Тополмайман рангинг рақсимда,
Йўқотаман ўзимни зумда,
О, Бухоро, санъат Бухоро,
Талъат ичра талъат Бухоро!..



Лимон шаҳри

УзССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси Зайниддин боғбон шаънига

Яланғочда бир боғ яралмиш,
Бошдан оёқ кетган лимонзор.
Бошдан оёқ болмиш, асалмиш,
Яшнар эмиш қишин-ёз, баҳор.

Яшнар эмиш иқлим ранг-баранг,
Яшар эмиш олам гуллари.
Ҳосилидан шохлар ҳоли танг,
Меваларнинг туман хиллари.

Улар бунда қурмиш ошиён,
Бунда дўстлар топмишлар висол.
Бошларида ойнаванд осмон,
Ажаб иқлим, ажойиб бир ҳол.

Бу боғ эмас, лимон шаҳридир,
Лимон шаҳри, лимон наҳридир.
Алла айтиб амал олдирган
Уста Зайниддиннинг фахридир.

Бунда гўё барча фасл бор,
Бунда мева кўрмас ҳеч хазон.
Тишда уриб бўралайди қор,
Ичда мева узади боғбон.

Мева тугар Перу ниҳоли,
Занжибардан келган новдалар.
Тунис апельсинининг боли
Куба лимонидан авж олар.

Ҳинд кўркини этади кўз-кўз
Шода-шода мандаринлари.
«Доруссалом бананидан уз», —
Дейди меҳмон, тушиб назари.

Жам бўлишмиш бунда боғу роғ,
Бошларида ойнаванд осмон.
Дунё мевалари вақти чоғ
Яшайдилар кўрмайин хазон.

Яланғочда бир боғ яралмиш,
Бошдан оёқ болмиш, асалмиш...

[1] Бу қўшиқ шоир Султон Қўқонбеков билан ҳамкорликда ёзилган.

«ШАШМАҚОМ» ҲОШИЯСИДАН



* * *

Муҳаббат хазондай ёнади, бироқ
Қўшиқдай ҳамиша тирик ва уйғоқ.
Усиз қалблар қаъри қуриб қолган чашма,
Усиз олам бўм-бўш, ўт босган сўқмоқ.

* * *

Дарахт қинғир ўсар қарамасанг агар,
Қинғир бўлур кўланкаси ҳам.
Қинғир ишнинг қийиғи, занғар —
Уйқунгда ҳам қўймас хотиржам.

* * *

Икки юзламалик мунофиқлик демак,
Икки юзламалик ханжарга ҳам хос.
Унинг у юзи ҳам, бу юзи ҳам бирдак,
Хиёнат, жиноят сўқмоғига мос.

* * *

Учирма қуш бўлур бўйи етган қиз,
Эси-ҳуши бўлур икки кўзида.
Унинг топган бахти ишқдир мислсиз,
Тилло топганидай олтин кўзада.

* * *

Ошиқ дарди зотан бедаво дарддир,
Севги бозоридан қилинган хариддир.
Дейдилар бу дардни чеккан йигитлар
Фақат эгардамас, ерда ҳам марддир.

* * *

Муҳаббат нақ гулхан, оловнинг ўзи,
Ениши осону ўчиши қийин.
Ендими, авайла кеча-кундузи,
Меҳрдан ўт қала ёнгандан кейин.

* * *

Ҳазир бўл ҳамиша бефарқ дўстингга,
Мухолифинг эса, маълум ва ошкор.
Шундай қилиқ қилар гоҳо у сенга,
Қилганини ҳатто қилолмас ағёр.



ХАР ТУГРИДА БИР ШИНГИЛ

Тиббиёт ҳақидаги қадимги манбалар

Тиббиётда беморларни игнада муолажа қилиш, куйдириш, шифобахш гиёҳлардан ва банкалардан фойдаланиш йўли билан даволаш Узоқ Шарқ мамлакатларида, жумладан, Кореяда қадимдан қўлланиб келинган экан. Шу боисдан ҳам тиббиётга оид китобларда таҳлил қилинган халқ даволаш усуллари Корея Халқ Демократик Республикаси олимларининг эътиборини тортмоқда. Уларнинг кучи билан ўтган асрларга оид тиббиёт манбалари тўплами ҳисобланган «Хянъяк чипсонбан» мажмуаси ҳозирги корейс тилига таржима қилиниб, чоп этилди. У қадимги халқ даволаш усуллари ҳақидаги 267 китобдан иборат.

85 жилд (квона)ни ўз ичига олган бу ноёб манбавий ёдгорлик XV асрнинг ўттизинчи йилларида биринчи марта Ю Хетхон, Но Чунне, Пан Юндок сингари таниқли олимларнинг ҳамкорликдаги меҳнати билан нашр этилган эди.

Езма ёдгорликнинг асл нусхаси, афсуски, сақланмаган. Унинг бир неча марта нашр қилинган кўчирма нусхалари ҳозиргача етиб келган. «Хянъяк чипсонбан» мажмуасининг ҳозирги беш томлик нашрида таржима матни билан бирга эски ёзма «Ханмун» тилидаги қадимий матнининг шарҳи ҳам берилган.

Канарейкалар... истеъфога чиқишди

Элликта канарейка кўп йиллар давомида инглиз шахтёрлари билан Дербишер графлигида меҳнат қилдилар. Уларнинг вазифаси шахтада ҳосил бўладиган заҳарли газлар миқдорини билдириб туриш эди. Шахта йўлакларида инсон ҳаёти учун хавфли даражада заҳарли газ йиғилганда, улар турли хил ҳаракатлар қилиб шахтёрларни огоҳлантириб турарди. Лекин, янги йилдан бошлаб канарейкалар ишсиз қолди. Уларнинг ўрнини электрон асбоб-ускуналар эгаллади. Бироқ шахтёрлар бир неча бор ҳаётларини сақлаб қолган дўстларидан ажралгилари келмай, уларни ўз уйларига олиб кетдилар.

ЖАНГГОҲЛАРДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚ

Эгнига атлас кўйлак ўрнига ҳарбий кийим кийган бу аёлларни ким танимайди, дейсиз. Улар Улуғ Ватан уруши йиллари Украина, Белоруссия, Ленинград, Москва, Узоқ Шарқ тупроғида, шунингдек, бошқа фронтларда ўз куй ва қўшиқлари, рақслари билан жангчилар кўнглини кўтарган, уларни фашизм устидан ғалаба қозонишга руҳлантирган Ўзбек концерт бригадаси аъзолари, ўзбек қизлари...

Уруш йиллари Ўзбекистонда 20 га яқин фронт ансамбллари тузилган бўлиб, уларга М. Абдуллаева, Г. Раҳимова, Тамарахоним ва бошқалар раҳбарлик қилишган эди. Гавҳар Раҳимова труппаси аъзолари биринчи концерт программасини Москва ҳимоячилари ҳузурида намойиш қилишган. Улар беш марта жанг бораётган фронт территорияларида бўлиб қайтишди. Меҳри Абдуллаева бошлиқ бригада аъзолари қаҳрамон панфиловчилар олқишини олдилар. Сталинград ғалабасидан сўнг, армиямиз ҳаракатида фронт бўйлаб туб бурилиш бошланган эди. Жангчиларимиз дадиллик билан олға интилиб, душман қўлидаги шаҳар ва қишлоқларимизни озод қилиб борардилар. Бу даврга келиб фронтчи ансамбллар сафи ҳам кенгайиб борди. Уларнинг репертуарлари ғолиб жангчилар, шавкатли армия, ғалаба ҳақидаги қўшиқлар билан бойиди. 1943 йилда Гавҳар Раҳимова ансамбли сафига хоразмлик 14 ёшли Коммуна Исмоилова ҳам келиб қўшилди.

— Днепр кечувидаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дейди Гавҳар опа, — қаттиқ жанглар борар, кечувдан ўтиши лозим бўлган машиналар колоннаси турнақатор бўлиб тизилиб кетган, бизнинг ҳам ўтишимиз чўзилиб, диққатимиз ошар эди. Кечувдан олдин дарёнинг нариги қирғоғи тўпплардан ўққа тутилган, авиациямиз ёрдамида бомбардимон қилинган бўлса-да, у ерда ҳали ҳам душман тўдалари қолган, улар қаттиқ қаршилик кўрсатишар, гоҳо-гоҳо ҳавода немислар авиацияси пайдо бўлар ва кечувга халақит берар эди. Биз бу ерда анча туриб қолишимизни сезиб, ихтиёримиздаги 4 машинадан бирининг кузови устида кечувни кутиб турган жангчиларга концерт қўйиб бердик. Ўзбек оҳангларини таниган жангчилар сафидаги ўзбеклар, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, озарбойжон йигитлари биз томонга оқиб келар, ўз юртини, ота-онасини соғинган жангчилар бир-бирларига навбат бермай юртини суриштирар, ота-оналарига, уйларига ўз саломларини етказишларимизни сўраб илтимос қилишар эди.

Гавҳар опа кўзларини юмиб секин хиргойи қила бошлайди:

— От ўйнатгин, ўғлим,
Милтиқ отгин, ўғлим,
Чавандозим — полвоним.
Сени ўйлаб ҳар кун,
Қувонади кўнглим...

Бу қўшиқни Ўғилжон Машарипова билан Раимахон Ҳакимова маҳорат билан ижро этишарди.

Гавҳар Раҳимова бошлиқ фронт ансамбли ўз сафарлари давомида 2000 дан ортиқ концертлар кўрсатди. Баъзан икки кунлаб уйқу нималигини билмай тинимсиз концерт қўйишди. Полесье қишлоғи учун қаттиқ жанглар кетар, қишлоқнинг ярми душман қўлида эди. Олатасир жанг кетаётган бир пайтда ансамбль аъзолари икки кун давомида концерт программасини 13 маротаба такрорлади. Биргина Роза Багланованинг ёлғиз ўзи элликта қўшиқ айтди...

Ансамбль фронтга охирги марта қирқ бешинчи йилнинг февралида борди ва урушнинг охиригача фронт бўйлаб концерт программаларини намойиш қилди. 15 майдагина ғалаба билан Тошкентга қайтишди.

— Охирги боришимизда — деб эслайди Г. Раҳимова, — дастлабки концерт номеримиз биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов армияси жангчиларига намойиш қилинди. Умр йўлдошим Ғулом Раҳимов иккаламиз Собир ака билан илгаридан таниш эдик. Ҳа, бу жангларда биз қанча-қанча қадрдонларимиздан, жигарбандларимиздан ажралмадик. Қанча норасида гўдакларимизни йўқотмадик...

Ғалабамизга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшган ўзбек фронтчи аёлларига ҳар қанча таҳсин айтсак ҳам оз. Буюк Ғалабанинг 20 йиллик тўйида ансамбль иштирокчилари Лизахоним Петросова, Ася Каспарова, Қиммат Борухова, Мина Буркаш, Ўғилжон Машарипова, Дилором Шерова, Коммуна Исмоилова, Роза Багланова ва бошқалар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи, Ватанимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шу йили ансамбль раҳбари Гавҳархоним Раҳимова эса Ўзбекистон ССР халқ артисти деган юксак номга сазовор бўлди.

Улуғ Ватан уруши тугаганига қирқ икки йил бўлаяпти. Республикамизнинг турли жойларида истиқомат қилаётган бу санъаткорлар учрашиб, яна бир ансамблга тўпландилар. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова ташаббуси билан бошланган бу хайрли иш таҳсинга сазовордир. Шундай қилиб, собиқ жанговар концерт бригадаси Ўзбекистон Театр жамияти секциясига бирлашди. Бундан мақсад — уруш йиллари улар куйлаган қўшиқлар, ижро этган рақслар, ўзбек ва рус тилларидаги бадиий ўқишлар, хуллас, тарихий концерт программасини қайта тиклашдир. Ўтган йили ансамбль аъзолари мухлисларга 80 марта концерт намойиш этдилар.

Ўзбекистон қизлари уруш йиллари ижро этган қўшиқлар бугунги кунда пластинкаларга ёзиб олинмоқда. Фронтчи аёллар ансамбли ҳақида видеофильм суратга олинди. Улар босиб ўтган тарихий йўл, улар ижро этган тарихий куй ва қўшиқлар ўлмасдир. Зеро, халқ дилига пайваста оҳанглар абадийдир.

Комил ЖУМАЕВ



Суратда: жанговар концерт бригадаси аъзолари.

И. Гринберг фотоси



Ансамбль раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова.

А. Жумаев фотоси

Жасур Майна

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

«Ҳасанова Майна. 1903 йилда Ғузорда туғилган. Граждандар урушининг қаҳрамони, Зайнаб, Зоҳида, Зебо номлари билан машҳур разведкачи, 1918 йилдан ВЛКСМ аъзоси. Камбағал деҳқон оиласида туғилган. Қизил Армия сафида Колчак ва Деникинга қарши жангларда қатнашди. 1922 йилда босмачилар Ўратепада уни қўлга туширадилар, чап қўли, қўкраклари ва тилини кесиб қийноққа соладилар. Жанговар хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. 1943 йилда Москвада вафот этган».

(«Ўзбек Совет Энциклопедияси»дан)

Халқимизнинг хотин-қизлар орасидан чиққан Тўмарис, Кенагас Бегим, Қурбонжон додхо, Майна каби абадий яхши ном билан эсланадиган фарзандлари бор. Уларнинг қаҳрамонлиги афсонадан афсонага, қўшиқдан қўшиққа ўтиб, достонлар битилмоқда.

Ўз халқининг озодлиги йўлида донишманд Тўмарис золим Кайхисрав бошини қонли мешга тиқди, шаҳрисабзлик Кенагас Бегим Амир Насруллони қулоғига симоб қуйиб ўлдирди, чор ҳукуматини зир титратган Қурбонжон додхо гаровга олиниб дорга осилаётган ўғли ёнига жасорат билан от қўйиб келади, уни мард бўлишга ундаб, яна ортига қайтиб кетади, сўнг ўғли ва халқи учун ўч олади, ғузорлик жасур қиз Майна эса золим эрини отиб, қизил гвардиячилар сафига қўшилади ва инқилоб душманларига қарши курашади. Уларнинг қаҳрамонлиги тавсифини яна давом эттириш мумкин...



Майна Ҳасанова ҳақида кўп ривоят ва ҳикоялар тўқилган, улар ҳамон эл оғзида. Бу ҳикоялардан бирида Майнанинг ёшликда кўзи ўткир мерган бўлгани, пилта милтиқнинг бир ўқи билан икки кийикни ерга қулатгани, иккинчи бир ҳикояда елиб бораётган отга ирғиб мина олиши, пойгаларда чопаётган отидан иккинчи отга сакраб мингани мароқ билан сўзланади. Дарҳақиқат, жасур қиз, Қизил Армия разведкачиси Майна ҳақидаги халқ ижоди ранг-баранг, улар мазмуни аксарият ҳолда ҳақиқатга яқин.

Майна Ҳасанова ҳақидаги дастлабки маълумотни «Гулистон» журналининг 1928 йил сонларидан бирида учратамиз. Унда ўзбек аёллари орасидан чиққан Майна исмли довюрак қизнинг кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилинади.

Майнанинг балоғат ёши Октябрь инқилобининг серташвиш йилларига, Бухоро инқилоби арафаларига тўғри келди. У отасидан эрта етим қолиб, амакиси тарбиясида вояга етди. Қизнинг серҳаракат, зийрак, мулоҳазакорлигини кўрган амакиси Майнага ўз касбини — овчиликни ўргата бошлайди. Майна тез орада уста мерган бўлиб етишади. Унинг довруғи бутун Бухоро музофотига ёйилади. Майнанинг шўхлиги, чиройи Бухоро амирининг йирик амалдорларидан бири Очилбекнинг ҳушини олади ва унга уйланиш ниятини Ғузор тўрасига маълум қилади. Майна зўрлик билан Бухорога келтирилади.

Майна — Очилбек хонадонида. Мустабид эр зулми, рутубатли хонадон бепоён Ғузор чўлларида ўсган қиз учун қафасдек туюлади. Октябрь инқилобининг садоси бу хонадонга ҳам етиб келади. Майна эри Очилбек ва у сингариларнинг эл бошига офат эканини, халқнинг барча фожиалари шуларнинг зулми туфайли эканлигини англаб етади.

У бу жирканч даргоҳдан қутулиш йўлларини излайди. Майнанинг сабр косасини тўлдирган охирги зулм томчиси — унинг эри томонидан калтакланиши бўлди. У пайт пойлаб эрини отади ва Когонга қочади. У ерда ҳукумат халқ қўлида эди. Майна амир ва унинг амалдорларидан ўч олишга қасд қилганлигини айтади. Жасур қизнинг журъатидан хабардор қизил гвардиячилар уни бир овоздан ўз сафларига қабул қиладилар. Кўп ўтмай Майна шижоаткорлиги, уддабуронлиги, фавқулодда зеҳни билан Армия қўмондонлигининг эътиборини қозонади. У ҳарбий операциялар пайтида алоҳида топқирлик ва жасорат кўрсатади. Далаю қир, чўлларни ов қилиб кезган Майна босмачилар яшириниши ва тўсатдан ҳужум қилиши мумкин бўлган жойларни аниқлайди. Босмачилар, ҳатто уларнинг кўрбошилари ҳам Майна номини эшитганда ҳушёр тортадиган бўлиб қоладилар. Жасур қиз қизил қўшин разведкачилар отрядининг командири этиб тайинланади. Босмачиларга қарши ўтказилган йирик ҳарбий операцияда алоҳида жасорат кўрсатганлиги учун разведкачи Майна Ҳасанова Жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади. Унга мукофотни машҳур саркарда М. В. Фрунзенинг шахсан ўзи топширади.

Кетма-кет мағлубият, талафотлардан асабийлашган душман жасур қиздан ўч олиш пайига тушади. Бунинг учун барча ҳийла-найранг ишга солинади: Майнанинг қариндошларини исканжага оладилар, унинг изидан айғоқчи қўйиб кузатадилар, ҳатто қизил гвардиячилар ичига ҳам ўз одамларини киритиб, уни қўлга туширишга уринадилар. Ниҳоят, Майна тенгсиз жангда босмачилар қўлига тушади. Уни ваҳшиёна қийноққа соладилар. Чап қўлини, кўкрагини, тилини кесадилар. Кўмакка етиб келган қизил аскарлар отряди уни чалажон, қонга беланган ҳолда топади.

Майна Москвага даволанишга юборилади. Душманга қарши мардона курашган қиз оғир жароҳатлар азобини ҳам мардонавор енгади. У тузалгач, Москвада Большевиклар уйида яшайди. У ерда отрядда олган билимини ўстиради. Замондошлари унинг Бухоро тарихига оид илмий иш олиб борганини ҳам хотирлайдилар. Унинг соғлиги ва ўқиши борасида ленинчи большевиклар Н. К. Крупская ва Е. М. Ярославский ғамхўрлик қилиб турадилар. Республикамиз



Ғузор районида Майна Ҳасановага ўрнатилган ёдгорлик.

Ж. Авазов фотоси

партия ва ҳукумати раҳбарлари — А. Икромов, Ф. Хўжаев, И. Охунбобоев ҳар сафар Москвага борганларида Майнани албатта кўриб, у билан ҳамсуҳбат бўлиб қайтар эдилар. Майна Ҳасанова 1943 йилда Москвада вафот этди.

Майнанинг номи 60-йилларнинг бошларида яна қайта тилга олинди. Унинг унутилган жасоратини тиклаш учун бутун жамоатчилик бош қўшди. Натижада анча ишлар амалга оширилди: Майна таржимаи ҳоли тикланди, унинг ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги янги маълумотлар топилди, замондошларидан хотиралари ёзиб олинди. Ана шу ҳужжатлар асосида ёзувчи Шерали Тошматов «Эрк қуши» асарини ёзди, қаҳрамон қиз ҳақида икки серияли телевизион бадиий фильм ҳам яратилди.

Аслида Майна ҳақидаги илк асар инқилоб куйчиси Ҳамза қаламига мансуб, дейиш мумкин. Унинг «Ғолибият» пьесасининг бош қаҳрамонларидан бири разведкачи жасур қиз Зулфия босмачиларга қарши курашувчи сифатида тасвирланади. Майнанинг душман кўзига ниқоб учун Зайнаб, Зоҳида, Зебо, Зулфия номлари билан юрганини эътиборга оладиган бўлсак, драмадаги бу образнинг прототипи Майна Ҳасанова бўлганлигини тахмин қилиш қийин эмас. Сўнгроқ пролетар шоири Демьян Бедний ҳам Майнанинг қаҳрамонона ҳаётини акс эттирувчи «Зийнатнинг қасами» поэмасини яратган эди.



Музаффар АҲМЕДОВ

СЕҲРЛИ БИР СЎЗ

Қайси юрак қолмас титроқда,
Порламагай қайси қора кўз —
Жаранглатиб айтилган чоқда
Севги деган сеҳрли бир сўз.

У заволни билмагай ҳеч бир,
Тан олмагай недир фасли куз.
Баҳор билан доим эгиздир
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Бу каломга интилган сайин
Шакарлашар тилда талаффуз.
Қулоқларда тебранар майин
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Мўъжиза кўп дунёда жуда,
Соф, покиза, нуқсонсиз, кирсиз.
Мўъжизалар ичра мўъжиза
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Унинг билан турмуш тўкиндир,
Унинг билан ширин ризқу рўз.
Улимларга қарши ўлимдир
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Йўқ, маймунмас одамзод насли,
Баланд бизнинг мартаба, нуфуз,
Тирикликка ибтидо асли
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Инсонсан-ку, сев чин, севил чин,
Чекмай десанг оқибат афсус.
Умринг бўйи бахтбонинг бўлсин
Севги деган сеҳрли бир сўз.

Эй, одамлар, сиз менга илҳом,
Музаффарга қўшиқсиз, шеърсиз.
Мендан сизга мангулик инъом
Севги деган сеҳрли бир сўз.

ЮРТГА ЖОН ФИДО

Жоним нисор бўлсин бобо маконга!—
Бу сўздан ҳеч жойда ҳеч тонганим йўқ.
Ва лекин, дўстлар, мен Ўзбекистонга
Севаман деб ошкор айтолганим йўқ.

Мен ҳаётни севдим ёна ва ёна,
Мен қиз севдим — жўшиб, гуркираб севдим.
Сен деганда кечдим ўзликдан, Она —
Ўзбекистон, сени барқ уриб севдим.

Бу ишқни таърифлаб бўлмайди зинҳор,
На шеър, на сўз баён қилолмас уни.
Мен яна биламан, ҳар қандай изҳор
Шубҳага қўяди мавжуд туйғуни.

Тупроғинг, она-юрт, манглайга суртгим,
Ақлим соғ, қалбим соғ, тилим соғ ва мен
Илк бор айтмоқдаман: севаман, юртим!
Сўнгги бор айтаман: юртим, севаман!
Ватан!
Сенинг учун бўламан фидо,
Бағишлагум сенга азиз ҳаётим.

Ишққа исбот керак бўлса мабодо,
Фақат бир далил бор,
Елғиз исботим —
Юрагимни олинг бағримни очиб,
Қадам-қадам сочинг ҳар қатра қонни.
Далалар, боғ, чўллар, тоғларга сочинг
Бўяшга етади Ўзбекистонни!..



* * *

Бирдан оғриб кетса агар жон-жоним,
Сезаман, бир жонзод чекаётир оҳ.
Қайдадир шариллар бўрининг қони,
Е ўқ теккан турна шўнғиди ногоҳ.

Ажаб, ақлим бовар қилмайди жуда,
Ибтидоий қоннинг исёними шу:
Юрак ўпирилар, кўча четида
Кўрсам ўлиб ётган бақа ё мушук.

Ҳа, жон томирларим табиатга боғлиқ.
Бардошим ҳар қанча бўлса ҳам метин,
Оғзин каппа очса қирғоқда балиқ,
Нафасим сиқилиб кетади менинг.

Шу йўсин боғланган менга наботот.
Қовжироқ майсага тушса гар кўзим,
Е йиқилса бирор дарахт мабодо,
Ҳансираб қоламан ўзимдан ўзим.

Дунёдан кўз юмсам, дўстлар, эрта-кеч,
Сизга ҳамдард бўлиб азали кунлар
Кучуклар ув тортса, ажабланманг ҳеч,
Ажабланманг, йиғлаб бош эгса гуллар...



* * *

Мендан ажралмоғинг машаққат, душвор,
Сен ахир жонимсан, юракка тенгсан.
Агар камол топсам, сенсан — сабабкор,
Агар завол топсам, сабабкор — сенсан.

Қувончим — сен менинг, қайғум — сен менинг,
Яшашга ҳақлисан шу тахлит мангу.
Мен сени севаман — бахтинг шу сенинг,
Мен сени севаман — бахтсизлигинг шу...

* * *

— Дейдилар, бахт қадрин билмасмиш инсон.
Қани бахт, авайлаб-асрай эрта-кеч...
— Соғломсан, гўзалсан, ёшсан, софдилсан,
Қанчалар бахтлисан, пайқамайсан ҳеч!

Майна номи ҳануз эл эъзозида. Қатор мактаблар, кўчалар, кинотеатр ва бошқа муассасалар унинг муборак номи билан аталади. Ҳар йили у туғилган жой Ғузорда республика енгил атлетикачиларининг мусобақалари ўтказилади.

Бироқ буларнинг бари халқимизнинг жасур фарзанди шаъни учун камлик қилади.

Яқинда хизмат юзасидан бир мактабда бўлишга тўғри келди. У ерда «Аёлларимиз жасорати» деган мавзуда тантаналы кеча ўтаётган экан. Кечада Ватан ва халқи учун фидойилик кўрсатган қаҳрамон хотин-қизларимиз номи ҳурмат билан хотирланди. Уларнинг шаънига шеър ва қўшиқлар янгради. Кеча ташкилотчиларидан яна бир қаҳрамон — Майна Ҳасанова номи нега тилга олинмаганини сўрадик. Улар умуман Майна ҳақида билишлари, бироқ билганлари ҳам чала-чулпа эканлигини айтишди. Кўринадики, Майна ҳаёт йўлини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш билан керакли даражада жиддий шуғулланилмаяпти. Тўғри, Майна Ҳасанова хотирасини абадийлаштириш борасида қаҳрамон туғилган юрт — Ғузорда анчагина ишлар қилинган. Райондаги йирик бир хўжалик, ўрта мактаб, кўча, кинотеатр унинг номи билан аталади. Бироқ бу тадбирлар фақат вақтинчалик тадбирлар доирасида қолиб кетган. Райондаги бу ишга мутасадди ўртоқлар сиёсий тадбирларни фақат у ёки бу атоқли сана муносабати билангина ўтказишни одат қилиб олганлар. Райондаги М. Ҳасанова номли кинотеатр олдида қаҳрамон бюсти қад кўтарган. Лекин бюст ва унинг атрофи ачинарли аҳволда. Едгорлик атрофи на гулзор қилинган, на тозаланган, Иттифоқимизда ёдгорликлар кўп. Уларнинг меҳр билан сақланаётганини кўриб қувонасан. Бироқ Майна Ҳасанова ёдгорлиги ҳақида бундай дейиш қийин.

Бизнингча, Майна Ҳасанованинг уй-музейини ташкил этиш пайти келди. Қаҳрамон қиз ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатлар республикамиз ва Иттифоқимиз архивларида мавжуд. Уларни қидириб топиш, саралаш ва ёш авлод эътиборига ҳавола этиш ўлкашунослар, тадқиқотчиларимизнинг бурчидир.

Ғузорда ўлкашунослик музейи учун анчадан бери жой излашади. Районда XIX аср ўрталарида қурилган, ўзининг архитектуравий қиёфаси ва қимматини йўқотмаган мадраса биноси мавжуд. Бироқ у район умумий овқатланиш идораси тасарруфида — каттакон дош қозонли ошхонага айлантирилган. Шу бинони Майна Ҳасанова музейига айлантириш мумкин эмасми? Агар ушбу даргоҳ маънавий озиқ манбаига айлантирилса, жуда хайрли иш бўлур эди.

Улуғ Октябрь инқилобининг шонли етмиш йиллиги нишонланаётган кезларда буюк ўзгаришларнинг иштирокчилари ва фидойилари номини алоҳида муҳаббат билан эслашга бурчлимиз. Майна Ҳасанова ана шундай сиймолардан биридир.

Суннатилла АҲМЕДОВ,
филология фанлари кандидати

ОЛИС ВА ЯҚИН ЎЛКА

(Хитойга сафар таассуротларидан)

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Бундай мактубни мен асло кутмаган эдим. Конверт бежирим ва безакли, ҳуснихатда битилган, Пекиндан. «Ҳурматли Ҳамид Убайдуллаевич, Сизга ушбу сатрларни ХХР Ижтимоий фанлар академияси Чет эллар адабиёти институтининг катта илмий ходими Чжан Цзе ёзмоқда. Ҳозир мен рафиқам билан бирликда Сизнинг «Мангулик» романингиз таржимаси устида ишламоқдамиз. У бизга ниҳоятда маъқул тушди, умид қиламизки, роман кенг хитой китобхонларига ҳам манзур бўлади. Таржима жараёнида биз мураккаб сўзлар ва тушунилиши қийин ўринларга дуч келдик. Ана шуларни тушунтириб беришга хоҳиш билдирсангиз, ниҳоятда миннатдор бўлур эдик».

Шундан сўнг саволлар рўйхати келтирилади ва ниҳоят, мактуб қуйидаги сўзлар билан якунланади: «Роман хитой тилига таржима қилинган ҳолда «Пекин» нашриёти томонидан чоп этилади, агар маъқул топсангиз, хитой китобхонларига бир неча жумла ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз. Ҳурмат билан, Сизнинг Чжан Цзе».

Мактубнинг самимий оҳанги, қалбан битилган сўзлар, ва энг муҳими, асаримнинг Хитойда нашр этилиши ҳақидаги хабар мени чинакамига ҳаяжонга солди. Мен, албатта, шу заҳотиёқ жавоб ёзишга ўтирдим, бироқ хаёлларимни йиғиштириб ололмасдим. Илтимос — бир қарашдан жўнгина — «хитой китобхонларига бир неча жумла ёзиб бериш». Бироқ хитой китобхони деганда ҳозир кимни тушуниш керак? Унинг яшаш тарзи, ташвишлари нималардан иборат, у қанақа муаммоларни ҳал этиш устида бош қотирмоқда, ниҳоят, унинг биз — совет ёзувчиларига, бизнинг адабиётимизга, мамлакатимизга муносабати қай ҳолатда?

Мен ўз ҳамкасабаларим — ҳозирги замон хитой ёзувчиларини билмаганим каби хитой китобхонларининг ҳолатидан ҳам бехабар эдим, зеро, йигирма йиллардан зиёд давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, ҳозирги пайтда ифода қилинаётганидек, чекланган характерга, айрим пайтларда носамимий характерга эга бўлиб келган эди.

Лекин ўзгача пайтлар ҳам ҳамон ёдимда. Масалан, Тошкентнинг 1958 йилдаги олтин кузи хотирадан асло кўтарилмайди. 6 октябрь куни бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари тараққийпарвар ёзувчиларининг I конференцияси очилди. Унда иштирок этган ХХР ёзувчиларининг делегацияси анчагина салмоқли эди. Уни хитой адабиётининг классиги Мао Дунь бошқариб, турли мамлакатлар адабиётларининг вакилларига қарата доно ва самимий сўзлар билан мурожаат қилган эди. Мао Дунь Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясини тарихда мисли кўрилмаган тантанали бирдамлик намойиши деб атаган эди.

Ўзбекистоннинг турли-туман олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёш, қадди-қомати келишган, хушмуомала хитой талабалари шаҳримиз кўчаларида кезиб юришлари ҳам ҳамон ёдимда.

Бироқ орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас аҳвол бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетди. Ўша пайтларда мен Осиё-Африка ҳаракатига тааллуқли ишлар билан кўплаб сафарларга чиқар, Қоҳи-



Хитой Халқ Республикасининг Куанту шаҳрида СССР Ёзувчилар союзининг делегацияси хитой ёзувчилари билан учрашди. Биринчи қаторда (чапдан ўнгга) ХХР Ёзувчилар союзининг секретари Лу Янгшоу, Фазу Алиева, Даниил Гранин, Егор Исаев, ўртоқ Хуа ва Ҳамид Ғулом.

ра, Жакарта, Коломбо шаҳарларида хитой ёзувчилари билан учрашиб, очиқ гап, уларни таний олмай қолар эдим. Уларнинг чеҳрасидаги самимият, очиқлик ўрнини шубҳа ниқоби қоплади. Бизнинг уюшма йиғилишларида улар сўзлашни ҳам лозим топмай қолдилар. Хитой адабиёти ҳақида бирор нарса дейиш лозим бўлган тақдирда ҳам улар «буюк ёзувчи» Мао Дзедуннинг номинигина қайд этардилар холос. Ажойиб шоир Лу Синь, ўз юртидан ташқарида ҳам машҳур бўлган романнавис Мао Дуннинг номлари адиблар рўйхатидан чиқариб ташланган эди.

Хитой «буюк дарға», «буюк сакраш», «қизил китобчалар», «пролетар маданий революцияси» каби даврларни бошдан кечирди. «Тўртликни тор-мор қилиш» босқичига ҳам етиб келди. Ва ниҳоят... иқтисодий, сиёсий ва социал жиҳатдан боши берк кўчаларда нажот қидира бошлади.

ХХРнинг янги раҳбарлиги вужудга келган аҳволни ўзгартириш, ислоҳотлар ўтказиш заруратини ҳис этди.

Мамлакатларимиз ўртасида илиқ муносабатлар пайдо бўлаётганлиги сезилди. Фан, маданият, адабиёт, санъат арбоблари ўртасида яхши алоқалар ўрнатиш учун имкониятлар юзага кела бошлади.

Ниҳоят, мана бу мактуб, 1985 йилнинг августида хитой китобхонларига қарата бир неча жумла ёзиб юбориш ҳақидаги илтимос.

«Қимматли дўстим!

Ҳозир сен қўлингга олган «Мангулик» романи ўз ҳаётини порлоқ идеаллар йўлида, ўз халқининг бахт-саодати йўлида қурбон қилган, одамларни оқни қорадан, адолатни ёвузликдан фарқ қила билишлари учун фидо этган биринчи муаллим ҳақида ҳикоя қилади». Назаримда, мен тўғри оҳанг топдим ҳамда ушбу қалб сўзларини фақат ифода қилибгина қолмасдан, хитой китобхонига, хитой халқига шахсан айтиш эҳтиёжини ҳам ҳис этдим.

Бундай имконият тез орада юзага чиқди. Мен 1986 йилнинг охирида жавоб визити билан Хитойга сафар қилган СССР Ёзувчилар союзининг иккинчи делегацияси составига киритилдим.

Биринчи делегация сафари йилнинг бошига тўғри келган эди. Ўшанда бу мамлакатда Сергей Михалков, Евгений Евтушенко, Юлиан Семёнов ва таниқли хитойшунос Лев Эйдлин сафарда бўлиб қайтган эдилар.

Ёзувчиларнинг иккинчи делегациясини Егор Исаев бошқарган бўлиб, унга Даниил Гранин, дағистонлик шоира Фазу Алиева, москвалик ёш носир Сергей Абрамов ва мен киритилган эдик. Умумий мақсад — қўшни мамлакат билан, унинг буюк халқи ҳаёти билан танишувдан ташқари, шахсий ижодий манфаатлар ҳам мавжуд эди.

Ўн олти кун мобайнида (Хитойга сафар қилган барча делегациялар учун белгиланадиган энг катта муддат) биз Пекиндан ташқари Шанхай, Ханьчжоу, Гуандун ҳамда йирик иқтисодий районларнинг тўрттасидан бири — Шэньчжэнда бўлишимиз керак эди. Тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишув, заводларда, қишлоқлар ва олий ўқув юртларида бўлиш, жумладан, ёзувчилар, ноширлар, таржимонлар билан учрашувлар тиғиз программамиз мазмуни эди.

Танишув ҳайрат туйғуси билан қоришиб кетди. Москвадан Пекинга қадар саккиз соатлик парвоз давомида мен ер юзи учун рекорд рақам бўлган бир миллиард эллик миллионнинг мазмун-моҳиятини англашга тиришардим. Бир мамлакат доирасида шунча одам қандай яшамоқда? Буларнинг барчасининг қорни тўқ, усти бут, бошпанаси борми? Мамлакатдаги гигант шаҳарлар қандай бошқарилади? Айтайлик, Американинг йирик шаҳарлари, жумладан, бир томондан ажойиботлар, иккинчи томондан ташландиқ жойлар бир-бири билан қоришиб кетган ўша Нью-Йорк ўртасида қандай умумийлик бор?

Пекиннинг «Шоуду» аэропорти бизни... бўлак сўз топиш мушкул... идеал тартиблари билан ҳайрон қолдирди. Меҳмонхонага бориш чоғида автомобиль ойнасидан мамлакат пойтахти ҳам дастлаб ана шундай таассурот уйғотди. Хитойликларнинг ҳаёти билан танишув жараёнида ана шу «тартиблилик», «ихтирочилик» ва «ҳалоллик» сўзлари билан, кейин эса «меҳнатсеварлик» деган сўзлар билан тобора уйғунлашиб, сафар ниҳоясида менинг учун хитой халқининг характерини белгиловчи тушунчага айланди.

Дастлабки учрашув ХХР Ёзувчилар союзида бўлди. Эътироф қиламан: аэропортдаги илиқ, самимий дўстона кутиб олинганимизга қарамасдан мен бу учрашувга қандайдир маънода эҳтиёткорлик билан борар эдим — қачонлардир дилимизнинг аллақандай бурчакларини банд этган гина ва кудурат вужудга ғашлик солар, хитой ёзувчиларининг (ёхуд ўзларини шундай деб атаганларнинг) такаббур башаралари, олтмишинчи-етмишинчи йиллардаги (мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга нисбатан) ноҳуш хотиралар беихтиёр эсга тушарди.

Яна бир бор ҳайратдамиз. Адибларнинг учрашувлари, баъзан юз-хотир қилиб ўтирилмаган ҳолда ҳам, ҳалол, очиқ ва самимий суҳбат оқимига кўчди. Бизни ҳайратга солган хусусият — хитойлик ҳамкасабаларимизнинг бевосита рус тилида мулоқотга интилишлари эди. Хитой адибларининг етакчиларидан бири, кекса шоирлардан Ай Цин ўз фикрини рус тилида бемалол ифода эта олмаслигини билдириб, афсус чекди. У сургунда ўтказилган йигирма йил давомида адабий жараёндан, умуман маданий ҳаётдан узилиб қолиб, кўп нарсаларни унутган, ҳолбуки, қачонлардир рус тилида эркин сўзлашар ҳамда Пушкин, Достоевский, Толстой, Горький, Маяковскийни ўз тилида мутолаа қилар эди. Александр Фадеев ва Константин Симонов Пекинда бўлиб қайтганларидан бери орадан ўттиз йилдан зиёд вақт ўтди, бироқ Ху Цин ҳам, таниқли адабиётчи» журналининг редактори Гао Ман ҳам мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлган ўша учрашувларни қониқиш билан эсга олдилар. Ай Циннинг айрим тенгдошлари Хитойда даволанишда бўлган Ойбек билан учрашувларни ҳам унутганлари йўқ.

Хитой адиблари тўнғич авлоди вакилларидан бирининг рус классик ва совет адабиётига ҳурмат-муҳаббат туйғулари менга тушунарли эди — зеро, у ва унинг тенгдошларининг диди ва қизиқиши, маданият туйғуси, дунёқараши ўзларининг буюк қўшниси — совет халқига, унинг тарихи, маданияти, адабиётига хайрихоҳлик белгиси асосида шаклланган эди. Бироқ бошқача шароитларда тарбияланган ёш ёзувчиларнинг, ўрта авлод вакилларининг ҳурмат асосига қурилган муносабатини англаб етиш бирмунча мушкул эди.

Лекин биз буни англашга ошиқмас эдик, балки рус тилида чиқадиган адабиётга, рус тилининг ўзига ёзувчиларнинг самимий муносабатда эканлигини миннатдорлик билан қайд этардик, холос. Пекиндаги педагогика университетининг рус тили факультетида рус тилида баён этиладиган энг яхши нутқ учун ўзига хос кўрик-конкурс ўтказилди — профессор Лю Ниндан тортиб биринчи курс талабаси Цай И-гача ҳамма рус тилида сўзлади, бошқа бирлари эса рус ва совет шоирларининг хитой тилига ўзлари таржима қилган шеърларини ўқидилар. Биз, совет ёзувчилари сўзлаганимизда эса, улар бизни жуда яхши англаётганликларини ҳис этиб турдик.

Пекиндаги педагогика университетидагина эмас, бошқа олий ўқув юртларида ҳам кўплаб рус тили бўлимлари мавжуд, бундан ташқари, ана шу мақсадда махсус курслар ташкил этилмоқда. Хитойнинг қайси жойида бўлмайлик, совет ёзувчилари билан учрашувларда рус тилини, бизнинг классик ва ҳозирги замон адабиётини яхши биладиган хитойликлар ҳамроҳ бўлдилар.

Йирик шаҳарми ёхуд чоғроқ қишлоқми, бундан қатъий назар, китоб магазинларида рус ва совет адибларининг асарларини ҳамиша топиш мумкин.

ХХР Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги чет эллар адабиёти илмий-тадқиқот институтида (таржимоним Чжан Цзе ҳам мазкур илм даргоҳида ишлайди) биз турли доираларнинг вакиллари билан суҳбатда бўлдик. Бу ерга институт рус тили бўлимининг илмий ходимлари ва аспирантлари (совет адабиётининг бўлажак таржимонлари), нашриёт ва журналларнинг ходимлари, радио ва телевидение журналистлари тўпландилар. Турли-туман масалалар бўйича ўзаро мулоқотлар, ошкоравий суҳбатлар давомида биз амин бўлдикки, Хитойда рус классик ва совет адабиётини нашр қилиш ва тарғиб-ташвиқ этиш ишлари ниҳоятда кенг қулоч ёйган.

Биз бу ерда қулоққа эриш туюладиган — бадиий адабиёт ва савдо деган сўзлар бирикмасига илк бор дуч келдик. Ҳа, тасаввур қилинг, ислоҳот иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидагина эмас, балки маданий-идеологик фаолият каби мураккаб ва нозик соҳада ҳам амалий муносабатларни жонлантириб юборди. Нашриётлар ва ҳатто журналлар ҳам савдо қонун-қоидасига хос бўлган «даромад ва буромад» тартибини қўллай бошлади, бу соҳаларга ҳам моҳиятан ишлаб чиқариш тарзида қаралади, ишлаб чиқариш тақдирига эса, эндиликда Хитойда директор (журнал фаолиятида — муҳаррир) жавобгар. Масалан, нашриёт директори ўз соҳаси доирасида бошқаришни батамом ўз қўлига олган, бироқ масъулият ҳам тўлалигича унинг зиммасида. Партиявий йўлнинг ижроси учун назорат партия комитетлари томонидан амалга оширилади.

Биз рус ва совет адабиётини нашр этиш ишлари фойда келтирадими, деган масала билан қизиқдик. Бизнинг адабиётимизга ХХРда талаб ва эҳтиёж катта эканлиги ҳақида сўзлаб бердилар.

Сўнгги беш-олти йил мобайнида Хитойда рус классик ва совет адабиётига мансуб тўрт юзга яқин асарлар таржима қилиниб нашр этилди. Максим Горький асарлари тўпламининг йигирма жилдлиги, Пушкин, Гоголь, Толстой, Достоевский, Чеховнинг катта ҳажмдаги асарлари эълон қилинди.

Совет классик адиблари Михаил Шолохов, Алексей Толстой, Константин Федин, Леонид Леонов, Александр Фадеев, Константин Симоновнинг деярли барча муҳим асарлари, Маяковский, Есенин, Твардовский, Анна Ахматова шеърлари муваффақиятли таржима қилинган. Улар китоб расталарида зудлик билан қўлмақўл бўлиб кетади.

Ҳозирги замон совет насри ва шеърияти ҳам ўз мухлисларига эга. Ёзувчилардан Юрий Бондарев, Виктор Астафьев, Валентин Распутин, Фёдор Абрамов, Даниил Гранин, Пётр Проскурин асарлари ҳам тез ва сифатли таржима қилиниб, нашрдан чиқиши биланоқ тарқалиб кетмоқда.

Хитойнинг барча автоном райондари ва вилоятларида нашриётлар мавжуд бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда чоп этилган китобларнинг ҳисоб-китобини аниқ олиб бориш бирмунча мушкул.

Рус ва совет адабиётини тарғиб-ташвиқ этиш ва оммалаштиришда адабий-бадиий журналлар — улар Хитойда беш юздан зиёд — жуда катта ишларни амалга оширмоқда. Улардан икки юз етмишта журнал болалар учун мўлжалланган. Журналларнинг саҳифаларида чет эл адибларининг асарларига, биринчи галда бизнинг мамлакатимиз вакиллари бўлмиш муаллифларга алоҳида ўрин ажратилади.

Хитой тилида чиқадиган махсус «Совет адабиёти» журнали ўз ўқувчиларини совет адабиётидаги янгиликлар билан таништириб боради. СССРдаги жонли адабий жараён ҳақида малакали проблематик ва тадқиқий мақолалар эълон қилади. Хитойлик

ўртоқлар бизга мазкур журналнинг 1986 йилда чиққан сонларини тақдим этдилар. «Совет адабиёти»нинг бешинчи китоби СССР ёзувчиларининг VIII съезди ҳақида кенг ҳажмда информацион ахборот билан очилади. Унда У Чжоу қаламига мансуб «Москва ҳақида хотиралар», Хуан Цзи Лининг «Мутолаадан кейинги таассуротлар» мақолалари эълон қилинган бўлиб, биринчиси, таржимонларимизнинг айтишича, етарли даражада холис характерга эга, иккинчиси малакали танқидчининг совет адабиёти янгиликлари ҳақидаги мушоҳадаларидан иборат.

Ушбу сонда Нодар Думбадзенинг «Мен, бувим, Илико ва Илларион» повести, Валентин Распутиннинг «Учрашув» ва «Кампир» ҳикоялари, Чингиз Айтматовнинг Бақо Содиқов билан ҳамкорликда ёзган «Қуюн» фильми сценарийси, Константин Лордкипанидзенинг «Менинг биринчи комсомолим» ҳикояси, Сергей Михалков ва Павел Васильевнинг шеърлари, шунингдек, Чингиз Айтматовнинг ижоди ҳақида мунозара руҳидаги учта мақола ва ушбу адиб билан хитой журналистининг суҳбати босилган. Журналнинг бошқа сонлари ҳам мундарижа нуқтаи назаридан жуда бой ва аҳамиятли.

Хитойлик ҳамкасабаларимиз, ноширлар, Ижтимоий фанлар академиясининг профессорлари, ўз навбатида, Совет Иттифоқида хитой адабиётини таржима ва нашр қилиш аҳволи қай даражада эканлиги билан қизиқдилар. Очиғи, биз бирмунча ноқулай аҳволда қолдик. Албатта, бизларда ҳам анчагина ишлар рўёбга чиқарилмоқда, ХХР Ёзувчилар союзи билан, Хитой Маданият министрлиги ва нашриётлар билан амалий алоқалар доираси кенгайиб бормоқда, лекин ҳозирча (биз буни ошкора ва чин дилдан эътироф этишга мажбур бўлдик) бу борада хитойликлар билан мусобақалаша олмаймиз.

«Художественная литература» нашриёти томонидан қирқ жилддан иборат «Хитой адабиёти кутубхонаси»нинг нашр этилиши, сўзсиз, муҳим воқеа бўлади. Бу нашрни рўёбга чиқариш яқин йилларга мўлжалланган, унда халқ оғзаки ижоди ҳам, классик адабиёт ҳам, ХХ аср хитой ёзувчиларининг асарлари ҳам кенг ўрин олади.

Ҳайтовур, «Кутубхона» нашридан хабардор бўлган хитойлик ўртоқлар ушбу туркумнинг сўнгги беш жилдини тузиб бериш ҳуқуқини ўзларида қолдиришни илтимос қилдилар. Улар совет китобхонларини «чандиқли» адабиёт билан таништирмоқни хоҳлайдилар. Гап шундаки, кўпчиликка умуман нотаниш бўлган ёш ёзувчи ўзининг «Чандиқ» деган ҳикоясида «буюк сакраш» ва «пролетар маданий революцияси» даврида хитойликлар бошига тушган изтироблар ва машаққатларнинг кўлами ва миқёсини кўрсатиб беришга мушарраф бўлган эди. «Чандиқли» адабиёт» дейишга боис ҳам ана шу ҳикоянинг сарлавҳасидир. «Чандиқли» адабиёт бутун бир халқнинг ҳаётида фожеавий из қолдирган давр моҳиятини ҳаллоллик билан раҳмсизларча очиб ташлайди.

Умуман, кейинги йилларда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати тасвир этилган кўплаб асарлар яратилди.

Аччиқ ҳақиқат дейишимизнинг боиси шуки, деб тушунтиришди хитойлик ҳамкасабаларимиз, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган ислоҳот энг долзарб муаммоларни ҳал эта бориши асносида айрим ҳолларда аввалгиларидан ҳам ўткир янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хитойнинг ҳозирги ҳаётида мураккабликлар шу қадар очиқ-равшан, қарамақаршиликлар эса шу қадар кучлики, ўзгартишлар жараёнида қўлга киритилаётган ошкора (иқтисодий ҳаётнинг баъзи соҳаларида эса ҳайратланарли даражадаги) муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий мушоҳадаларни тақозо этаётган ҳолатлар ҳам мавжуд.

— Баъзи нарсаларни ўз кўзингиз билан кўриб, унинг мазмун-моҳиятини ўзингиз англаб етганингиз маъқул, — деди Хитойга сафаримиз давомида бизга ҳамроҳлик қилган ажойиб ёзувчи Лу Янгшоу.

Ҳақиқатан, Хитойда ҳозирги пайтда рўй бераётган жараённинг айрим томонларини ўз кўзимиз билан кўришга мушарраф бўлдик.

«Айрим томонлари» деганимнинг сабаби — икки ҳафталик муддат ичида мамлакат билан чуқур танишишнинг имкони йўқ. Ислоҳот ҳақида бевосита тўла тасаввур ололмасак ҳам, унинг айрим муҳим жиҳатларини англашга қизиқиш эҳтиёжи кучли эди.

Хитойнинг ҳозирги «қайноқ» ҳаётига қизиқиш, балки, бизда шунинг учун ҳам буюк эдики, хўжаликни бошқаришнинг эскича шаклларидан воз кечиш натижасида кўпинча таваккалчилик билан амалга оширилаётган янгиликлар ва тажрибалар аллақачон ўзининг ажойиб самараларини берди ва бутун дунёни ҳайрон қолдирди, биз ҳам, беихтиёр, бу ердаги воқеалар билан мамлакатимизда рўй бераётган жараёнларни қиёслай бошладик. Нимасидир бизга ибрат бўлиб, нимасидир огоҳлантирувчи сабоқ тарзида хизмат қилиши мумкин.


Табиийки, биз, ёзувчиларни ушбу ўзгартишлар алоҳида йўналишда — одамларга у нималар бераётгани нуқтаи назаридан қизиқтиради. Моддий, маънавий, руҳий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти қандай бўлади? Инсон қалби нималарга эга бўладию, нималарни бой беради бу ҳолда?

Одамлар билан жонли мулоқотгина бизнинг вужудимизни қамраган саволларга мухтасар жавоб бериши мумкин, холос...



Алишер Навоий номли Давлат академик катта театри солисти, ВЛКСМ XX съезди делегати Рушана Султонова.

Р. Шарипов фотоси



Пойариқ район марказий кутубхонасининг ходими Холбуви Сирлибоева.

Ғ. Алиев фотоси



Тўлапберган ҚАИПБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси,
СССР Давлат мукофоти лауреати

Маълумки, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлапберган Қаипберганов ўзининг «Қорақалпоқ достони» трилогияси учун ўтган йили СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Адиб кўпчилик китобхонларга яхши таниш «Қорақалпоқ қизи» дилогияси ва «Қорақалпоқ достони» трилогиясининг мантиқий давоми бўлмиш «Қорақалпоқнома» роман-эссесини она тилида чоп эттирди. Бу асар Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги тўнғич роман-эссе бўлиб, унда кўплаб афсоналар, ривоятлар, архив материаллари, ҳаётий деталлар, биографик тафсилотлар асосида қорақалпоқ халқининг ўтмиши ва бугуни, миллий психологияси, урф-одатлари, характер хусусиятлари бетакрор тарзда ёритилади. Мазкур асар ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда.

Қуйида роман-эссенинг муқаддима қисмини журналхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз.

ҚОРАҚАЛПОҚНОМА

ЎЗ-ЎЗИМ БИЛАН САВОЛ-ЖАВОБ ҚИЛГАНИМ

Савол: Нима учун гапни ўзимга интервьюдан бошламоқчиман?

Жавоб: Инсон умрининг маъноси — мудом ўзига ўзи интервью бериш ва ўзи ўзидан интервью олишдан иборат. Мана шундагина одам кечмиш-кечирмишларига теранроқ назар ташлайди. Ўз тақдирига теранроқ назар ташлаш эса, халқ тақдирини теранроқ англаш демакдир. Ахир ҳар бир одам — халқ тарихини ўзида муайян даражада акс эттирувчи кўзгу!

Халқидан ўз кўнглини равшанлаштирувчи зиё қидирмоқни ихтиёр этган одам бундай зиёни аввало ўзидан топа олмоғи лозим. Ким ўз уйини кенг олам билан бирлаштиришни истаса, оламнинг бир парчасини ўз уйидан ахтармоғи зарур. Шундагина ҳар бир тирик жон бошқа одамлар билан, халқи билан, буткул инсоният билан ҳамнафас бўла билади.

Одамнинг ўзига ўзи савол бериб, ўз саволига жавоб қидириб яшаши бамисоли нафас олиб нафас чиқаришдек гап. Нафассиз тириклик йўқ! Менинг мақсадим — теварагимни қуршаган одамлардан ажралиб, якка нафас олмаслик.

Савол: Маълумки, ҳозир ахборот воситалари беҳисоб. Шу боис айрим ёшлар йигирмага тўлмай турибоқ беҳад кўп нарсани билган, оқ-қорани тўла таниб олган, ҳатто чарчаб-толиққан бир кайфиятда, китоб ўқишни ўзлари учун ортиқча даҳмаза деб ҳисоблайдилар. Қолаверса, қоғоз муаммоси дунёдаги етакчи муаммолардан бирига айланиб қолди. Одамни жиддий ўйлаб кўришга ундайдиган яна бир ҳол: яқинда матбуот Лондонда антиқа каталог чоп этилганини маълум қилди. Кейинги 400 йил (1556—1956) мобайнида ер юзида нашр этилган барча китобларнинг тўла рўйхати жамланган мазкур каталог 754 жилддан иборат бўлиб, 527 саҳифалик ҳар бир жилдда 11340 та китоб номи тилга олинган. Бунга кейинги йилларда нашр этилганларини ҳам қўшиб, ҳар бир ўқувчини қанча-қанча китоб кутиб турганини тасаввур қила оласизми! Мана шундай бир вазиятда янги китоб ёзишга қандай журъат этиш мумкин?!

Жавоб: Бердақ шоирнинг шеърларидан норози бўлиб юрган хон бир куни уни ҳузурига чақиртириб: «Сени доно дейишади, шу гап рост бўлса, айт-чи, дунёда қанча одам яшайди?» деб сўрабди ва ўзида аниқ маълумотлар борлигини ҳам эслатиб: «Агар хато қилсанг, калланг кетади», дебди. Шоир ўйлаб ўтирмасдан: «Дунёда бир юз тўқсон тўққиз миллиард, бир юз тўқсон тўққиз миллион, бир юз тўқсон тўққиз минг, бир юз тўқсон тўққиз одам яшайди», деб жавоб берибди.

— Нотўғри! Дунёда икки миллиардча одам яшайди! — дебди хон.

— Биламан. Бироқ сиз одамзоднинг бир гуруҳинигина айтдингиз. Мен бўлсам, уччала гуруҳини қўшиб ҳисобладим, — дебди шоир.

— Қанақа уч гуруҳ? — дея ажабланибди хон.

— Одамзод уч гуруҳга бўлинади, — дебди шоир. — Бир гуруҳи — ер остида ётибди, иккинчиси — ҳали туғилмаган, сиз ҳисобини аниқ айтган учинчи гуруҳ эса, сизу биз, барча тириклар, яъни, ҳукмдорлардан рўшнолик ва адолат талаб қилувчилар.

Хон бу гапларни ўйлаб кўриб, қаҳридан қайтишга мажбур бўлибди.

Китобларнинг тақдири ҳам Бердақ шоир айтган одамзоднинг тақдирига ўхшаб уч хил: бир гуруҳи ҳали муаллифлар қалбида, иккинчи гуруҳи туғилиши биланоқ ўқилмай макулатурага қўшилади, учинчи гуруҳи эса, тирикларга сафдош-сафардош.

Китоб ёзишга жазм этишдан аввал оқибатни астойдил ўйлаб кўриш ижодкорнинг нафсонияти, фаҳм-фаросати, ҳалоллигига боғлиқ. Дунёга келган китобнинг тақдири қандай бўлиши эса... бу даврнинг, қолаверса, ҳамиша одил ҳакам — вақтнинг иши!

Давр менинг ушбу китобимга узоқ умрни раво кўргудек бўлса, умид қиламанки, ўз эҳтиёжини ўзи қоплай олади, яъни, унга қоғоз топилади.

Яна: Эсимда, бир пайтлар онам икковимиз холамнинг уйига меҳмон бўлиб борганмиз. Қайтишда холам онамга каттакон тоғора совға қилган эди. Онам: «Энди мушкулим осон кўчадиган бўлди, ичида бир тандир ноннинг хамирини бир йўла қораман», деб суюна-суюна олишга олди-ю, бироқ тоғора унга қўшимча юк бўлди. Сабаби — пиёдамиз, йўл-йўлакай мен инжиқнинг хархашасига чидаши, дам-бадам мени ҳам кўтариши керак. Эртакка ўлгудек қизиқмайманми, ўшанда онам ёнида етаклаганича мени алаҳситиш учун эртак бошлади. Чарчоқни ҳам унутиб ҳалвиллаган кўйлагининг бир учини маҳкам ушлаганча онамга эргашдим. Эртакка кўра, биз яшаётган ер ясси ва кенг. Уни баҳайбат кўк ҳўкиз шохларида кўтариб турарканг. Толиқса, Ерни бир шохидан иккинчисига алмаштираркан. Ана шундан йил фасллари ўзгариб, дам ёз, дам куз, дам қиш, дам кўклам бўлармиш.

Эртак тинглаб бораяпман-у, ўзимча шу Кўк ҳўкиздек қудратли бўлишни орзу қилиб, онам кўтариб олай деса, рўйхушлик бермай ёнларида пилдирайман. Онам дам-бадам тўхтаб, пешона терларимни артади, гоҳо тоғорани бошига қўйиб, мени кўтаради... Мана шундай минг машаққатлар билан кун ботарга яқин овулга етиб келсак, аҳвол чатоқ: овул ёқасидаги Чўртанбой сойида сув лиммо-лим оқиб ётибди! Амударёнинг бирон жойидан яна уриб кетган шекилли-да. Онам андак тараддудланди: ортга қайтишга йўл олис, овулдан ёрдам сўраб қичқиришга уялади. Сабаби, бақироқ аёлларни овулимиз оқсоқоллари хуш кўришмайди. Кечиб ўтишга — сой чуқур. Бир пайт онам кийимларини бошига ўради-да, тоғорани сувга солди. Унинг ниятини тушуниб, қўрқканимдан тўқайга қараб қочган эдим, онам икки ҳатлаб қувиб

етди-да, мени даст кўтариб олиб келиб... тоғорага ўтқазди. Икки қўлимни мажбуран тоғораниng гардишига босиб, маҳкам ушлашимни буюрди ва сой сатҳида аста-секин итара бошлади. Мен ваҳимадан даг-даг титраб, тоғораниng ичига қапишиб, унинг гардишини чангалладим. Кўзларим онамда. Гўё у эртакдаги Кўк ҳўкиз, ўзим ўтирган тоғора эса, Кўк ҳўкиз шохларида кўтариб турган Ердек, ҳар қадамда бир чайқалиб, кўнглимда гоҳ ёз, гоҳ қуз, гоҳ қиш, гоҳ кўклам ҳосил қилади: дам титраб-қақшайман, дам терлаб-тепчийман, дам алланечук таскин-тасалли топгандек бўламан. Ваҳимани унутиш учун нариги қиргоққа қанча қолди экан, деб, сойга қарайман — сой чеки-чегараси йўқ осмонга ўхшайди, онамга қарайман — кўзлари ўркач-ўркач қора булутлар орасидан милтираган қўш юлдуз мисол менга жовдирайди... Алламаҳал онамнинг оёқлари ерга тегди шекилли, тоғорани қўш қўллаб кўтарди-да, энтика-энтика базўр нафас олар экан, «Сере[1], қўрқмадингми, болам?» деб сўради. Хавф-хатардан омон-эсон қутулганимга кўзим етиб, ботирлигим тутди. «Йўқ, қўрқмадим», дедим. Бироқ овозимдаги титроқ ўзимга ҳам сезилгандек эди. Онам бошига ўралган кўйлагининг бир учи билан юзини артаркан:

— Сездим, бироз қўрқдинг. Бундан кейин қўрқма. Онаси ёнида экан, бола ҳеч нимадан қўрқмаслиги керак, — деди.

Онамнинг бу насиҳати хотирамга ўчмас бўлиб муҳрланди.

Ватанни онага қиёслашлари бежиз эмас. Ватани борнинг мангулик таянчи бор. Бундай одамга ҳеч нима қўрқинчли эмас! Гарчи менинг она-Ватаним бутун дунё харитасида ўша бир пайтлар ўзимни сув устида кўтариб турган тоғорадек мўъжазгина бўлса-да, у менда ҳеч қачон ҳеч қандай ваҳимага изн бермайди. Чунки менинг Ватанимни афсонавий Кўк ҳўкиз эмас, янада қудратлироқ куч — Коммунистик партия, Советлар Иттифоқи кўтариб турибди. Менинг ҳар бир китобим шу Коммунистик Партияга, Советлар Иттифоқига садоқатимни ифодаловчи изҳорнома сифатида мисоли юрак қоним билан ёзилган. Шунинг учун ҳам ишонаманки, у узоқ яшайди, ҳеч кимни зериктирмайди.

Савол: «Қорақалпоқ қизи», «Қорақалпоқ достони» романларидан кейин янги китобни «Қорақалпоқнома» деб номлашдан мақсад нима?

Жавоб: Уйлайманки, бу саволга китобнинг ўзи тўлароқ жавоб беради. Бу ерда... Улкан тўй тантаналарида шундай удум бор: аёллар қорилган хамир ошиб, тандирга нон ёпгунларига қадар тамадди қилиш учун унинг бир учидан чўғда кўмма пиширадилар ё бир-икки патир ёпиб оладилар. Эркаклар тўйга сўйилган молнинг гўшти улкан қозонда пишгунга қадар унинг тезпишар жойларидан ўтга тоблаб ейдилар. Худди шундай, китобни ўқиб битиргунча сабри чидамайдиган бетоқатроқ ўқувчида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун «хамир учидан патир» келтириш керак бўлади.

Халқимизда чақалоқ туғилганда овулнинг энг табаррук оқсоқоли келиб унга исм қўяди. Бироқ, бундан ота-она орзуси ҳисобга олинмайди, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Ота-оналар, қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашилади, китоблардан чиройли исмлар ахтарилади. Бир исм ҳаммага маъқул тушганидан кейин овул оқсоқоли чақалоқни қўлига олиб, унинг номини уч марта қичқириб айтади. Чақалоқ бу ғаройиб қичқириқни эшитиб, чириллаб йиғладими — тамом! Оқсоқол: «Мана, янги меҳмон ўз исмини эшитди! Энди бу исмни ҳеч ким ўзгартиролмайди!» дея чақалоқни ота-онасига қайтариб беради.

Китобга ном қўйиш одамга исм қўйишдан бироз бошқачароқ...

КЎЧА БИЙИ[1] АЙТГАН АФСОНА

Ер юзида одамлар кўпайишиб, ҳар хил қабила ва уруғларга бўлиниб яшай бошлаганларида олло таоло уларни бир-бирларидан ажратиб идора этиш учун бир қатор номларнинг рўйхатини олиб йўлга равона бўлибди. Қайси қабилага келса, рўйхатига бир кўз ташлаб оларкан-да, ном қўйиб кетавераркан. Ҳар бир қабилага ном қўйишда парвардигорга хос ўктам товуш билан: «Сенинг номинг: «Рус! Рус! Рус!», «Сенинг номинг: «Украин! Украин! Украин!» ёхуд «Сенинг номинг: «Ўзбек! Ўзбек! Ўзбек!» дея оламга эшиттириб уч марта жар соларкан. Номини олло таолонинг ўз оғзидан эшитганларнинг севинчи ичига сиғмай, чуғурчиқдай чуғурлашиб, ўйнаб-кулиб қолавераркан.

Шундай қилиб, олло таоло рўйхатидаги ҳамма номларни тугатиб қайтаётган экан, Аму деган дарёнинг денгизга қуйилаверишидаги икки соҳилини макон тутган бир гуруҳ одамларга рўпара келибди ва:

— Кимсанлар? — деб сўрабди.

— Сени ном қўйишга келади деб кутиб ўтирган бандаларингмиз, — дебди овул одамлари.

— Рўйхатдаги бор номларни тарқатиб бўлган эдим, балким каттароқ бир қабилага қўшилиб, уларнинг номи билан яшаганларинг маъқулроқдир?

— Худо бўлсанг, ҳаммани баравар кўриб, ўзимизга алоҳида ном қўйиб бер! — деб талаб қилишибди овул одамлари бир овоздан.

Парвардигор ўйланиб қолибди-да:

— Оз бўлсаларинг ҳам ўтакетган ўжар кўринасанлар. Бош кийимларингга қараб айтсам, ҳозирча қорақалпоқ бўла туринглар, — дебди.

— Нима десанг розимиз, ишқилиб бизнинг номимизни ҳам бошқалардек уч марта қичқириб айтсанг бас, номимизни олам эшитсин! — яна талаб қилишибди аждодларимиз.

— Аввал рўйхатга номларингни ёзмай туриб, оламга жар солиб бўлмайди.

— Қачон ёзасан? — деб сўрашибди боболаримиз.

— Балки сенлардек унут бўлганлар яна бордир, шунинг учун фаришталаримни қайта йиғиб, қўшимча номларнинг рўйхатини тузиб чиқай, кейин яна айланиб келаман, — дебди худо. Овул аҳли: «Ундай бўлса, майли», деб рози бўлишибди.

Худо шу кетганича қайтиб қорасини кўрсатмабди. Боболаримиз кўп кутишибди, жуда кўп кутишибди. Ахийри, олло таоло бизларнинг олдимизга келишга эриниб, балки номимизни қайсидир бошқа қитъада яшовчилар рўйхатига қўшиб юборгандир, деган илинжда ўз номларини қидириб эл кезибдилар, эллардан элларга ўтибдилар. Шундай қилиб, Европа халқлари рўйхатида «Печенеглар», «Черные клобуки» деган бўш номларни учратиб: «Эҳ-ҳа, бизнинг «қорақалпоқ» деганимизни унутиб, шундай номларни берворган экан-да!» дея ўйлабдилар-да, ким «Печенег!» деб чақирса ҳам, «Черные клобуки!» деб чақирса ҳам, «Лаббай!» дея жавоб бериб яшайверишибди. Лекин худо жар солиб ном қўйган халқлардек ўзларини оламга танита олмабди.

Сўнгра улар Осиё халқлари рўйхатида бўш қолган «Кулоҳи сиёҳ», «Қалпоқ», «Қора бўрклилар» деган номларнинг борлигини эшитиб, яна ортга қайтибдилар ва кимда-ким шу номларнинг қайси бирини айтиб чақирса: «Лаббай!», «Мен!» дея жавоб бериб юраверишибди. Бироқ бу ишдан ҳам ҳеч бир натижа чиқмабди. Номсиз яшаш — номаълум яшаш! Хўрлик-ку бу! Охир-оқибат улар, гарчи жўнгина, таҳқиромуз бўлсада, ҳар қалай, яратганнинг ўз оғзидан «Қорақалпоқ» деган номни эшитган қадимий маконларига қайтиб келибдилар. Ана шу ерда худонинг излаб келишидан умидвор бўлиб, энди маконларини ўзгартирмасликка аҳд қилиб яшайверибдилар. Ўшандан бери ҳамиша қулоғини осмонга тутавергани сабабли бошқа халқларга нисбатан қорақалпоқларнинг қулоқлари каттароқ бўлиб қолганмиш...

Шундай қилиб, бизнинг халқимиз, номи худо томонидан қулоғига уч марта қичқириб айтилмагани учун оламга номаълум бўлиб қолаверган.

1917 йилга келиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясидек янги, қудратли, адолатли куч туғилди. У ер юзига ҳақиқат ва адолатнинг ол байроғини қадади. Шу пайтга қадар номаълум халқлар қаторида қорақалпоқларни ҳам илк бор излаб топди. Унга 1924 йилда «Қорақалпоғистон Автономияси» деган ном берилди. Бу номни улуғ Советлар мамлакати халқларининг рўйхатига мангу ўчмас бўёқлар билан ёзиб қўйди. Она тилида алифбо тузиш, китоб ёзиш ва нашр этиш ҳуқуқини берди.



Х. Лутфуллаев чизган расм.

[1] Кўча бийи — ҳар бир овулда, ҳар бир уруғ-аймоқда ҳеч ким сайлаб ё тайинлаб қўймаса-да, шу овулнинг ёхуд уруғ-аймоқнинг ҳамма ишига аралашиб кетаверадиган, тўй-маъракаларни бошқаришга уқувли, сўзга чечан, ақлли одамлар бўлади. Улар «Кўча бийлари» деб аталади.

[1] Тўнғич ўғил бўлганим учун эски урф-одатга кўра онам «Сере» («Сара», «асл» маъносида) деяр эди. (Муаллиф изоҳи).

Туманбой БОЙЗОҚОВ

ГУЛ АТРИ КАБИ...

Мен тушимни соғиндим, қайтиб бер-чи,
Ё бўлмаса қайтадан айтиб бер-чи?
Тушимда бир гул кўрдим яшнаб турар,
Тонгда у гул кўзларин ёшлаб турар.
Қўл узатдим тутай деб гул бандидан,
Кўзгу пайдо бўладир гул баргидан.
Кўзгу дилим сўзини олиб қочар,
Сирларимни гул атри каби сочар.
Мен кўзгуни бир четга суриб қўйдим,
Бир қиз кўзгу ўрнида турарди жим.
Қўлларида гул эмас, ёнар олов,
Туриб қолдик жимгина сўзсиз икков.
Кўзларига боқолмай бош айланди,
Не дейишим билмасдан тил бойланди.
Зимдан боқдим ул қизга қайта-қайта,
Ой самода рашк этар розин айта...
Деразадан тушадир учта йигит,
Туш таъбирин, дўстинам, энди эшит:
Бири келиб яқинроқ бурган бўлди,
Ёнмоққа енг шимариб турган бўлди,
Чирмовиқдай униси ўраб олди,
Учинчиси қўлига ўроқ олди.
Ул гул бирдан ўт бўлиб олов сочди,
Ўроқ тутган дарчадан сакраб қочди.
Сўнгра бурган, чирмовиқ олов олди,
Гул ўрнида уларнинг кули қолди.
Яқин бордим кулга мен ёниб-куйиб,
Ой томоша қиларди тўйиб-тўйиб.
Кул қайтадан қиз бўлди сочин тараб,
Мен бойландим ул қизга қараб-қараб.
Қиз дилини изладим дилим билан,
Айтолмадим ишқимни тилим билан.
...Мен уйғониб қарасам қиз йўқ, гул йўқ,
Юрагимда қолганди бир парча чўғ.
Уша тушим иккинчи қайтмас хануз,
Тушда кўрган дилбарим, о, сулув қиз —
Мен тушимни соғиндим, қайтиб бер-чи,
Ё бўлмаса қайтадан айтиб бер-чи?

Қирғизчадан Олимжон ХОЛДОР таржимаси



Янги жумбоқлар

Машҳур норвег тадқиқотчиси ва саёҳатчиси Тур Хейердал раҳбарлигида Пасхи оролида иш олиб бораётган халқаро илмий экспедиция Полинезияда қачонлардир Жанубий америкаликларнинг кўчиб ўрнашганлиги ҳақидаги назарияни тасдиқловчи далиллар топилганлигини хабар қилади. Эл оғзидаги ривоятларга қараганда, Анакена деган манзилгоҳда оролнинг биринчи ҳукмдори Хату-матуа истиқомат қилган. Тадқиқотчи олимлар улкан чиғир тошлардан тикланган ҳайбатли тош деворларни қазиб топганлар. Бу иншоот эрамизнинг 1100 йилида бунёд этилган. Полинезияда шу вақтгача бундай тузилишдаги иншоот топилган эмас эди. Инклар уни тиклашда Анд водисида тараққий этган қадимги ҳинду маданияти анъаналаридан фойдаланганлар.

Агар Полинезияга нисбатан ҳам «Андлар кўчиши» ҳақидаги назария ҳақиқат бўлса, унда Пасхидаги улкан тош иншоотлари («моаш») ҳақидаги жумбоқ ҳам бирмунча ойдинлашади. Бундай иншоотларнинг энг каттасининг баландлиги 23 метр ва оғирлиги 350 тоннадир. Куско яқинидаги инк саксауман бутхона қўрғонининг яхлит улкан минораси оғирлиги 350 тонна. Бу нарса тошларга ишлов бериш санъатининг ўзаро ўхшашлигидан далолат беради.

Экспедицияда қатнашаётган испаниялик Антони Пухадарнинг хабарига кўра, Анакена қазилмаларида Тинч океан ҳавзасида ҳам, Лотин Америкасида ҳам ўхшаши бўлмаган 120 килограммлик ҳайкал топилган.

Мона Лиза сирлари

Бундан 480 йил муқаддам Леонардо да Винчи томонидан яратилган «Жоконда» ёхуд Мона Лиза чеҳрасидаги табассум Париждаги Луврда сақланаётган, етти иқлимга довруғи кетган машҳур портрет сирларидан биридир холос. Кейинги вақтда тадқиқотчилар улуғ итальян рассомининг ижодини замонавий техника ёрдамида батафсил ўрганишга киришдилар.

Ўтган йил охирида Леонардо да Винчи портретини ва Мона Лиза шаклу шамойилини электрон ҳисоблаш машинаси — ЭҲМ воситасида муқояса қилиш натижаси — дастлабки шов-шув кўпларга маълум: бунда, рассом ўзининг ёшлик чоғини аёл қиёфасига кўчириб тасвирлаган, деган тахмин ўртага ташланган эди. Бироқ бундай қарашни Луврда қатъиян рад этдилар.

Эндиликда Мона Лиза ҳақида янги шов-шувлар туғдирган маълумотлар пайдо бўлди.

Сан-Диегодаги Калифорния университетининг лазер техникаси бўйича мутахассиси Жон Асмус журналистларга қуйидагиларни айтди:

«Тадрижий равишда емирилиб бораверириши ва қайта-қайта таъмирлар сабаб ўлароқ, «Жоконда» асл нусханинг ожизона карикатураси бўлиб қолган».

ЭҲМ ва лазер техникаси ёрдамида Ж. Асмус шундай фикрга келдики, асл нусхада Мона Лиза маржон таққан ҳолда тасвирланган, портретнинг чап томонида эса, Леонардо да Винчи тоғларни акс эттирган. Устма-уст таъмир қилинаверириши оқибатида бу тасвирлар йўқолиб кетган. Бундан ташқари, Ж. Асмуснинг сўзларига қараганда, ЭҲМ аниқлаган ранглар ва лак қатламлари «Жоконда»нинг машҳур табассуми тасвири устидан ҳам кўп марталаб мўйқалам юритилганини кўрсатади.

Романларим номланишида халқ номини учинчи бор қўллашдан мақсадим — Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар рўшнолик кўрмаган халқимга ўгай боладек қараган ўша ноодил, фаромушхаёл худонинг ўрнига ўзимоқ халқимга бир фарзанд сифатида бу оламга: «Қорақалпоқ!», «Қорақалпоқ», «Қорақалпоқ!» дея уч марта бор овозим билан жар солмоқдир.

Савол: Бу китобнинг ёзилиш услуби сиз учун янгилик эмасми?

Жавоб: Халқимизда: «Ким ўз хатосини иккинчи бор такрорласа — адашгани, бироқ янгилик яратиш йўлидаги дастлабки хато — ҳали хато эмас», деган нақл бор. Мен шу нақлга суяндим.

Отам ҳар сафар: «Сен янги уй қурмоқчи бўлсанг, юрт мақтаган уйлардан камида ўн иккитасини кўриб, шундан кейингина қуришни бошла. Бироқ бу улардан биттасига тақлид қил, дегани эмас. Сен ўзингникидан қолма, ҳеч кимни такрорлама», деб насиҳат қилар эди. Кўча бийимиз эса: «Агар сен созанда бўлишни хоҳласанг, қўлингдаги дуторни ҳудабеҳудага тинғирлатавермай, энг яхши созаданинг торлари, тараанг, овози тиниқ дуторини олиб, ўн икки пардасини бирма-бир чертиб кўргандан кейин ўз дутоpингдан керакли оҳангни топишга ҳаракат қил», деб ўргатарди. Бир пайтлар сувдан қўрқиб қочганимни ҳеч қачон эсидан яқармайдиган онам: «Агар сен яхши сузишни ўрганмоқчи бўлсанг, машқни саёзроқ сувдан бошла. Бироқ ҳар сафар тананғни сувга ўргатиш учун ўн икки марта шўнғиб ол-да, кейин сузавер», дерди.

Мен қурувчи ҳам, созанда ҳам, сузувчи ҳам бўлолмадим. Бироқ ҳар бир янги китобимни бошлар эканман, ўша насиҳатларга содиқ қолдим. Саъдий, Пушкин, Монтень, Навоий каби улкан сўз санъаткорларининг асарларини, қадимги дунё ва ўрта аср файласуфларининг ҳар хил мавзулардаги рисолаларини, «Минг бир кеча», «Қобуснома» «Хамса» сингари кўплаб ўлмас обидаларни эл-юрт мақтаган яхши иморат намуналари сифатида такрор-такрор назардан ўтказдим. Уларнинг ҳар бирини торлари созланган, оҳанги мафтункор дутор каби қўлимга олиб, авж пардаларини изладим. Улкан мутафаккирларнинг денгиздек теран ҳикматлар оламига шўнғидим, бу оламни ўзимча бўйладим.

Ёшлигимда ота-онамдан, бобомдан, кўп яшаб кўпни кўрган пурҳикмат қариялардан, кўча бийларидан, адабиёт муаллимимдан эшитган беҳисоб ҳангома ва афсоналар, ҳикматли нақл ва ривоятлардан, биринчи мураббийимнинг маслаҳатига кўра тутган кундаликларимдан шу китобда фойдаланар эканман, мен уларни қурилажак янги иморатнинг пойдевори ва ғиштлари деб билдим. Ўзим чертишга чоғланган дуторнинг торлари ва товуш пардаларига айлантириш учун ҳаракат қилдим. Бошқаларнинг ҳам теранроқ шўнғишлари учун қазишни мўлжаллаётганим янги ҳавзага зилол сув ва кема янглиғ оқиздим. Ўша асарлар умр аравамга қўшиладиган янги бир асов отни дурустроқ жиловлаб, кўнгилдаги манзил тарафга қичаб-йўрттиришда менга улкан мадад бердилар.

Шу ўринда яна бир эслатиб ўтмоқчиман: китобга киритилган афсоналар ва ҳар хил ҳангомаларни тарихий ҳақиқат деб тушунмаслик лозим. Кўпгина афсона ва ривоятлар дунёда ҳали ёзма адабиёти шаклланмаган халқларнинг тинч-тотув яшаш, ягона бир мақсад йўлида бирлашиш ҳамда «худо» деган тушунчанинг уйдирма эканини далиллаш учун айрим сўз усталари томонидан оғзаки равишда яратилган адабиётнинг бугунги кунга қадар етиб келган бебаҳо нукраларидир. Мен уларни ўзаро пайвандлаб, янгиликнинг қимматини бўрттириброқ кўрсатиш йўлида фойдаландим, холос. Умид қиламанки, зеҳн қўйиб ўқиган китобхонга бу ҳол аён сезилади.

Бир халқ бошқа халқ учун ечилиши мушкул жумбоқ бўлганидек, бир одам иккинчи одам учун ҳам бус-бутун муаммо, сирли бир дунёдир. Кўҳна донишмандлар фикрига кўра, муайян халқнинг кечмишларини билиб олмоқ учун унинг бир авлодига хос қисматни тўлароқ ўрганиш ҳам гоҳо етарли. Халқни тушуниш учун унинг ҳамма вакиллари билан бирма-бир суҳбатлашиш шарт эмас. Баъзан биргина одам билан гаплашиш ҳам кифоя. Чунки бир одамнинг бошқа биров билан суҳбати — ечилиши мушкул икки жумбоқнинг жуфтлашуви ёхуд икки қоронғу оламнинг бирлашиб, зимистонга айланиши эмас, аксинча, жуфт жумбоқнинг бир-варакайига ечилиши, ёруғ оламга тушган икки соянинг дафъатан икки чироққа айланиши, одамзод осмонида янги жуфт юлдузнинг пайдо бўлиши!

Шундай эмасми?...

Бу саволга роман-эссенинг мен танлаган шакли, ишонаманки, тўла жавоб бера олади.

Қорақалпоқ тилидан Раҳимжон ОТАЕВ таржимаси



ЎзЛКСМ XXIII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ НУРХОН БОБОНОРОВА.

А. Жумаев фотоси



Тошкент Трактор заводи ишчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Вера Харитонова.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

ЮГУРГАН ЯШАРАДИ.


М. Пенсон фотоси



Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози пиллакорлари Ҳ. Орипова ва Ҳ. Солиҳова.

Картошка мўл бўлди.

Н. Муҳаммаджонов фотолари



СССР ХАЛҚ АРТИСТИ РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ ПОРТРЕТИ.



БОЙСУН — АЛПОМИШ ТУҒИЛГАН ЗАМИН.

РАССОМ РЎЗИ ЧОРИЕВ АСАРЛАРИДАН



ҲИНДИСТОН (асарнинг марказий қисми).



«Мотамсаро она» ҳайкали (Тошкент).

В. Мосин фотоси



104 ёшли Кимсаной буви Содиқова неваралари, чеваралари даврасида (журналимизнинг 17-бетидаги «Кимсаной буви» мақоласини ўқинг).

Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ)

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ! (Комсомол ветеранлари, ЎзЛКСМ XXIII съезди делегатлари Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар).

А. Жумаев фотоси



КИМСАНОЙ БУВИ

Пойтахтимизнинг ёши улуғларидан бири бўлмиш 104 ёшли Кимсаной Содиқовани биринчи сафар дараклаб борганимда, учрата олмадим.

— Бувим Қўқонга кетдилар, укаларини кўриб келадилар, — деди невараси Карима.

— Укаларининг ёши нечада? — деб қизиқиб сўрадим.

— Тўқсон еттида...

Ен дафтаримга керакли адресни қайд этиб, тонгги рейс билан Қўқонга учдим. Ярим кун овора бўлиб, излаган хонадонни топдим деганда:

— Кимсаной буви бир соат олдин Тошкентга жўнаб кетдилар, — деб айтишди.

Буви Тошкентда мени самимий кутиб олди. Аввал суратга тушгуси келмади, ийманди. Атайлаб излаб келганимни айтганимдан кейин: «Шунча йўл азобини тортибсиз, майли, ўғлим, ноумид бўлиб кетманг», деди.

Бувининг аждодлари — узоқ умр кўрган кишилар. Онахонимиз асли Фарғона область, Киров районидаги Бешариқ қишлоғида туғилиб ўсган. Отаси — Мамасиддиқ бува 104 ёш, онаси — Ўғилжон буви 106 ёш билан юз кўришган экан.

Кимсаной буви жуда кўп воқеаларни аниқ-тиниқ эслайди. Октябрь инқилоби ғалабасини, янги ҳаёт йўлидаги қаттиқ курашни, колхозлаштиришни, долғали «Ҳужум» йилларини, Катта Фарғона канали ҳашарини, Улуғ Ватан уруши Ғалабаси шодиёнасини, тикланиш суруруни юрагида авайлаб-асрайди.

Эри Дўлтабой билан тотув турмуши ёддош достон бобларидай ҳамиша хотирасида. Улар беш фарзанд кўрдилар. Тўнғич қизи Кабирой ҳозир 87 ёшда — увалижували; ўртанча қизи — 70 ёшли Обидахон — Қаҳрамон она; кенжа қизи — Ибодатой саккиз фарзандни ўстирди.

Буви ўғиллари Абдураҳмон билан Маматқулни Қизил Армия сафига қандай кузатганини унутади, дейсизми? Асло! «Аввал Маматқулни чақиришди, 12 кун ўтгандан кейин уруш бошланди». Бувининг кўзига ёш қалқийди. 1943 йили эрини тупроққа қўйди. (Катта ўғлидан қорахат келганда, чидамади бояқиш... Кимсаной бувига ўғли Абдураҳмоннинг ҳалок бўлганини ҳалигача айтишмаган. Онаизор ҳануз умид билан йўл қарайди.)

У аскарликка кетиб қайтмаган ўғилларининг хатларини эҳтиётлаб сақлайди. Ўзи ўқий олмаса ҳам, баъзан кечқурунлари бу йиллар сарғайтирган учбурчак мактубларни кафтига олиб силайди, жигарбандларининг ҳидини туйгандек бўлади.

Кичик ўғли — 1922 йилда туғилган Маматқул Дўлтабоев 1941 йил декабрда бедарак йўқолган. У сўнгги хатини ўша йил 12 июлда — Одесса областидаги Любашевка станциясидан йўллаган. Кимсаной буви «Гулистон» журналхонларидан сўраб кўришимизни ўтинди: балки Маматқулнинг кейинги тақдиридан бохабар кишилар бордир?..

Буви билан узоқ сўзлашдик. Невара-чевараларни нечталигини сўраганимда, бармоқ букиб санаб, ҳар сафар янглишиб кетаверди.

— Етмиш бешта, — деб ёрдамга келди невараси Карима.

Карима — бувисининг суюкли невараси, боққчада тарбиячи бўлиб ишлайди.

...Сувратни редакцияга топширганимни айтмоққи бўлиб, қўнғироқ қилсам:

— Бувимиз Қўқонга кетдилар, — дейишди невaралари.

Рустам ШАГАЕВ



Жарқўрғон районидаги «Гуллола» ансамблининг раққосаси Қундузхон Маматхолова.

Е. Хўжамбердиев фотоси

КОИНОТ СИРЛАРИ

СЎНГАН ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Бу ҳодиса жанубий осмонда шу йил февраль ойининг иккинчи ярмида маълум бўлди. Ҳаво очиқ пайтларда Ер юзининг жанубий яримшарида яшовчи кишиларга Олтин Балиқлар деб номланган юлдузлар туркумидаги Катта Магеллан Булути шундоққина кўриниб турарди. Дуруструқ тикилиб қараганлар булут ўртарофидаги бинойидек юлдузни ҳам аниқ фарқлашлари мумкин эди. Қаранг, 55 килопарсек (1 килопарсек 3260 нур йилига тенг масофа) узоқликда юз берган бу хавфсиз, аммо ғоят улкан ҳалокатни Ер сайёрасидагилар энди кўриб турибдилар. Ваҳоланки, бу ҳалокат бизнинг юлдузлар системамизга яқин бўлган галактикада бундан салкам 170 минг йил муқаддам юз берган. Ахир, масофа жуда ҳам узоқ-да. Шунинг учун сайёрамиз кишилари бу ҳодисадан эндигина бохабар бўлдилар...

Шу йил 24 февраль куни австралиялик тадқиқотчилардан Шелтон, Дуальд ва Жонс қўшни галактикада содир бўлган бу ҳодисаларни кузатишга камданкам пайтларда улгурилади. Худди шунақа энг янги хил чарақлаш ёрқинлигини сайёрамизда яшаётган кишилар оддий кўз билан сўнгги марта 1604 йилда кузатишлари мумкин эди. Кейинги юз йил давомида астрономлар олти юзтадан кўпроқ энг янги юлдузларни кашф қилдилар. Аммо уларнинг бариси мазкур юлдуздан беқиёс даражада олисликда жойлашган. Шу боисдан уларни ўрганишда тўла аниқликка эришиш қийин. Энг янги 1987 А юлдузини (сўнган юлдузни шундай номда атайбошладилар) эса, кузатиш учун ғоят қулай объект дейиш мумкин. У анча-мунча ўрганилган юлдузлар системаларининг бирида жойлашган. Ҳозирча тўла ишонч билан айтиш қийин-у, лекин, эҳтимол, бу юлдуз портлагунга қадар бошқа юлдузлар қаторида анча ўрганилган. Бордию бу тахмин тўғри бўлса, ҳалокатдан аввалги «бир лаҳзада» унинг қай ҳолатда эканлигини билиб оламиз. Ахир, коинот ўлчови бўйича яхлит нинг дастлабки гувоҳларидирлар. Катта Магеллан Булутига кирувчи юлдузлардан бири ғоят ваҳимали қувват билан портлади ва ўз атрофидаги миллиардлаб километр масофани ёлқинлантириб юборди. Шу билан бир вақтда бемисл тезлик билан ҳамма ёққа беҳисоб юлдуз моддалари тарқалиб кетди.

Австралиялик астрономларнинг мазкур хабарларини шу йилнинг илмий шовшувга эга бўлган воқеаси дейиш мумкин. Жанубий яримшардаги обсерваториялар «осойишталикни бузган» нуқтани муттасил кузатиб турибдилар ва қимматли илмий маълумотлар олмоқдалар. Шимолий яримшарда иш олиб борувчи тадқиқотчилар эса, афсуски, ўша юлдузни кузатиш имкониятлари йўқлиги туфайли унинг ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлдилар.

— Маълумотлар ҳозирча анча кам ва ҳатто улар орасида бир-бирига қарама-қарши фикрлар ҳам бор, — дейди П. К. Штернберг номидаги Давлат астрономия институтининг илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати Дмитрий Юрьевич Цветков. У қоғоз бетидаги рақамларга ишора қилиб сўзини давом эттиради. — Лекин, мана бу маълумотлар ғоят бебаҳо, ҳатто бемисл дейиш мумкин. Бундай портлаш — маълум классларга оид юлдузлар тадрижининг қонуний якунловчи босқичидир. Бироқ бунақа ҳодисаларни ҳам бир лаҳза дейиш мумкин-да... Қисқаси, бизнинг олдимизда бутун тарих давомида биринчи марта энг янгича тадқиқот объектини барча даврлар бўйича замонавий астрономия воситасида чуқур ўрганиш имкониятлари турибди. Эҳтимол, бу ишлар шу жараёнда кечаётган ҳаракатларни яхши тушуниб олишга, бошқа юлдузларнинг ривожланиш даврларини аниқлашга ёрдам берар.

Мамлакатимиздаги тадқиқот марказларига сайёрамизнинг жанубий қисмидаги обсерваториялардан маълумотлар келиб турибди. Бу борада Совет Иттифоқида учирилган тадқиқотчи Ер йўлдошларидан ҳам баъзи бир маълумотларни олиш мумкин. Айни пайтда энг такомиллашган воситалар инсоният пайдо бўлаётган пайтда юз берган ҳодисани ўрганишда фойдаланилмоқда. Қачонлардир, Магеллан туғилмасдан анча аввал ва бунинг устига, унинг олам бўйлаб саёҳатга чиқишидан илгари галактикада юлдуз портлаши содир бўлди. Шу йил февраль ойининг охирида эса, унинг шуълалари Ерга етиб келди. Тахминларга кўра, портлаш уч ёки тўрт йил давом этган — буни кузатишлар аниқлаб беради. Ана ўша юлдузнинг шу кунларда қанақа аҳволдалигини эса... бир юз етмиш минг йилдан кейин билиш мумкин.

А. КОМРАКОВ

Икром ОТАМУРОДОВ

ҒАЛАБА КУНИДАГИ ЎЙЛАР

Сийраклашиб уруш қатнашчилари,
Қурбонлар рўйхати кўпайиб борар.
Дунёнинг озодлик жангчилари —
Ҳайкаллар.
Едгорликлар.
Хотиралар.

Уларни ўтказинг олдинга сафлаб,
Олдинга сафлаб ўтказинг шаҳидларни.
Жон кечиб ўлимдан қолганлар асраб —
Кўтариб ўтсинлар Ватанларини,
Ҳайқириқ остида кенг майдонлардан
Кўтариб ўтсинлар.
Уларнинг ҳаққи.
Европа тупроғи баданларидан
Ўзбекистонга қўл узатган халқим.

Уларга йўл беринг.
Уларга йўл беринг,
Соясига мағрур гердайган зотлар.
Хеш эмассиз зинҳор,
сиз,
четроқ туринг
Юртда яшаб юртга бегона-ётлар.

Сиз эмасми, ахир, зиғирдай бериб,
Тоғдайин ўмариб олинган ҳиммат?
Сиз эмасми, ахир, кўкракка уриб,
Шуҳрат йўлин излаб югурган
миннат?..

Уларга йўл беринг...
Уларнинг бошида гуллар кўкарсин,
Уларнинг пойига тўшалсин гуллар.
Гуллар — юраклардан томган қон
аксин
Танноз хонимчалар бозорда пуллар,

Девқомат йигитлар бозорда пуллар,
Харидорни ўраб — гирдикапалак.
Бир тийин ортиққа тутар қўшқўллаб,
Бир тийин камига чайнайди намак.
Бобосин йўқлаб, гул қўймоқчи эди,
Номаълум аскарнинг қабрига бола.
Бор-йўғи — озгина пули, етмади,
Уксиб кўзларидан тўкилди жола.

Танноз хонимчалар жийириб лабин,
Девқомат йигитлар нарироқ кетди.
Бобоси ишониб кетган оламин
Унинг кўз ўнгида қимматга сотди...

Йўллар бошлаб кетди бобосин, аммо,
Қуруқ қайтиб келди сарғайиб йўллар.
Мен сени излайман одамлар аро,
Укажон, қайдасан,
қўлимда гуллар...

* * *

Юракка зил кетса, деймиз майда гап,
Майда гап деймиз, титраса ишонч.
Саҳрода чанқаган сайёҳга ўхшаб
Гоҳ сароб бағридан кутамиз қувонч.

Мавқе илинжида дўстлардан кечмоқ,
Оддий бир ҳодиса, деймиз майда гап.
Ростни четга суриб, ёлғонни қучмоқ,
Нима бўпти, яшаш йўлида матлаб.

Талаб қаршисида имкон сукутда —
Майда гап.
Буйруқ қаршисида шароит зада —
Майда гап.

Манманлик олдида камтарлик
ночор —
Майда гап.
Манфаат олдида эътиқод бекор —
Майда гап.

Майда гап: меҳнатнинг ўрнида тўрда
Беписанд илжайиб савлат тўккан пул,
Унинг фалсафаси: отингни ҳайда —
Чўнтагинг бутунми — сеникидир йўл!

Қаллоб қаршисида ҳалолнинг ноҳақ —
Турганини кўрсак, беимкон бўлиб,
Ўтиб кетавердик, бепарво, бефарқ:
Ҳа, энди, майда гап дея бурилиб.



Не тонг, пайкалларда ғўзалар эмас,
Шиғил-шиғил бўлиб ёлғонлар ўсди.
Деҳқон ҳайқирганда, мансабдор шахс
Булар, майда гап деб, йўлини тўсди.

Алпомиш — ботирим, сен ҳақда кино
Яратиш туюлса наҳот майда гап.
Бунинг ўрнига ҳаворанг бино
Муҳимроқ эмиш, турса қад ростлаб.

Минбарлар сўзлайди, шашт билан
жуда,
Мўлжаллар катта гап — дунё тақдири.
Минбарлар ажратиб қўйди, аслида,
Гапга катта,
майда тусини бериб.

Дунё ташвишини ўйлаймиз деб, жар
Соламизу ёнга боқмаймиз, зотан.
Уйимиз аҳволин билмасак агар,
Қўшнининг ҳолини сезамиз қайдан?

Ахир, майда гапга беписанд кимса,
Катта гапга сира эл бўлмас, аён.
Йўл узоқ. Майда гап деб бир кун ўша:
Юртин ҳам, элин ҳам унутар осон.

Инқилоб маъноси — ўзингни англаш
Ва ўзгалар дардин дилдан қилмоқ ҳис.
Дунё ташвиши деб, бонг урган саркаш,
Аввал, юрагингга уйинг расмин чиз.

Майда гапларни мен, кўнглимга
тугдим,
Еқлайман уларни бағримга босиб.
Дунё ташвишига ишқивоз дўстим,
Буни ортдан катта гап қилар, писиб.

* * *

Рўзибойга бошқа нарса керакмас,
Ердан бўлак.
Озгина ер етади.
Ўз ҳолига қўйиб ишонилса, бас,
Бахтиёр гўдакдек яйраб кетади.

Замин тўғрисида сўзлаб ўтирмай,
Эгилади унга келиб яқинроқ.
Худди, нонпар урилган патирдай
Қўлларида кўкарган қадоқ.

Ўзининг ризқини топади шундан,
Шундан топади болалар ризқини.
Ерга сиғинади.
Куч олар ундан
Севади ҳансираб ётган тарғилин.

Тупроқнинг тафтига очади бағир,
Тупроқнинг ҳидини симирар сўлим.
Ердан айрилган кун бўлади сағир,
Ердан айрилган кун... ўлим.

Ор билиб тупроқнинг қўнган гардини
Пуф-пуфлаб костюмин ялаган каслар,
Енига ўтирмай, билмай дардини
Минбарлардан туриб ерни пайпаслар.

Куйиниб, оғриниб сўзлайди, гўё,
Қатор маслаҳат ҳам беради улар.
Меҳнат нималигин билмайди аммо,
Ернинг нималигин англамас минбар.

Минбардан пастроққа тушинг —
бўлгани,
Рўзибойга ҳамроҳ бўлингиз бир қур.
Дунёга келиб у ердир билгани,
Кўргани, топгани меҳнат ва шукур.



Ленинград мудофааси қатнашчилари — Абдусаттор Тўлаганов, Башрилла Раҳматиллаев, Қудратилла Раҳматиллаев пойтахтимиздаги 102-мактаб ўқувчилари билан «Номаълум солдат қабри» ёнида.

В. Жирнов фотоси

Мафкуравий кураш жабҳаларида

Мафкуравий мухолифларимиз гоҳо инсон ҳуқуқларининг ҳомийси сифатида, гоҳо ислом ва шариат усулларининг курашчиси қиёфасида миллатлар орасига нифоқ солиш учун айниқса Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Закавказия республикалари халқларининг демографик жиҳатдан тез суръатлар билан ўсишини рус халқига қарши янги куч сифатида талқин этиб, ягона совет халқини ташкил қилувчи миллатларни бир-бирига «гиж-гижламоқчи» бўладилар. Аслида улар совет кишилари, хусусан миллий республикалар халқлари улуғ рус пролетариатининг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида бугунги бахтиёр кунга эришганликларини яхши биладилар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси бугунги кунда саводхонлик бўйича иттифоқ миқёсида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди, яъни республикамизда халқ хўжалигида банд бўлган ҳар минг кишининг 907 таси олий ва ўрта маълумотга эгадир. Шунга қарамасдан, халқаро империализм, хусусан Америка империализми Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон ССРга қарши туҳмат тошини отмоқда. Синфий душман ўзининг қора ниятларини амалга оширишда турли йилларда Совет Ўрта Осиёси республикаларидан чет элларга бориб қолган заиф характерли, нопок кишилардан ҳам фойдаланмоқда. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчилар томонига қочган ватан хоинлари, сотқин Б. Ҳайит, Э. Шермат, Ҳ. Икром, Қ. Эгамқул ва бошқаларнинг «бошини силаб», керак пайтида социализмга, хусусан Совет Иттифоқига қарши «олкишлаб» келмоқда. Бундан ташқари, АҚШ ва унинг марказий разведка бошқармаси Туркия ва Саудия Арабистони каби мамлакатларда ўзига фойдали юмуш тополмай сарсон бўлган Ч. Кўчар, Т. Хўжа ўғли, Ш. Ғози сингари «журналист» ва «олим»ларни ўз боқувига олиб, «Америка овози», «Озодлик» ва бошқа бир талай советларга қарши иғвогарлик марказлари хизматига ёллаб келмоқда.

Сўнгги йилларда ана шу ва уларга ўхшаш муртадлар тарихимиз саҳифаларини титкилаб, фан, маданият, адабиёт соҳасидаги ютуқларимизни сохталаштиришга уринмоқдалар. Уларнинг сўнгги «ўриниш»ларидан бири ўзбек халқ оғзаки ижодига ҳужум қилиши бўлди.

Маълумки, асрлар оша сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзбек тилимиз ва адабиётимиз йил сайин социалистик мазмун билан бойиб бормоқда. Унинг сарчашмаларидан бири — халқ оғзаки ижоди аждодларимиз ўз орзу-армонларини баён қилишларида асосий восита бўлиб келган. Халқ қўшиқлари, лапарлар, термалар, мақол ва маталлар шаклида намоён бўлган бу ҳикматлар эндиликда бутун халқ мулкига айланган. Зотан, «Булбул чаманни севар, одам — Ватанни», «Ердан айрилган етти йил йиғлар, элдан айрилган ўлгунча йиғлар».

Республикамиз нашриётларида қайта-қайта чоп этилаётган ўзбек халқ мақоллари китоблари ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳикматлардан чет мамлакатларда истиқомат қилаётган кўплаб ватандошларимиз ҳам бебаҳра қолаётганлари йўқ. Лекин, улар орасидаги биз юқорида номларини эслатган кимсалар юзларига ниқоб тутиб, нияти қора бўлганлиги учун ўзлари ёки ота-боболари туғилиб ўсган юртларига «тош» отадилар. Ўзларича ўзбек тили ва адабиётини «таҳлил» қиладилар, ниятларига мос нашрлар ҳам чоп этадилар. Бундай нашрларни чиқаришда баъзи қилмиши иғвогарлик, вазифаси бўҳтондан иборат идоралардан мадад оладилар. Хўш, улар аслида кимлар, деб сўрарсиз. Тўғридан-тўғри айтишимиз мумкинки, улар юртимизда инқилоб тонги отган паллада халқига тиғ кўтарган шахсларнинг авлоди. Шуларгина халқининг, юртининг бугунги бахтиёр кунини қора бўёқларда кўришни истайди, турмушимизда гоҳ-гоҳ учрайдиган майда нуқсонларни топиб олиб, «пашшадан фил» ясайди. Бундай нашрлар сирасига АҚШ ва Ғарбий Германияда яшовчи туркистонликлар (у ердаги ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқлар ўзларини шундай деб аташади) номидан чоп этилувчи «Туркистон бирлик овози» ва «Туркистон саси» каби бюллетенлар киради. Бундай «журналлар» саҳифаларидан жой олган мақола ва хабарларга назар солсангиз, АҚШ марказий разведка бошқармаси ва бошқа жосуслик маҳкамаларининг қўли шундоқ сезилиб туради.

Ваҳоланки, «Туркистон бирлик овози» чоп қилина бошлаган пайтда мазкур нашр ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб, жумладан қуйидагиларни ёзган эди: «Бу нашрнинг чиқишидаги асосий ғоя ва мақсад Америкада яшовчи туркистонликларнинг ўзаро бирлик, иттифоқ, яқин алоқада ва қариндошлик муносабатларини янада кучайиб мустаҳкамланиши учун восита бўлиш, миллий тил, тарихий урф-одат, миллий мерос, тарихий сиймо ва адабиётимиз билан таништириб туриш...» ва бошқалардан иборат.

Ўзи эълон қилган ғоя ва мақсадларга нашр ҳайъатининг иш фаолияти мос келмаслиги дунёси янгиликлари» журналининг 1982 йил 2-сонини варақлаймиз. Унда хориждаги «туркистонлик зиёли» Б. Ҳайитнинг «Туркистоннинг стратегик аҳамияти» номли уйдирмаси босилган. Мақолада Совет Ўрта Осиёсини «озод этиш» масаласи кўтарилиб, жумладан бундай дейилади: «Бу масалага Ғарб стратегияси учун муҳимлиги, ҳурриятни таъминлаш, Совет Иттифоқига қарши курашиш нуқтаи назаридан қарамоқ лозим... Шунда озод дунёнинг ислом жамиятлари ва жаҳон экономикаси Туркистоннинг иқтисодий бойликларига эгалик қилишлари мумкин бўлар эди...»

Мана, ўз Ватанига хоинлик қилган кимсанинг ҳақиқий башараси.

Совет Ўзбекистони Шарқда социализмнинг порлоқ юлдузи бўлиб, маълум эл ва элатларга социалистик тузум афзалликларини яққол намойиш қилмоқда. Бу нарса мафкуравий мухолифларимизни таҳликага солмай қўймайди. Буни англиялик инженер Э. Бруммет қуйидагича ифода этади: «Ўзбекистоннинг бугунги кунда эришган ютуқлари — бутун совет халқлари фидойи меҳнати ва дўстона ёрдамининг натижаси, социализмнинг рад этиб бўлмайдиган афзалликларидан далолатдир». Ёки Мисрда чиқадиган «Ал-Аҳоли» газетасининг мудири М. Есиннинг: «Биз бу ерда яратувчилик меҳнати билан банд бўлган, турмуш даражаси ниҳоятда юксак,

БЎҲТОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

бахтиёр кишиларни кўрдик...», деб айтган сўзлари Ғарбдаги мухолиф доираларнинг даъволари асоссиз эканлигини кўрсатади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида айтилганидек: «Психологик уруш» — одамларнинг ақли, дунёқараши учун, уларнинг ҳаётий, социал ва маънавий мақсад-йўналишлари учун олиб борилаётган кураш эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Биз пихини ёрган синфий душман билан юзма-юз турибмиз, унинг асрлар давомида тўплаган сиёсий тажрибаси хилма-хилдир. У замонавий техника воситалари билан қуролланган, социализмнинг устомон ғанимларидан иборат жуда катта аппаратга эга бўлган ёпирилма пропагандасининг ғоят катта машинасини яратган».

Буржуа идеологияси капиталга ва монополиянинг фойдасига хизмат қилувчи истиқболсиз жамият мафкурасидир. Унинг йўл-йўриқлари — капитализмни ҳар қандай усуллар билан бўяб кўрсатишдан, унинг табиатан инсониятга зид ва адолатсиз эканлигини хаспўшлашдан, турмуш ва маданиятга оид ўз стандартларини тиқиштиришдан; ўз мақсадлари йўлида социализмни бутун чоралар билан қоралашдан, демократия, озодлик, тенглик, социал тараққиёт сингари қадриятлар моҳиятини бузиб кўрсатишдан иборатдир. Хориждаги ватан хоинлари бизнинг тобора гуркираб ривожланаётган республикамизга, бунёдкор халқимизга қанчалик бўҳтон тошларини отмасинлар, социализм ўз имкониятларини тобора кенгайтириб бормоқда. Бўҳтоннинг умри қисқалиги ҳақ ва ҳақиқатнинг барқарорлигида намоён бўлмоқда.

Замонбек ФАРМОНОВ

Йўлдош ЭШБЕК

ИСТИҚБОЛ ҚУШЛАРИ

Боғ аро эсдилар калта шамоллар,
Ингичка изғирин тўлғанди гоҳ-гоҳ.
Уй суриб кетмоқда тераклар, толлар,
Борар манзиллари кўринар йироқ.

Бу узун хаёллар кўп карахт қилар,
Бахтлидир... етсайди чаманларига.
Соғинчдан толиқар маҳзун дарахтлар,
Соғинчи потрайди баданларига.

Шохларида калтак излари мисол
Қўкариб бўртади соғинч азоби.
Осонми соғиниб яшамоқ ҳалол,
Соғинчни кўтариб юрмоқ осонми?!

* * *

Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар.
Рауф Парфи

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Ҳаволарга таратиб атир.
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Юрагимда чатнайди сабр.

Очилади очиқ дераза,
Юзларимга урилади тафт —
Иссиқ.
Олов.
Жазира...

Ўйнинг вазмин бошин тутган кафт.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Эй, ёмғирдай бокира аёл!
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Мен қақраган ўттиз яшар чол.

Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Сочингизда сузар қандай қўл?
Сим-сим ёмғир ёғар сизларга,
Нега менинг эгну бошим ҳўл?!

* * *

Юзларимга мамнун оромлар ёйиб,
Хотирамга урилади болалик — исёнкор.
Фильм... инқилобчи...
Овоз — қўшиқ каби мулойим,
Овоз — гулдуракдай кескин, жарангдор.

Тун бўйи лабларим пичирлар,
Тишларим қисирлар,
Етолмайман тун бўйи.
Тонг... ухлаб қоламан
Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
Уйғонаман.
Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
О, қандай соз, қайтмабди
Отам тунда даладан.
Мен «инқилоб» бошлайман
Семиз қўшни боладан.
Улғайдим.
Отмоқда
Ойбек айтган тонг.



Деразамга сачрар Йўлчининг қони.
Столимда «Қутлуғ қон»:
«Ҳозиргина келдим Сибирдан
Тарк этиб зиндонни».
Мен ғўр болакай
Бепичоқ
Ахтараман бою ҳоқонни.
Қўлларим мушт бўлиб тугилган кўйи.
Етолмайман тун бўйи.

ТИЛАК

Полвон Турсун Али Муҳаммад сўзи

Она Ўзбекистон, ҳар бир ўғлингнинг
Мингани Ғироту Бойчибор бўлсин,
Қудрати ёр бўлсин Бек Гўрўғлининг,
Алпомишдай садоқати бор бўлсин!

Томоша-тўй бўлсин ҳар бир гўшангда,
Ҳар кунинг байрамдай шодумон бўлсин,
Она Ўзбекистон, сендай гулшанга
Полвон ўғилларинг посбон бўлсин,
Посбон ўғилларинг паҳлавон бўлсин!

ХОТИРОТ



* * *

Хаёли кўкка туташ,
Сочи байроққа ўхшаш,
Қиз от чопиб боради,
Отининг ёли оташ.

Қиз кўзлари — офтоблар,
Шамолда ёшланмайди.
Боқар неча бетоблар,
Эҳ, боқиб улгурсайди!

Ҳай-ҳай деган йигитлар,
Йўлда қолиб боради.
Йўллар илонга ўхшаш,
Пойида ёлборади.

Бу тезликка тор осмон,
Коинот лол, ер ҳайрон,
Бу шиддатни ҳеч қачон
Кўрмаган эди жаҳон!

Хира тортганми кундуз,
Пориллар қиз хаёли.
От кўзлари жуфт юлдуз,
Ериб борар шамолни.

Хаёли кунга туташ,
Рўмоли туғга ўхшаш,
Қиз от чопиб боради,
Тулпори нурга ўхшаш!

* * *

Бу йил қиш ҳам иссиқ келдию,
Бир қушча юртига кетолмай қолди.
Айвон тагидаги шохга қўниб у,
Титради энг сўнгги япроқ мисоли.

Атрофга қаради, деразалар берк,
Жовдираб қаради бўйнини эгиб.
Инсон хаёлидай, у, бепоён эрк!
Қушчанинг кўзидай, у, тиниқ меҳр!

Қайдасиз япроқлар мисол қадрдон,
Илиқ оғуш билан товланган ҳаёт!
Қушча бир куйлади чирқиллаб нолон,
Қушча бир куйлади, олам солди дод.

Унинг юрагида қандайдир қаҳр —
Рад этиб бўлмас бир кескир ҳаяжон,
Яланғоч шохмиди! Чўққимиди! У
Ваҳший жондорлардай бўзлади ёмон.

ИНСОН ЕДИ — АЗИЗ. Ш. Зокиров чизган расм.

I

Қўп қаватли уйлар орасидаги кафтдеккина майдон. Уч бола қувлашмачоқ ўйнаётир. Кичиги айиқчадай лапанглаб, қийқириб-қийқириб қочади. Ёши каттароқ икки шериги жўрттага туяга ўхшаб лўкиллайди. Кичкина ойнадай ярқираб кетган сирпанчиқни, суви қуриб қолган ҳовузчани айланиб чопади.

— Салим, олдини ўра! — қичқиради қуваётганларнинг бири. — Ҳозир ушлаймиз!

Салим шартта орқасига бурилиб, болакайнинг олдини тўсиб чиқа бошлайди. Қуршовга тушаётганини сезган кичкинтой ҳовузчанинг ялтироқ тошлар билан сувалган деворидан ошмоқчи бўлаётганида...

— Ушладик! Ушладик! Урре! — қийқиради Салим.

— Роса чопарқансан-ку! — ҳансираб турган болакайни мақтайди Ойбек.

— Ракета-я, ракета!

Мақтовдан оғзи қулоғига етган кичкина юлқинади, талаб қўяди:

— Яна қувинглар, энди ҳечам ушлолмайсизлар.

— Йигитдай гудакни қонига бўяган қўлларинг синсин илойим! Ўлдириб қўйибсан-ку, болам бечорани! — шанғиллайди у.

Ойбек катта-катта очилган кўзларини аёлга тикади. Бир нима демоқчи бўлади, томоғига муштдек суяк тиқилиб қолгандай овози чиқмайди.

— Ҳе, кўзинг ҳакканинг кўзига ўхшамай ўл! — баттар тутоқади аёл. — Одам гапираяптими, ит ҳураяптими демайди-я!

Аёл ҳамон бўғилиб йиғлаётган болани етаклаб, шанғиллай-шанғиллай уйлардан бирига кириб кетади.

Ҳеч нарсага тушунолмай эсанкираб қолган Ойбек қотиб қолади. Йиғлагиси келади...

— Сенга айтдим-ку, нимага қочмадинг? — дейди аёл кўздан ғойиб бўлиши билан осмондан тушгандай ёнгинасида пайдо бўлган Салим. — Калланг борми? Бу ялмоғиз кампир-ку!

Ҳалиям ўзига келолмаётган Ойбек бирданига йиғлаб юборади.

— Ўзингдан кўр, қочиб кетганингда-ю... Бунақа пайтда каллани ишлатиш керак-да, каллани!

Таққирланган Ойбек бир Салимга, бир «ялмоғиз кампир» кетган томонга қарайди-ю, алақандай аҳволга тушиб қолади.

— Ҳозир ушлаймиз! — Салим ҳам ўзини гапираётгандай қўшиб қўяди. — Вақтида қочганида-ку... Майли, бундан кейин пишиқ бўлади. — Салим ўзининг ҳушёрлигидан мамнун бўлиб илжаяди...

* *
*

— Ким урди? Нимага йиғладинг?

— Ҳалиги... Камол йиқилиб тушувди, турғазаётсам... аяси келиб урди.

— Қайси Камолнинг аяси? Анави ялмоғизми? Ҳе, одам бўлмай кетсин! Болаларнинг ўйинига аралашадими туядай хотин! Шошмай турсин ҳали, эртага бир кўрай уни. Ўзи, ҳамма айб сенгинада. Йиқилса йиқилиб ётавермайдими? Турғазиб нима қиласан?

— Емон йиқилувди-да, бурнидан қонаб кетди. Салим ҳам бор эди. У қочиб қолди.

— Қонаса сенга нима! Қочиб қопти-ку Салимиинг! Иккинчи бировнинг тарафини олма. Агар яна шунақа қилганингни кўрсам...

Она ўғлини хўп койиди.

II

Ўша майдонча. Болалар икки тарафда турнадай тизилишиб, «Оқ теракми, кўк терак» ўйнашмоқда.

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Ойбек керак, Ойбек керак!

Ойбек икки-уч қадам тисланиб, кафтига туфлайди, қўлларини бир-бирига ишқаб, гавдасини хиёл олдинга эгади, бетоқатлик билан депсинаётган «рақиблар» томон шиддат билан югуриб кетади. Саф чирт узилади, Ойбек тезлигини тўхтатолмай чўккалаб қолади. Шилинган тиззаси туз сепгандай ачишади. У ирғиб туриб, чапаклар остида енгилган рақибини етаклаб қайтади.

Бир зумлик қий-чувдан сўнг яна қувноқ ҳайқириқ жаранглайди:

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Омон калтача керак!

Сафнинг энг четидаги Омон калтача «барибир ютқизаман» дегандай бир нафас иккиланиб туриб қолади.

— Чопмайсанми?! — қисташади у томондагилар.

— Жонинг борича югур, қўрқма! — далда беришади бу томондагилар.

Калтача сафнинг бўшроқ жойини кўзлаётган бир пайтда у томондаги Турди Аҳмаднинг «Оқ теракми, кўк терак» ўйнашмоқда.

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Ойбек керак, Ойбек керак!

Ойбек икки-уч қадам тисланиб, кафтига туфлайди, қўлларини бир-бирига ишқаб, гавдасини хиёл олдинга эгади, бетоқатлик билан депсинаётган «рақиблар» томон шиддат билан югуриб кетади. Саф чирт узилади, Ойбек тезлигини тўхтатолмай чўккалаб қолади. Шилинган тиззаси туз сепгандай ачишади. У ирғиб туриб, чапаклар остида енгилган рақибини етаклаб қайтади.

Бир зумлик қий-чувдан сўнг яна қувноқ ҳайқириқ жаранглайди:

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Омон калтача керак!

Сафнинг энг четидаги Омон калтача «барибир ютқизаман» дегандай бир нафас иккиланиб туриб қолади.

— Чопмайсанми?! — қисташади у томондагилар.

— Жонинг борича югур, қўрқма! — далда беришади бу томондагилар.

Калтача сафнинг бўшроқ жойини кўзлаётган бир пайтда у томондаги Турди Аҳмаднинг орқасига бир тепади.

— Нимага қўлимни қўйиб юбординг?! Оёғи синай деяптику! — Турди ўзини ўнглагунча, Аҳмад уни йиқитиб, устига миниб олади. Турди додлайди. Болалар уни зўрға ажратишади. Турди «вой, ака, вой, ака»лаб уйига қараб чопади. Зум ўтмай патила-патила сочлари пешонасига тушган, майкасининг кўкрагига каратэчиларнинг расми солинган бир бола — «настоящий хулиган» ҳовлиқиб етиб келади.

— Томошанинг зўри энди бўлади! — ҳаяжонли илжаяди Салим.

«Настоящий хулиган» кела солиб Аҳмаднинг ёқасидан олади. Чалиб йиқитади. Босволиб дўппослайди. Тўполонни томоша қилаётган Ойбек худди мушт ўзининг бошига тегаётгандай қунишиб туради. Аҳмадга ёрдам бергиси келади-ю, юраги дов бермайди.

— Ҳадеб бировнинг ўртасига тушганинг жазоси — шу, — дейди калтакланган Аҳмад йиғлаб уст-бошини қоқаётганида Салим Ойбекка. — Агар гапимга кирмаганингда, сени бундан баттар қиларди.

Юраги ҳар қанча ачиса ҳам

Абдусаид КЎЧИМОВ

ҲОВЛИДАГИ МАЙДОНЧА

ҲИКОЯ



— Бирпас дам олайлик, тоза чарчатдинг-ку!

— Вуй, шунгаям чарчайдими одам? — болакай бир юлқиниб «асир»ликдан қутилади-да, яна қочади. — Ушлолмай-си-лар, ушлолмай-си-лар!

Салим ҳамроҳига муғомбирона илжаяди:

— Ойбек, қувамизми?

— Давай!

Қийқириқ, ушла-ушла... Болакай сира «тутқич» бермайди. «Қуршов»ларни усталик билан «ёриб» ўтади. Майдонча қирғоғидаги бетон ариқчадан сакрамоқчи бўлганида... оёғи тойиб йиқилиб тушади. Юзи ариқчанинг қиррасига бориб урилади. Жон аччиғида йиғлаб юборади. Бурнидан қон оқади. Ранги оқариб кетган Ойбек кела солиб, уни турғизади, юпатмоқчи бўлиб, алланималарни ғўлдирайди, бурнидан оқаётган қонни этаги билан артади. Улардан икки-уч қадам нарида турган Салим бўлса ҳаллослаб келаётган аёлни кўриб қолади. У:

— Ойбек, қоч, аяси келаяпти, ўлдиради! — дейди-да, бурила солиб, ура қочади.

Ойбек ҳадеб ўзини ерга отмоқчи бўлаётган болакайни маҳкам қучоқлаганича, жовдираб, довдираб тураверади.

Дарғазаб аёл ҳай-ҳайлаганча келиб, Ойбекнинг юзига тарсакилаб юборади. Унинг қучоғидан болани юлқиб олади.

— Ким урди? Нимага йиғладинг?

— Ҳалиги... Камол йиқилиб тушувди, турғазаётсам... аяси келиб урди.

— Қайси Камолнинг аяси? Анави ялмоғизми? Ҳе, одам бўлмай кетсин! Болаларнинг ўйинига аралашадими туядай хотин! Шошмай турсин ҳали, эртага бир кўрай уни. Ўзи, ҳамма айб сенгинада. Йиқилса йиқилиб ётавермайдими? Турғазиб нима қиласан?

— Емон йиқилувди-да, бурнидан қонаб кетди. Салим ҳам бор эди. У қочиб қолди.

— Қонаса сенга нима! Қочиб қопти-ку Салимиинг! Иккинчи бировнинг тарафини олма. Агар яна шунақа қилганингни кўрсам...

Она ўғлини хўп койиди.

II

Ўша майдонча. Болалар икки тарафда турнадай тизилишиб, «Оқ теракми, кўк терак» ўйнашмоқда.

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Ойбек керак, Ойбек керак!

Ойбек икки-уч қадам тисланиб, кафтига туфлайди, қўлларини бир-бирига ишқаб, гавдасини хиёл олдинга эгади, бетоқатлик билан депсинаётган «рақиблар» томон шиддат билан югуриб кетади. Саф чирт узилади, Ойбек тезлигини тўхтатолмай чўккалаб қолади. Шилинган тиззаси туз сепгандай ачишади. У ирғиб туриб, чапаклар остида енгилган рақибини етаклаб қайтади.

Бир зумлик қий-чувдан сўнг яна қувноқ ҳайқириқ жаранглайди:

— Оқ теракми, кўк терак,
Биздан сизга ким керак?
— Омон калтача керак!

Сафнинг энг четидаги Омон калтача «барибир ютқизаман» дегандай бир нафас иккиланиб туриб қолади.

— Чопмайсанми?! — қисташади у томондагилар.

— Жонинг борича югур, қўрқма! — далда беришади бу томондагилар.

Калтача сафнинг бўшроқ жойини кўзлаётган бир пайтда у томондаги Турди Аҳмаднинг орқасига бир тепади.

— Нимага қўлимни қўйиб юбординг?! Оёғи синай деяптику! — Турди ўзини ўнглагунча, Аҳмад уни йиқитиб, устига миниб олади. Турди додлайди. Болалар уни зўрға ажратишади. Турди «вой, ака, вой, ака»лаб уйига қараб чопади. Зум ўтмай патила-патила сочлари пешонасига тушган, майкасининг кўкрагига каратэчиларнинг расми солинган бир бола — «настоящий хулиган» ҳовлиқиб етиб келади.

— Томошанинг зўри энди бўлади! — ҳаяжонли илжаяди Салим.

«Настоящий хулиган» кела солиб Аҳмаднинг ёқасидан олади. Чалиб йиқитади. Босволиб дўппослайди. Тўполонни томоша қилаётган Ойбек худди мушт ўзининг бошига тегаётгандай қунишиб туради. Аҳмадга ёрдам бергиси келади-ю, юраги дов бермайди.

— Ҳадеб бировнинг ўртасига тушганинг жазоси — шу, — дейди калтакланган Аҳмад йиғлаб уст-бошини қоқаётганида Салим Ойбекка. — Агар гапимга кирмаганингда, сени бундан баттар қиларди.

Юраги ҳар қанча ачиса ҳам Ойбек калтак ўзига тегмаганидан ичида қувонади. Салимнинг ҳушёрлигига тан беради.

* *
*

— Ойи-чи, бугун зўр уриш бўлди! Настоящий хулиган Аҳмадни роса дўппослади.

— Яна орага тушдингми?!

— Э-э, жинниманми! Текин томоша кўрдим мазза қилиб.


— Баракалла, ана энди эсинг кирибди. Аралашма унақа жанжал-тўполонларга. Ўзингдан бошқа билан ишинг бўлмасин. Она ўғлидан мамнун бўлди.

III

Гупиллаб лайлак қор ёғмоқда. Ўша майдонча. Атрофда мингминглаб капалаклар учиб юргандай. Ялтироқ муз билан қопланган ҳовузчада болалар яхмалак учишаяпти. Икки юзи қизғалдоқдек қип-қизариб кетган Ойбекнинг севинчи ичига сиғмайди. У чопқиллаб келади-ю, муз йўлакда қушдай учади. Ана, у қорни ғарч-ғурч босиб югуриб келаяпти. Муз йўлакка етай деганда... Турди оёғини чалиб юборади. Ойбек чир айланиб бориб, зарб билан ҳовуз деворига урилади. Қувончдан терисига сиғмай кетган Турди қорнини чангаллаб кулади. Аламига чидолмаган Ойбек қандай тургани, Турдининг ёқасига ёпишгани ва қандай қилиб унинг остига тушиб қолганини англолмай қолади.

МАШҲУР АДИБ

ОЛИМЖОН ИБРОҲИМОВ ТУҒИЛГАН КУНГА 100 ЙИЛ ТЎЛДИ



Олимжон Иброҳимов ўзининг машҳур роман ва ҳикоялари, татар адабиёти тарихи, ижтимоий ҳаётга оид асарлари билан мамлакатимиз китобхонларига яхши таниш.

Унинг инқилобга қадар яратган «Ўғри мулло» (1911), «Ёш юраклар» (1912), «Бизнинг кунлар» (1913) каби асарлари буюк озарбойжон сатирик шоири Собир Тоҳирзоданинг «Хўп-хўпнома»си, улуғ татар адиб ва шоирлари Фотиҳ Амирхоннинг «Фатхума ҳазрати», Абдулла Тўқайнинг «Хотинлар ҳуррияти», «Олтинга қарши», «Бир шайхнинг муножоти» асарлари қаторида севиб ўқилар эди.

Адибнинг Октябрь инқилоби таъсирида ёзган «Қизил чечаклар», «Янги одамлар», «Қозоқ қизи», «Теран томирлар» каби ижтимоий ва инқилобий, маиший мавзулардаги роман ва ҳикоялари, «Татарлар орасида инқилобий ҳаракатлар» (1926), «Пролетариат адабиёти тўғрисида», «Қора маёқлар ёки оқ адабиётлар» (1924) каби илмий-танқидий асарлари фақат татар совет адабиёти, унинг ижтимоий эстетик фикр тарихидагина эмас, қардош халқлар адабиёти тарихида ҳам муайян ижобий роль ўйнади. Айниқса, унинг инқилобгача бўлган қозоқларнинг оилавий турмуши ва феодал урф-одатларга қарши кураш олиб борган жасур қозоқ аёллари образини яратган «Қозоқ қизи» (1924), татар совет қишлоқларида эски тузум билан янги турмуш курашлари тасвирланган «Теран томирлар» (1928) сингари асарлари характерлидир. Бу асарлар шу даврда ички Россия — Волга бўйи татар, бошқирд адабиётлари оламидагина эмас, Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Сакен Сайфуллин, Бейимбет Майлин, Берди Кербобоев каби таниқли Ўрта Осиё ва Қозоғистон адабиёти, санъати арбобларига, илм аҳлига жуда яқин ва таниш эди. Абдулла Қодирий Олимжон Иброҳимовни татарларнинг буюк адиби сифатида баҳолаган эди. Олимжон Иброҳимов ҳам ўзбек классик ва совет адабиёти тарихи, унинг ютуқлари билан қизиққан, айниқса, улуғ Алишер Навоийга юксак баҳо бериб, уни фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, умуман совет Шарқи адабиёти тарихида ўйнаган муҳим таъсири ва аҳамиятини таъкидлаб: «Навоий кабилар Туркистонда қанчалик қадрли бўлса... бизда ўз ватанларига қараганда балки муҳим аҳамиятга эга бўлдилар», — деб ёзган эди. Бугина эмас. У Октябрь революциясидан кейин бевосита унинг таъсири билан етиша бошлаган кўплаб татар, бошқирд, қозоқ шоир ва ёзувчилари қатори ўзбек халқи ичида етишаётган Ҳамза, Абдулла Қодирий ижодини ҳам юксак баҳолаган эди.

Олимжон Иброҳимов асарлари Ўзбекистонда кейинчалик ҳам севиб, ардоқлаб ўқила бошланди. Унинг «Қизил чечаклар», «Қозоқ қизи», «Теран томирлар» каби энг яхши асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Олимжон Иброҳимовнинг ҳар бир асари ғоявий-бадиий жиҳатдан ўзига хос. Чунончи, «Бизнинг кунлар» трилогиясининг биринчи китоби (1920)да 1905 йилги биринчи рус революциясидан кейин бевосита унинг таъсири билан татар зиёлилари орасида кўрина бошлаган демократик ҳаракатлар тарихи ёритилади. Бу ҳаракатда қатнашган татар зиёлилари ичида, айниқса, турли қарамақарши фикрлар, тўсиқларга қарамай, доимо халқ томонига ўтишга интилган соф виждонли Давид Ўрмонов каби айрим татар зиёлилари образлари алоҳида бўртиб туради. Лекин романда Зариф Бўлатов сингари революционерлар образлари бироз сояда қолиб кетади. Ёзувчи бу бир томонликлардан «Яқин кишилар» (1920) пьесаси ва «Қизил чечаклар» ҳикояси (1922) ҳамда «Қозоқ қизи» (1924) романларида қутула боради. Айниқса, «Қозоқ қизи» романида ёзувчи Октябрдан бурунги Қозоғистон чўл ва яйловларидаги патриархал-феодал ҳаёт, қабиларчилик урф-одатларини ўзига хос реалистик бўёқларда тасвирлайди. Қозоқ халқининг ўша даврда яшаш шароитлари, урф-одатлари, психологиясини чуқур очади. Асарнинг бош қаҳрамонларидан Қарлиғоч Сулув ўз эрки ва Чўлпонга бўлган соф муҳаббати йўлида эски урф-одатларга қарши жасорат билан курашади. У эски феодал урф-одатлар, шариат йўллари ва тартиблари ман қилган йўлга қарши боради. Маҳаллий ва чор амалдорлари томонидан Сибирга ҳукм қилинган севган йигити ва отаси билан Сибирга жўнашга қарор қилиб, ўз муҳаббати йўлида ҳар қандай қийинчилик ва азоб-уқубатларга чидашга рози бўлади. Бундай қалбан гўзал кишилар тасвирланган мазкур китоби, шунингдек, адибнинг бошқа асарлари фақат татар, бошқирд совет адабиёти тараққиётигагина эмас, қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз романчилиги ривожига ҳам муайян ижобий таъсирини кўрсатди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам 100 йиллик юбилейи нишонланаётган машҳур татар инқилобий адиби ва олими Олимжон Иброҳимов номини самимий меҳр-муҳаббат ва интернационал қардошлик туйғуси билан эсламоқда, унинг энг яхши асарларидан бадиий завқ олмоқда.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидати



Самарқанд сув иншоотлари қурилиш трестининг Нуритдин Саматов бошлиқ бригадаси коллективи ўтган йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби деган шарафли номга лойиқ деб топилди. Суратда: бригада аъзолари.

В. Мосин фотоси

Устига миниб олган Турди пишиллаб унинг юз-кўзига уради, тиззаси Ойбекнинг қорнига қозиқдай ботади. «Ерга қараб олмасам, ҳозир қорнимни тешиб юборади бу хомсемиз». У кучана-кучана қорга кўкси билан ётиб олишга муваффақ бўлади. Ғалабадан руҳланган Турди унинг бошига қор ишқайди, ёқасидан қор тиқади. Ойбек Турдининг остида илондай тўлғонади, чиқиб кетмоқчи бўлади. Унинг ожизона уринишларидан завқланган болалар бир-бирини турткилаб хо-холаб кулишади. «Биттасиям ажратайлик демайди-я» — Ойбекнинг ёмон хўрлиги келади...

* * *

— Ким билан ёқалашдинг? Пальтонгни ким йиртди деяпман сенга?!

— Тур... Турди урди.

— Урди?! Нега ураркан? Ҳеч ким билан жанжаллашма демовмидим сенга!

— Ўзи бошлади. Ўйнаётувдик, чалиб йиқитди. Ишонмасангиз, болалардан сўранг, бариси кўриб турувди.

— Кўриб турувди?! Кўриб туриб индамай томоша қип ўтирдими? Ажратиб қўяйлик деган гап чиқмадими биронтасидан?

— ...

— Чиқмайди, чиқмайдиям! Бола эмас булар. Иккитасини муштлаштириб қўйиб, томоша қилиш бўлса уларга. Е тавба! Е тавбангдан! Нега бунча беоқибат бўлиб ўсаяпти-я бу болалар!

Она ҳайратдан ёқа ушлади...

АДАБИЙ ТАНҚИД

НАВҚИРОН НАСР

КПСС Марказий Комитетининг Январь пленуми янги инсонни камол топтиришда бадиий адабиётнинг ролини янада оширишга алоҳида эътибор берди. 27 февраль куни республикамиз ёзувчиларининг «Адабиётлар қардошлиги — ёшлар ҳамдўстлиги» мавзуида бўлиб ўтган пленуми ҳам ана шу руҳда ўтди. Пленумда ёшларга юкланган ғоятда масъулиятли, яъни «кўзбўямачилик, манманлик касалини келтириб чиқарадиган микробларни ўз вақтида даф қилиш вазифаси» қандай бажарилаётганлиги устида алоҳида тўхталинди. Чунки, ахлоқий-эстетик тарбия шахсни ҳар томонлама камол топтиришдек муҳим ишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Инсонийликнинг энг юксак фазилатларини ўзида мужассамлаштирган ахлоқан етук кишини тарбиялаб етиштиришда бадиий адабиёт партиямизнинг энг яқин ёрдамчисидир. Ҳаётнинг барча жабҳаларида қайта қуриш ва жадаллаштириш кенг ёйилаётган бир пайтда, янгиланиш руҳидаги асарлар инсон ҳаётида, совет кишиси дунёқарашининг шаклланишида, ахлоқий-эстетик жиҳатдан камолотга эришувида жуда катта аҳамият касб этаяпти.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, адабиётнинг асосий объекти инсон омили масаласидир. Инсон ҳаётини, унинг ижтимоий муҳит билан бўлган ўзаро муносабатини акс эттирар экан, табиийки, адабиёт жамиятдаги мураккаб ахлоқий-эстетик жараённи ўз доирасига қамраб олади. Шундай экан, у ҳаётдаги турли характерлар, улардаги конфликтларни очиш жараёнида адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик, яхшилик ва ёмонлик каби ахлоқий-эстетик масалаларни илгари суради.

Ёзувчи томонидан инсон характерининг у ёки бу томонига берилган эстетик баҳо ахлоқий баҳо билан узвий боғлиқдир. Бу боғлиқликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, инсон ва инсоний муносабатларнинг гўзаллиги унинг ахлоқий камолоти даражасига тўғридан-тўғри алоқадорлигида.

Бадиий адабиётда бадиий образлар системаси орқали маълум бир ғоя илгари сурилади. Адабиётнинг ахлоқий-эстетик кучи ҳам мана шу бадиий образларнинг мавжудлигидадир. Бадиий образларда кишининг онги, психикаси, характерида юз бераётган янги сифатлар бадиий бўёқларда тасвирланади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, агар бадиий образ юксак даражада бўлса-да, у инсоннинг ички маънавий эътиқодига айланмаса, мавҳумлигича қолади, тарбиявий аҳамияти бўлмайди. Қачонки, инсон бадиий образнинг ахлоқий-эстетик кучига тўла ишонч ҳосил этсагина, ўз маънавий-ижтимоий ҳаётида ундан ўрнак олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўз қаҳрамонини реал турмушдан олишга интилади. Агар образ ҳаёт ҳақиқатига жуда яқин бўлса, унда замонавийлик руҳи барқ уриб турса ва инсонийликнинг юксак фазилатларини ўзида мужассамлаштирсагина, ҳақиқий ахлоқий қимматга эга, дейиш мумкин.

Бадиий асарнинг ютуғи ва тарбиявий аҳамияти аввало инсон маънавий-руҳий оламини, психологиясини кашф этишдадир. Бу хислат, айниқса, ёшлар прозасида яққол сезилмоқда.

Бинобарин, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Истеъфо» асари бугунги кунимизнинг актуал масалаларидан бўлган раҳбарнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ҳақидадир. Асарнинг бош қаҳрамони янглиш туфайли раҳбарлик лавозимини эгаллаган, «камчиликларни ёпишга уриниш муҳитида «туғилган» Эломоновдир. Ёзувчи бу асарни яратар экан, асосий фикрни аввало раҳбарнинг ахлоқ-одоби ва унинг коллектив билан бўлган муносабатига қаратади. Ёзувчи тили билан айтганда: «Бу қисса собиқ раҳбар ҳақида. Унинг қаҳрамони аслида ҳалол, эзгу ниятли одам. Лекин унда чинакам раҳбарга хос, зийраклик ва қатъият етишмайди. Унинг кўнгилчанлиги-ю, маълум даражада лоқайдлигидан айрим сафсатабоз, қўли эгри одамлар фойдаланади. Қисса қаҳрамони кимларга ҳомийлик қилганлигини кечикиброқ бўлсада, тушунади. Мен учун худди шу нарса муҳим».

Эломонов ўттиз йил назорат идораларида раҳбарлик қилади. Шу давр мобайнида танишбилишчилик иллати қон-қонига сингиб кетади. У ўз фаолияти давомида фақат таниш-билишларининг илтимосларини бажариб келган. Унинг бошқалар учун эзгу бўлиб кўринадиган асосий фазилати ҳам шу. Бу иллат унинг онгини бутунлай заҳарлайди. Шунинг учун ҳам Эломонов ҳаётдаги асл ҳақиқатнинг фарқига бормайди. Четдан келган одам унга қанча жон куйдириб ҳақиқатни сўзламасин, заррача ишонмайди. Агар шикоят қилаётган одам қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг гапига эътибор бермайди, ўйлаб ҳам кўрмайди. Чунки у ўз «қўл ости»даги одамларга беҳад ишонади. Уларнинг гаплари ҳақиқатлигига заррача шубҳа қилмайди. Чунки улар ўз одамлари-да! Шикоят қилаётган одам эса бегона. Шу сабабли ўта фирибгар, қаллоб, кўзбўямачи Қўшшаев ва унга ўхшаганлар Эломоновни осонгина қўлга оладилар ва ҳатто бундан лаззатланиб, лақиллатиб юрадилар. Улар катта-катта пора оладилар, халқ мулкини талон-торож қиладилар ва яна ҳеч нарса билмагандай юраверадилар. Эломонов ўз лоқайдлиги, бепарволиги билан уларга жуда қулай шароит яратиб беради. Шу боисдан у бошқалар билан бўлган муносабатида ҳам самимий йўл тутолмайди. Қосимахон оғир турмуш шароитига тушиб қолиб, квартира олиш мақсадида Эломоновга «ялинади», ҳаттоки ўзини таклиф қилишдан ҳам тортинмайди. Эломонов Қосимахон нега шу аҳволга тушганлигини, бунга кимлар айбдор эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Лекин таниш-билишчилик қилиб, Қосимахонга бир ой ичида квартира тўғрилаб беради. Қосимахонга эса, «тегмади». Сўнг тегмаганлигидан хурсанд бўлиб юрди: «бизда ҳам инсоф бор экан деб». У ўзини жуда инсофли деб ўйлайди, чунки Эломонов партия ва халқ ишониб топширган вазифа — жамиятга, одамларга хизмат қилиш кераклигини аллақачон унутиб қўйган. Эломонов «катта ишдан» кетиш ҳақида икки марта ариза беради. Гарчи бу аризалар ихтиёрий тарзда ёзилган бўлса-да, унинг асл мақсади бошқа эканлигини китобхон бутун вужуди билан ҳис қилади.

Ёзувчи амалпарастлик, кўзбўямачилик авж олган салбий муҳит моҳиятини Эломонов ва унинг хотини Бинафшахон ўртасидаги муносабатда жуда яққол ифодалайди. Бинафшахон эрини фақат «катта амали» учун ҳурмат қилади. Амал қўлдан кетгач, хотиннинг ҳурмати ҳам кетади. Бинафшахон эрининг эътиқодсиз эканлигини чуқур ҳис қилади, ундан ғижинади, ғаши келади.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг ушбу асари давримизнинг долзарб муаммоларини, воқеликни илғор дунёқараш билан идрок этиш ёзувчиларимизнинг ижтимоий ва гражданлик бурчи эканлигини яна бир бор эслатди.

Воқеликка янгича муносабатда бўлиш, уни янада чуқурроқ англаш Тоҳир Маликнинг «Чархпалак» қиссасида ўз ифодасини топган. Қиссада жамиятимизнинг энг долзарб масалаларидан бири пахтачилик соҳасида юз бериб келган камчиликлар, хатолар, жиноятлар рўй-рост очиб ташланган. Бу иллатларнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий илдизлари асар қаҳрамонлари Тўхтамиш ва Комил образларида кенг ёритилган. Тўхтамиш ва Комил бир-бирига бутунлай қарама-қарши, турмуш тарзи ҳам, яшаш шароити ҳам ўзгача икки тип. Бири (Тўхтамиш) — худбин, ёшлигиданоқ ўзини бошқалардан устун қўйишга интилган, ўз мақсади йўлида ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган, хушомадгўй одам. У фақат ўзи ва ўз манфаати учун хизмат қилади. Чунки Тўхтамиш республикамиз ҳаётида пораҳўрлик, қўшиб ёзишлар, таниш-билишчилик кенг томир ёйган ва кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ленинча принципи қўпол равишда бузилган, танқид ва ўзўзини танқид бутунлай йўққа чиқарилган — ЎзКП Марказий Комитетининг XVI Пленуми фош этган салбий муҳитнинг вакили. Бу муҳит унинг характеридаги салбий иллатларнинг янада кенгроқ илдиз отишига, хушомадгўйлик, ясама ишбилармонлик билан совхоз директори лавозимига кўтарилишига кенг йўл очиб беради. Бу йўлда у ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Олий мактабни «бир амаллаб» битириб чиққан Тўхтамишнинг раҳбарлик лавозимини эгаллашига уни қўллаб-қувватлаб турган носоғлом ижтимоий муҳит вакиллари кўмаклашадилар.

Пул ва бойлик орттириш, айш-ишрат суришни ҳаётида асосий мақсад қилиб олган Тўхтамиш ўз ниятларини амалга оширишда илмий-тадқиқот институтида ишлаётган Комилдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Унга «пора-мукофотлар» беради. Лекин Комил бойликка учмайди. У ҳалол, ростгўй, виждонан пок бўлгани учун ҳам ҳақиқатни очишга ҳаракат қилади. Лекин бу ишни амалга оширолмай, Тўхтамиш тузоғида ҳалок бўлади. Тўхтамишнинг барча кирдикорларини ва у яшаб турган чиркин муҳитни Комилнинг турмуш ўртоғи Мавлуда фош этади.

«Партиямиз бошлаб берган қайта қуриш,— деб таъкидланди республикамиз Ёзувчилар союзининг пленумида, — энг аввало ижтимоий онгни қайта қуриш демакдир. Бу эса ёзувчиларимиз зиммасига жуда катта масъулият юклайди». Юқорида номлари зикр этилган асарлар адабиётимизнинг қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида танқидий руҳ янада кучаяётганидан, бунинг натижасида инсоннинг ахлоқий ва эстетик онги янада камол топаётганидан далолат беради.

Мукаррам НУРМАТОВА

РОМАН НАШРИДАГИ ҚУСУРЛАР

Ойбек халқ фарзанди эди. Дарҳақиқат, у она халқининг доимий дастёри сифатида тинмай меҳнат қилди. Улуғ мақсадларни кўзлаб ғайрат ва илҳом билан самарали қалам сурди. Ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Ойбек ижоди 20 жилдлик асарлар мажмуасининг нашр этилиши фикримизнинг ёрқин далили. Бу ўзбек социалистик маданиятимизнинг ютуқларидан биридир.

Бу нашрнинг аҳамияти ҳам улкан. Ойбек ижодининг мухлисларидан бири сифатида, мазкур нашрнинг салмоғини қониқиш билан қайд этган ҳолда, жилдларнинг нашрга тайёрланиш савияси бирдай эмаслигини, ҳар бир жилд охирида берилган изоҳлар баёнида ягона принципнинг қатъийлашмаганини таъкидламоқчиман. Худди шу нуқтаи назардан ушбу нашрнинг VI жилди — «Навоий» романи ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

«Навоий» романи — Ойбекда илм ва истеъдоднинг мукаммаллигини ҳар томонлама намоён этган, адабиётимизнинг Бутуниттифоқ ва жаҳон миқёсида довруғини таратган асар. Адиб беш асрлик масофани қалб ва қалам, тафаккур ва шуур йўли билан босиб ўтиб, воқеликнинг ғоят табиий тасвирини юзага келтириб, ўтмишни давримизга хизмат қилдирди. Воқеликни ёрқин ифодалаш учун нутқий деталларга ҳам алоҳида эътибор берди, ҳозир эскирган ёки унутилган, ўша вақтда фаол қўлланган сўзларга тасвирда руҳ бахш этди. Бу эса, Ойбекка табиат инъом этган беқиёс истеъдод замирида адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, иқтисодчи, файласуф, ўрни билан этнографга хос чуқур билим, ёлқинли тафаккур, кенг хаёлот ва синчковлик мужассамлигини намоён этади. Шунга кўра, «Навоий» романи нашри синчковлик, билимдонлик, эҳтиёткорлик билан бирга катта масъулият ҳам талаб қилади. Шу мақсадда романнинг қўлёзма ва нашр нусхалари қиёсланган, уларнинг фарқли ўринлари вариантлар ва изоҳларда таъкидланган. VI жилд учун асос қилиб олинган 1957 йил нашри матнида учрайдиган баъзи матбаа хатолари тузатилган.

Лекин романнинг кейинги нашрида шундай ғализликлар ҳам содир бўлганки, улар асарнинг эстетик қимматига манфий таъсир кўрсатадиган даражада бўлгани учун мулоҳаза юритишни тақозо этади. Бундай ғализликларни етти гуруҳга бўлиб қарадик: 1. Сўзларнинг мазмунан ғализлашганлиги. 2. Классик шоирлардан нотўғри кўчиришлар. 3. Исмларни бузиб ёзишлар. 4. Имловий чалкашликлар. 5. Изоҳнинг саёзлиги, унда қайтариқларга йўл қўйилганлиги. 6. Олдинги нашрга механик тарзда эргашиш. 7. Тиниш белгиларини қўллашдаги камчиликлар.

Академик нашр саҳифалари бўйлаб кузатамиз: «Биноларнинг «расм қушодини ўтказиш...» (259-бет). Бу кўчирмадаги «қушод» қандай сўз?

Романнинг 1957 йилги нашрида ўқиймиз: «Лутфий бир неча ғазалларини ёддан ўқийди» (282-бет). Ҳақиқатан ҳам ёш Алишер мавлоно Лутфий билан дастлаб учрашганда, улуғ шоир бир неча ғазалларини ёддан ўқийди. Лекин кейинги нашрда жумланинг охиридаги феъл «ўқитди» бўлиб кетган (278-бет). Бу, албатта, воқеанинг йўналишига ҳам, текст мазмунининг аниқ ифодасига ҳам халал берган.

1957 йил нашрида ўқиймиз: «...унинг ҳасратида ўртанган...» (291-бет). 1976 йил нашрининг 287-бетида юқоридаги кўчирманинг охиридаги сўз «ўрганган» шаклида нотўғри берилганлиги натижасида текстнинг мазмуни мантиқдан маҳрум бўлиб қолган.

Академик нашрда ўқиймиз: «Муҳтарам уламо, фузалоларимиз орасида бу каби гина-қудрат ва адоватнинг бўлиши ғоят музир воқеадир» (300-бет). Ваҳолонки, асос нашрнинг 303-бетида «гина-кудурат» деб тўғри ёзилган. Қуйидаги «кашфиёт»га ҳам бир назар ташлайлик: «Умуман тиб илми ва жароҳатларнинг санъати ҳақида жуда мароқли суҳбат бошланди» (167-бет). Нашрга тайёрловчилар масъулиятсизлиги оқибатида «хирург» маъносидаги «жарроҳ» сўзи «жароҳат»га айланиб қолган. Ахир, жароҳатнинг ҳам санъати бўладими?

Асос нашрда ўқиймиз: «Ишни даставвал нимадан бошлашни ўйладим» (233-бет). Академик нашрда эса жумладаги «ишни» сўзи «ишчи» тарзида ёзилган (231-бет). Оқибатда текстнинг мазмуни бузилиб, ноаниқлик юзага келган. Кейинги нашрда «калавланмоқ» сўзи бир неча хилда, мазмунан бузиб берилган. Масалан: «Хўш, яна не гаплар бор? — бир қўли билан олма оғочига суяниб, калковланиб сўради Маждиддин» (181-бет). Аввало тилимизда бундай сўз йўқ. «Калков» деган сўз бор, лекин у сифат бўлиб келиб, белги ифодалаш билан чекланади: шохи ўрнида озгина бўртмаси бўлган эчкини калков эчки дейишади. Аммо бу сўз одамга нисбатан қўлланмайди. Одатда калавланиш нима сабабдан бўлишидан қатъи назар, ё тилнинг тутилишини ёки оёқнинг чалкашишини англатади. Тўғонбекнинг олдига чиққан Маждиддин эса мастлиги туфайли ҳам дудукланаяпти, ҳам оёғи чалкашаяпти. Шунинг учун ҳам романнинг 1957 йил нашрида бу сўз «калавланиб» тарзида тўғри берилган (180-бет). Худди шу сўзнинг яна бошқача берилганига назар ташлайлик: «...бошига етган балони англаб, калаваланиб ўрнидан турди, қўлларини кўксига қўйиб, қалтираб, ўз душманига тикилди» (1976, 104-бет). Халқ тилида «калаванинг учини йўқотиб қўйиш» ибораси мавжуд. Лекин у мутлақо бошқа тушунчани англатади. Йигирилган ипни чийратиш билан боғлиқ «калава» сўзи ҳам борки, унинг бу ерда ўрни йўқ. Шунинг учун романнинг 1957 йил нашрида бу сўз «калавланиб» тарзида тўғри берилган (101-бет).

Академик нашрда ўқиймиз: «...қамчи билан сўкдим...» (106-бет). Жумланинг мазмуни кўрсатиб турибдики, бу ерда сўкиш эмас, балки уриш — сўқиш ҳақида гап бораётир. Яна: «...ғалати оғоз билан нимадир қиқириб



Ширин хаёллар оғушида. Г. Алиев фотоси

қўйди» (113-бет). Жумланинг мазмунидан бу ноаниқ сўзнинг «овоз» эканлиги англашилаяпти. «...орқада қудратли доналар борки, қазо ва қадар сингари беомондирлар» (293-бет). Текстдан англашилишича, «қазо» билан боғланиб, уни кучайтириб келаётган сўз қадар эмас, балки асос нашрида ёзилганидек қадардир. «...рубъи маскуннинг қайси нуқтасини орзу этсангиз, у ерга қадар орқангиздан кузатиб борамиз...» (420-бет). Бу текстда нуқта — нуктадонлик ҳақида гап бораётгани йўқ, балки ер юзининг бирор нуқтаси — бурчаги ҳақида гап юритилаяпти. Демак, текстдаги сўз нукта эмас, нуқталиги, «Сарв ойининг булутлари» (210-бет) жумласидаги «сарв» сўзи «савр» эканлиги аниқ.

Бундай мазмунга халал берган, сўзлар мазмунини бузган яна талай мисолларни келтириш мумкин. Лекин юқоридаги далилларнинг ўзиёқ «Навоий» романи академик нашри матнини тайёрлашда масъулият туйғуси бирмунча юзаки бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Романнинг 1976 йил нашрида ўтмиш шоирларимиздан келтирилган парчалар анчагина ўринда бузиб кўчирилган. Масалан, академик нашрнинг 120-бетида Навоий ғазалида бир сўз «васлингден» деб берилган. Асос нашрнинг 117-бетида бу сўз «васлингдин» деб тўғри кўчирилган. Академик нашрнинг 376-бетида Навоий ғазалининг бир байти қуйидагича:

Ҳаробот аро кирдим ошифта ҳол,
Май истарча илгимда синган сафол.

Романнинг 1957 йил нашри бу қусурдан соқит. 383-бетда «ҳаробот», «истарга» деб тўғри ёзилган.

1976 йил нашрининг 443-бетида бир форсча байтнинг иккинчи мисраси «Ки одами чи кунанд» деб берилган. Бу ердаги номувофиқлик шундаки, гапнинг эгаси бирликда-ю кесими кўпликда. Аслида эса, форс тилида эга ва кесимнинг ҳар иккиси ё бирликда ёки кўпликда келиши ўзига хос қонуният ҳисобланади. Шунинг учун юқоридаги мисрадаги феъл «кунанд» эмас, «кунад» бўлиши лозим эди. 1957 йил нашрининг 452-бетида бу феъл ҳақиқатан ҳам «кунад» шаклида тўғри келтирилган.

Академик нашрнинг 117-бетида Ҳофизнинг бир байти қуйидагича:

Агар он турки Шерозий бадаст орад дили моро,
Баҳоли ҳиндуяш бахшам
Самарқанду Бухоро. (?)

Бу ерда, биринчидан, «баҳоли» сўзининг «баҳоли» тарзида берилиши мазмунга халал етказган. Иккинчидан, «Бухоро» сўзи таркибида келувчи — «ро» қўшимчасининг туширилиб қолдирилгани ҳам мазмунда, ҳам шаклда ғализликни юзага келтирган. «Ро»нинг ташлаб кетилганлиги ҳижода бир бўғин камайтириб қўяди. Аруз қонунияти нуқтаи назаридан бу жиддий қусур ҳисобланади.

Тилимизда шундай сўзлар борки, улар баъзан талаффузда яқиндай туюлса ҳам, лекин мазмунан бир-биридан фарқ қилади. «Аро» ва «оро» сўзлари худди шундай сўзлардан. Чунки «оро» сўзи зеб, сайқал, зийнат, оҳор каби маъноларда қўлланади. «Аро» эса анъанавий тусга кириб қолган бўлиб, оралиқ тушунчасига алоқадор. 1976 йил нашрининг 174-бетида Навоий ғазалидан бир сўз «оро» деб берилган. Шу ғазалнинг 120-бетдаги тўлиқ текстида бу сўз «аро» деб ишлатилган. 1957 йил нашрида ҳар икки ўринда (117-, 173-бетларда) ҳам бу сўз «оро» тарзида бир хил қўлланилган.

Академик нашрнинг 158-бетида Навоий ғазалидан келтирилган кўчирмада бир сўз «чоқ» деб кўчирилган. Масалан: яқом чоқ. Мазмуннинг талабига кўра, бу ерда «чоқ» эмас, «чок» бўлиши керак эди. Зеро, асос нашрнинг 156-бетида бу сўз ҳақиқатан ҳам «чок».

Бу далиллардан кўринаяптики, академик нашрда қоғоз нафис, ҳарфлар бежирим, муқова зарҳалланган бўлса ҳам, мазмунни ифода қилувчи асосий текстда имловий ғализликлар кўп.

Шахсларнинг исмини тўғри бера билиш нашрда ўзига хос аҳамиятга эга. Лекин негадир «Навоий» романининг 1976 йилги нашрида бу борада ҳам ғализликлар анчагина. Масалан: романнинг 26—27-бетларида Абдусаид Мирзо худди шу кўринишда 4 марта такрорланган. 318-бетга келиб эса Абду Саид Мирзо тарзида берилган. 711-бетда Абу Саид Мирзо. Битта шахснинг исми роман текстида 3 хил кўринишда ишлатилаяпти.

Алишер Навоийга дарс берган самарқандлик олимнинг исми мукаммал деб аталган нашрнинг 26—40-бетларида Хўжа Фазлулло Абуллайс; 712-бетида Хожа Фазлулло Абу Лайс, 718-бетида Фазлулло Абулайсий, Фазлулло Абулайс тарзида 4 хил кўринишда учрайди. Абдураҳмон Жомийнинг мураббийларидан бўлган шахснинг исми 172-ва 717-бетларда Саъдиддин Қошғарий, 375-бетда Саъдидин Кошғарий. 1957 йил нашрининг 352-бетида Пир Муаммоий, мукаммал нашрда эса Пир Муаммоний (347-бет). Асос нашрда Мир Мумтоз деб берилган исм мукаммал нашрда гоҳ Мир Миртоз (22-, 166-, 716-бетлар), гоҳ Мир Мумтоз (382-, 383-бетлар) тарзида ёзилган. Мирзойи Кичик 47-бетда Мирзойи Кичкина, 716-бетда Мирзойи кичик тарзида ёзилган.

Бу Ойбекдек улуғ адибимизнинг «Навоий»дек буюк романи саҳифасида «нашрга тайёрловчи» деб ўз исмини муҳрлашни истаган кишиларнинг ўта масъулиятсизлигидан бошқа нарса эмас.

Имловий чалкашликлар, сўзни бир неча кўринишда ёзишлар, мазмунни ғализлаштирган ҳолатлар мукаммал нашр текстида сероб. Ҳатто бўғин кўчиришдаги хатолар, қаратқич ва тушум келишиклари қўшимчалари ўрнини алмаштириб қўллаш каби қусурлар романнинг бадиий текстидагина эмас, ноширлар тузган «Изоҳлар»да ҳам биноийигина бор. Мана шуларнинг айримлари: «Соқий... лим-лим қўя бошлади» (179-бет). «Қўя бошлади»ми, «қуя бошлади»ми? Текстдан англашилишича, қўйиш эмас, балки қуйиш ҳақида гап бораётир. 1957 йил нашрида ҳам «қуйиш» (178-бет).

Анчагина сўз бир кўринишда, масалан: «рубоий» ва «рубои» (295-бет), «ифрот» ва «ифрат» (92- ва 222-бет), «мусиқий» ва «мусиқи» (201- ва 202-бетлар), «сақол» ва «соқол» (312- ва 348-бет), «ҳангама» ва «хангама» (314- ва 319-бет), «мажусий» ва «мажуси» (300- ва 310-бет), «раъй» ва «рай» (82- ва 84-бет) берилган. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Булар орасида баъзан мазмунга жиддий таъсир кўрсатувчи хатолар ҳам учрайди. «Шоҳ» ва «шох», «ҳар» ва «хар» сўзларининг ёзилишида ана шундай ғализликлар мавжуд. Кўпгина ҳолларда олдинги нашрга танқидий муносабатда бўлмасдан, кўр-кўрона эргашишнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1957 йил нашрининг 76-бетида «... жиловлари оёқларига ўрашган...» деган жумла бор. Кўчирмадаги охирги сўз, мазмуннинг англатишича, ўралган бўлиши керак. Еки: асос нашрнинг 198-бетида «...не қилайлик» сўзлари ёзилгач, сатр охирига етиб, унинг таркибида бўлган «ки» элементи навбатдаги сатрга ўтказилган. Мукаммал нашрда эса, бу сўзлар сатрнинг ўртасида келган бўлса ҳам, ноширлар уни гўё махсус белги тарзида қабул қилиб «не қилайлик-ки» (198-бет) тарзида ёзишган. Ажаб, академик нашр матнини тайёрловчилар бўғин кўчиришдаги оддий чизиқчани, наҳотки, фаҳмлай олмасалар?!

«Мукаммал асарлар тўплами»нинг ҳамма жилди изоҳлар билан таъминланган, «Навоий» романи изоҳи ниҳоятда меҳнатталаб эканлиги ўз-ўзидан аниқ. Аммо бутун матндаги масъулиятсизлик бу ерда ҳам кўриниб турибди. Бир неча ҳолатга эътибор берайлик. 716-бетда Муслиҳиддин Саъдийнинг ҳаёт саналари 1184—1211 деб кўрсатилган. Худди шу ернинг ўзида шоир 1255 йилда Шерозга қайтиб келиши, 1257 йилда «Бўстон», 1258 йилда «Гулистон» асарларини яратганлиги ҳақида сўз юритилади. Мўътабар манбадаги «ўйлаб топ» қабилида айтилаётган бу гапларни қандай тушунмоқ керак?

717-бетда Саид Ҳасан Ардашерга берилган изоҳда ўқиймиз: «Навоийдан ёши анча катта бўлса ҳам, Навоий бу кишини ўзининг иккинчи отаси деб ҳисобларган». Бу жумлани қандай тушунмоқ керак? Ёши ўзидан катта кишини ота демасдан, тенгдошини ота дейиши керакми?

Бир қанча изоҳ-мақолаларда айнан такрорларга йўл қўйилган. Масалан, Абулқосим Бобир ва Ҳусайн Бойқаро тўғрисидаги изоҳларда бир неча жумла айнан такрорланган. Шахслар изоҳи кўпгина ҳолларда изоҳ эмас, балки уларнинг таржимаи ҳолини узуқ-юлуқ ҳолда сўзлаб беришдан иборат бўлиб қолган. Мисол учун Ҳусайн Бойқаро тўғрисидаги изоҳга назар ташлайлик. Бунда Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни эгаллагунга қадар бўлган таржимаи ҳоли баён этилган. Шу билан изоҳ тамом. Ваҳолонки, унинг шоҳ ва шахс сифатидаги хусусияти тавсифланиб, ҳаёти ва фаолиятидаги баъзи муҳим деталлар келтирилиши керак эди. Ахир, унинг фаолияти Ҳирот тахтига ўтирганидан кейин кенг равишда намоён бўлди-ку!

«Изоҳлар»да бир қанча сўз, терминларни нотўғри талқин этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, «Мадраса — мусулмон шарқидаги диний олий ўқув юртларининг номи» (715-бет). Наҳотки, шундай бўлса?! Агар шундай бўлса, Улуғбек ва Навоий қаерда таълим-тақсил олган? Булардан олдин ва кейин ўтган улуғ сиймоларимиз-чи?

715-бетда ўқиймиз: «Ироқ — Шарқдаги қадимий шаҳарлардан бирининг номи». 718-бетда эса қуйидаги изоҳни ўқиймиз: «Учмоқ — жаннат». Ҳар икки талқин ҳам ғализ: бирида мамлакат билан шаҳар алмаштирилган. Иккинчи изоҳланган сўз «учмоқ» эмас, балки «учмох». Ҳа, изоҳларнинг ўзи мана шу тарзда қайта изоҳга муҳтож!

«Навоий» романи нашридаги хатоларнинг бир қисми ҳақида сўз юритдик. Аммо шуларнинг ўзи ҳам кишини афсуслантиради, ачинтиради, турли мулоҳазаларга ундайди: фанимиз штаби бўлмиш Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида «Навоий» матнини нашрга тайёрлаш учун масъулиятни теран ҳис қиладиган мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ эди! Ушбу томни нашрга тайёрлашда ёрдам кўрсатганлиги учун «Институтдан» деб берилган кириш мақолада бир олимни «филология фанлари фахтори» тарзида ёзиш ҳам ноширлар масъулиятининг қай даражада эканлигидан далолат...

Бизни ташвишлантираётган яна бир муҳим ҳолат бор: сиртдан қараганда, бу нашр — мўътабар манба. Шунинг учун роман бир қанча қардош ва чет тилларга шу нашрдан таржима қилиниши мумкин. Унда ноширларнинг масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган қусурлар адиб қалби ва қалами зарбидаги норавонлик бўлиб қола бериши ҳеч гап эмас. Ахир, унда ким бошқа ўлкаларга бориб: «Йўқ, бу адибнинг эмас, ноширлар тафаккурининг ожизлиги» деб таржимон ва китобхонларни огоҳлантиради?

Ноширлар китоб ва китобхоннинг матнни нашрга тайёрлашда улуғ Навоийнинг уқаси Дарвешалига айтган қуйидаги сўзларига кўзлари тушгандир:

«...Дарвешали, кўнглингиз ҳар чоғ эл муҳаббати билан лаболаб тўлсин, ҳар ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва заруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг...» (41-бет). Ойбек тафаккурининг маҳсули сифатида Навоий нутқидан қуйилган бу пурҳикмат сўзлар роман ноширларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Қаршибой САМАДОВ,
филология фанлари кандидати

Қадрдонлар

«Наманган — Бордимкўл» автобуси қишлоқ марказига келиб тўхтади. Йўловчилар орасидан фақат бир кишигина атрофга ҳайрон қараб қолди. Арикдан сув тараётган Обиджон ота Тошбоев нотаниш киши томон пешвоз юрди.

— Кимникига келаяпсиз, меҳмон? — деди у кетмонини қўйиб. Қотма, мўйловдор киши унга яқинлашаркан:

— Қозоқжонникига, танисангиз керак? — деди.

— Бўлмасам-чи, болаликдан бирга ўсиб, ҳамиша бир-биримизни йўқлашга одатланганмиз. Юринг, кўриб боши осмонга етади. Сизни танимай турибман, қаердансиз?

— Учқўрғон районидан.

— Ие, қайқилик Иномжонмисиз, пахта тозалаш заводида ишлайсиз-а?

— Қаердан биласиз?

— Қозоқжон айтган. Косонсой санаторийсида бирга даволанибсизлар. Сиз ҳақингизда кўп яхши гаплар эшитдик. Ўзимиз ҳам йўқлаб бориш ниятида эдик.

— Жуда соз, ҳали ҳам кеч эмас.

— Тўғри айтасиз, юрган дарё экан. Ўша ёқларни бориб кўрсак, зап иш бўларди-да. Ўтган ой темирчи уста Нажмиддин: «Мен Ҳамза ҳақидаги янги китобни ўқиб чиқдим. У кишининг биз билмаган ишлари кўп экан. Шоир юрган йўлларни кезмаймизми?» деб қолди. Бу таклифга Нуриддин ҳам, Юнусали ҳам бажонидил қўшилишди. Нажмиддиннинг «Москвич»ига ўтириб, Водилни, Ҳамзаободни сайр қилиб қайтдик. Янги дўстлар орттирдик.

Қозоқжон Ҳакимовнинг уйи қариялар билан тўлди. Ҳамқишлоқларнинг ҳамжиҳатлиги Иномжон ота кўнглини шод этди. Атиги бир кунга келган меҳмонга уч кунгача рухсат берилмади.

Эрталаб ҳамқишлоқлардан бири Камолжон Турғунов кириб келди.

— Қозоқжон, бугун меҳмонни бизнинг ихтиёримизга берсангиз, Тўрақўрғонни айлантирсам, Шон-шуҳрат уйини томоша қилсак, — деди у.

— Ўзларидан сўрайлик-чи? — Қозоқжон ота дўстига қаради.

— Айни муддао. Шон-шуҳрат уйининг таърифини эшитгандим, кўриш ҳам насиб этаркан-да!..

Шон-шуҳрат уйида уларни район ветеранлар Советининг аъзоси Лутфулла Бурҳонов кутиб олди. «Афсонавий Павлов уйи ҳимоячиси Камолжон Турғунов» деб ёзилган экспонатлар қаршисида тўхташди.

— Мана, Камолжонга алоҳида бўлим ажратганмиз, — дея таъкидлади экскурсовод Еқуб Ғафоров. — Совет Иттифоқи Маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Василий Иванович Чуйковнинг ёзишича, кичкинагина бир группа битта уйни ҳимоя қиларкан, шунчалик кўп гитлерчиларни яксон этган эканки, немислар Парижни босиб олганларида ҳам бунчалик кўп талофат кўрмаган экан.

— Атоқли саркарданинг хотирасига ҳам қойил қолганмиз, — дея суҳбатга қўшилди Лутфулла Бурҳонов. — Янглишмасам, 1979 йилнинг июнида Василий Иванович бу ерга ташриф буюрди. Пешвоз чиққанлар билан у киши бирма-бир сўрашаркан, ўзи қўмондон бўлган 62-Армиянинг собиқ жангчиси Камолжонни таниди. Қуролдошлар бир-бирларига қучоқ очганларида ҳаммамиз ҳаяжонга тушдик. Совет кишилари қалбида дўстлик боқий туйғу эканлиги яна бир бор намоён бўлди. Камолжон ота тез-тез ёшлар даврасида бўлиб туради. Ҳар сафар қуролдошларнинг унутилмас дийдор онларини фахр ва ғурур билан такрорлайман.

Орадан тўрт ой ўтди. Янги йилнинг биринчи якшанбаси қарияларнинг кўнгли Қўқонга талпинди. Йўлдошбой ота «Жигули»сини, Камолжон ота «Запорожец»ини миниб олишди. Темир йўл қаршисида — чойхона ёнидаги уйнинг олдида тўхташди. Қўнғироқ тугмасини босишди. Зум ўтмай эшик очилиб, Лутфинисо ая чиқди.

— Вой ўлмасам, ўзимизнинг ҳамқишлоқлар-ку! Қани, уйга марҳамат! Ҳой, дадаси, бу ёққа қаранг-чи, кимлар келаяпти?

Уй остонасида кўринган барваста, оппоқ соқолли чол ҳам шошиб қолди.

— Ие, ие, биз томонларга қайси шамоллар учирди қадрдонларни?

— Соғинч шамоли-да, Бирлиддин ака! — деди Нуриддин ота.

Чол-кампирнинг дид билан жиҳозланган хонадони, саранжом-сариштя ҳовли, уларнинг аҳиллиги, меҳрибонлиги ҳамманинг ҳавасини келтирди. Дастурхон ёзилди.

— Чойхонадан эндигина келиб, нафас ростлаётган эдим, — мамнуният билан гап бошлади Билолиддин ота. — Юрак сезган экан.

— Кўнгил яқин бўлса, орадаги масофа чўт эмас, — деди Лутфинисо ая хурсандлигидан. — Акангиз иккаламиз қишлоқни эсламаган кунимиз йўқ.

— Ҳа, албатта, қийин йилларда туғишганлардан афзал бўлиб кетгандик, — деб Қозоқжон Ҳакимов уруш йилларини эслади.

— Тўғри, ука, — деди Лутфинисо ая. — Уша йилларда сизларни фронтга бирин-кетин кузатдик, колхозда кексалар, хотин-қизлар ва болалар қолганди. Аҳвол оғир бўлса-да, руҳимизни туширмадик. Зубайда Бобохонова, Бухалча Мирзахўжаева, Бувинисо Султонқулова, Шаҳринисо Худойбердиева, Тожибуви Усмонова сингари ўнлаб аёллар кундузлари у ёқда турсин, ҳатто ой шуъласида алламаҳалгача далаларда ишлардик. Топган-тутганимизни фронтга юбордик. Пахта, буғдой, пилла етиштирдик. Ватанимиз бошига кулфат тушганида халқимиз билан бирдам бўлдик...

— Ҳозир қишлоқда пилла етиштиришда Абдулазизларнинг олдига тушадигани йўқ, — суҳбат мавзуини бурди Маъруфжон ота Усмонов. — Мукофотга давлатдан «Жигули» олишди.

— Меҳнатимиз қадр топаяпти, — деди Абдулазиз ота Шерқулов. — Ҳар йили 200—250 килограммдан ҳосил топшираяпмиз. Саодатхон билан болалар ишлашади. Мен кўмаклашиб, ўргатиб тураман, холос.

... Кўклам бошланди. Қариялар одатларига кўра қишлоқ қабристонини ободонлаштириш учун уюштирилган ҳашарга бош-қош бўлишди. Хотира куни Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар шаънига ўрнатилган ёдгорлик олдида тўпланишди. Уларни пионерлар, комсомол-ёшлар кутиб олдилар. Отахонлар урушда ҳалок бўлган тенгқурларининг исм-шарифи битилган мармар



Афсонавий «Павлов уйи» ҳимоячиларидан бири Камолжон Турғунов. У собиқ взвод командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони Яков Павловнинг рафиқаси Нина Павлова билан. Волгоград.
Б. Солиев фотоси

лавҳа қаршисида сукут сақлаб, дўстлар хотирасига ҳурмат бажо қилишди.

— Шу хиёбон ёнидан ҳар гал ўтганимда кўнглим алланечук бўлиб кетади, — деди сўзга чиққан маҳалла комитети раиси Қозоқжон ота Ҳакимов. — Едгорликка қарайману, беихтиёр кўз ўнгимда тенгдошларимнинг сиймоси гавдаланади. Ахир биримиз куёвлик сарупомиз эскирмасдан, биримиз оила қуриш орзусига етмасдан, биримиз тиклаётган уйимизни чала ташлаб Ватан ҳимоясига отланган эдик. Жанг бехатар бўлмайди. Юздан зиёд азаматдан саноқли йигитлар қайтдик. Маҳмуджон Жамолиддинов, Омонқул Эргашев, Мамажон Қуронов, Солибой Ниёзов, Абдураҳмон Шерқулов, Мўминжон Каримов, Исмоил Йўлдошев, Абдураҳмон Тошбоев, Бурҳониддин Исомиддинов, Эргашбой Зокировга ўхшаган элликдан зиёд ҳамқишлоқларимиз фашизмга қарши курашда қурбон бўлдилар. Уларнинг хотираси ҳамиша қалбимизда.

Қозоқжон отанинг кўзларида ёш қалқиди.

— Диққат билан тингланг, ёшлар! Эл-юртимиз бойлигига бойлик қўшиш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳалол меҳнат қилинг. Оёғимдаги жароҳат туфайли қўлимда ҳасса — иккинчи группа инвалидиман. Лекин қараб турмайман. Қўлимдан келганича халққа наф келтирсам, деб ҳамиша ҳаракатдаман. Партия-ҳукуматимиз ғамхўрлигидан баҳрамандман. Машина беришган, пенсия оламан. Кеча-ю кундуз тилагим — тинчлик. Урушнинг юзи қурсин, уни бизлар кўрдик, сизлар асло кўрманглар! — деди Камолжон ота Тожиаҳмедов.

Учрашув тугагач, нарироқдаги майдончада Камолжон отани ветеранлар ўраб олишганди. Нима гаплигини билишга қизиқдик.

— Бўш пайтларимда дурадгорлик билан шуғулланиб, Нуриддин, Маъруфжон ва Йўлдошбойларга янги уйлар қуриб берган эдим. Ҳозир адирликда боғ яратаяпман. Яхши ният билан кўчатлар етиштирдим. Эсдалик учун ҳаммангизга бир жуфтдан ток кўчати ҳадя қиламан.

Камолжон ота ниҳолларни машинасидан олиб дўстларига узатаркан, Йўлдошбой ота ҳам тўлқинланиб кетди.

— Эртага мен ҳам сизларга нок кўчати тарқатаман, оғайнилар! — деб ваъда қилди у.

Ҳозир қадрдон қариялар нинг ҳовлиларида эсдалик ток ва нок кўчатлари барқ уриб яшнамоқда. Улар дўстликнинг рамзи сифатида хонадонларни безаб ўсаверади.

Ахси қишлоқ Советидаги Бордимкўл қишлоғида ана шундай қадрдон қариялар бор. Отахонларнинг ҳаёти ёшлар учун чинакам тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Содиқ ТОЖИБОЕВ

Наманган

ҚОН БОСИМИ ОШГАНДА...

Одатда, қон босими симоб устунидаги миллиметрда елка артерияси орқали ўлчанади. Юрак (систоллар) қисқарган вақтда артериал системага қон юборилади ва ўша пайтда қон босими нисбатан юқорироқ бўлади. Бу ҳолат оддий тилда «юқориси» (систолигик) деб аталади. Кейин юракнинг бўшашиш пайти (диастола) бошланади. Бу дақиқанинг охирида, яъни юракнинг навбатдаги қисқариши олдидан босим энг паст даражада бўлади ва бу оддий тилда «пасти» (диастолигик) деб юритилади.

60 ёшдан 74 ёшгача бўлган кексаларда қон босими кенг тарқалган бўлиб, «пасти» ҳам, «юқориги»си ҳам кўтарилган бўлади. 75 дан 89 ёшгача бўлган одамларда эса фақат «юқориги»си ошган бўлади, «пасти» эса ўзгармайди ва ҳатто бироз пасайган бўлади.

Агар оммавий (эпидемиологик) текширишлар натижаларига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, яъни қон босими бир карра ўлчанган ҳолларда кўпгина тараққий этган мамлакатларда катта ёшдаги кишиларнинг қарийб ярмида, кексаларнинг ярмидан ҳам кўпроғида қон босими ошганлиги қайд қилинган. Кишиларда босимни қайта ўлчаш эса қон босимидан изтироб чекаётганлар амалда бирмунча кам эканлигини кўрсатади.

Эҳтимол, қон босимини бир марта ўлчашда қон босимининг ошиши врач кўриги вақтида ўша шахснинг ҳаяжонланиши туфайли юз берган бўлиши ҳам мумкин. Мана шунинг учун ҳам врач, одатда, биринчи ўлчаб текширишдаёқ диагноз қўймайди.

Шуниси қизиқки, катта ёшдаги аёлларда, ўрта ёшдаги эркакларга қараганда, қон босими ошганлиги кўпроқ учрайди. Яна шу жиҳати борки, узоқ умр кўрган, яъни 90 ёш ва ундан ошган кишиларда одатда, қон босими, катта ва кекса ёшдагиларга қараганда, паст бўлади. Бу, қарийб қонуний ҳолатдир.

Турли мамлакатларда олиб борилган текширишлар ибтидоий турмуш тарзини бошдан кечираётган баъзи қабилаларга мансуб кишиларнинг ёшлари ошса-да, қон босимлари ошмаслигини кўрсатди, улар орасида қон босими дардига чалинганлар йўқ. Масалан, бундай ҳолат Чилида, Австралияда ва Полинезияда яшовчи аборигенларда кузатилмади. Олимлар бу ҳолатни маълум даражада уларнинг бир маромда ҳаёт кечириши, жисмоний меҳнат етарли эканлиги, кучли овқатни кам истеъмол қилишлари, тузсиз овқат ейишлари билан изоҳлайдилар. Мабодо, шу қабилаларнинг вакиллари замонавий маданийлашган жамиятга ўтиб яшаганларида, шубҳасиз, уларда ҳам қон босими ошиши юз берган бўларди.

Қон босимини ҳосил қилиш сабабларига кўра, врачлар уни икки — гипертоник касаллик ва симптоматик гипертонияга ажратадилар. Биринчи ҳолатдагиси — бу мустақил касаллик, иккинчиси организмда кечаётган қандайдир патологик жараённинг аломати туфайли юз берган қон босими ҳисобланади.

Қон босимини туғдирадиган асосий сабаб — психик таъсирланиш ҳолатининг зўрайиши ва наслий мойиллик оқибатидир.

Семиришга олиб келадиган омиллар — овқатни кўп ейиш ва тузни ортиқча истеъмол қилиш ҳам қон босими касалига олиб келади.

Катта ёшлиларда ва кексаларда бу дарднинг кечиши, одатда, ижобий сифатда бўлади, бу ёшларда унинг хавфли шакллари қарийб юз бермайди. Қон босимининг кескин кўтарилиб, кайфиятнинг ёмонлашиш ҳолатлари кексаларда, ўрта ёшлиларга нисбатан, кам юз беради.

Катта ёшли кишиларда қон босимининг ошиши касаллик аломатими ёки кексалик таъсиримми? Артериал босим рақамини албатта тушириш талаб қилинадими? Бундай саволларнинг туғилиши табиийдир.

Бу саволларга бир хил жавоб бўлиши мумкин эмас. Қон босимининг ошишидан пайдо бўлган касаллик — бу дард. Бундай дардга йўлиққан бемор врачнинг барча маслаҳатларини бажариши шарт. Врач барча катта ёшлиларга ва кексаларга ҳам қон босимини туширадиган дориларни тавсия қилавермайди. Бунда қон босими шакли, қон босимининг миқёси, қон босими касаллигининг муддати ва бошқа қатор хусусий белгилар инобатга олинади.

Демак, ҳар бир ҳолатнинг ўзида артериал босимни тушириш лозим эмаслигини, бунда қанақа дориларни қанча миқдорда белгилашни врачнинг ўзи ҳал этади.

Лекин ҳар бир киши қон босимининг «сапчиб» кўтарилиб кетишигача қараб турмаслиги керак. Агар бундай ҳол юз бердими, дарҳол врачни чақириш лозим. Ҳозир кўпчилик кишиларнинг уйида қон босими ўлчанадиган тонометр бор. Киши ўзининг қон босимини ўлчамагани маъқул. Буни уйдагилардан бирор киши бажариши лозим. Назорат учун ойига бир марта поликлиникада қон босимини ўлчатиб туриш мақсадга мувофиқдир. Кимнинг уйида тонометр бўлмаса, ойига иккиуч марта турар жойидаги врачга мурожаат қилиш лозим.

Қон босими ошган кишилар иложи борича яшаш шароитини тинч ва осойишта сақлаши, режимга яхши амал қилиши лозим. Оиладаги бетартиб шовшувлар, жанжаллар, ўзаро келишмовчиликлар қон босими ошган беморга қаттиқ таъсир этиши ва уни хароб қилиши мумкин. Кишининг ёши ошган сари унга шовқин, оиладаги носоғлом кайфият тобора ёмон таъсир қила бошлайди. Беморларнинг қариндошлари, дўстлари у ҳақда ғамхўрлик қилиши, оғир дақиқаларда тез ёрдамга келиши лозим.

Беморга руҳий енгиллик, кайфият бахш этиш унинг қон босимига ҳар қандай дори-дармондан ҳам кўра яхши таъсир қилиши, уни тушириши мумкин.

Катта ёшлилар ва кексалар учун ҳам жисмоний ҳаракат жуда фойдали. Фақат уни зўриқиш даражасигача олиб бормаслик лозим.

Ҳадеб тўшакда ётавериш ҳам фойдали эмас. Фақат оғир ҳолатлардан кейингина тўшакда бир неча соат ором олиш етарлидир.

Қон босими дардига чалинган кексалар, албатта, овқатланиш режимига қатъий амал қилишлари лозим. Ош тузини, мол ёғини ва шакарни кам истеъмол қилишлари керак. Сабзавот маҳсулотларини, ўсимлик ёғини кўпроқ тановул қилиш маъқулроқ. Кундалик таомда сут маҳсулотлари албатта бўлиши шарт.

А. З. ЦФАСМАН,
профессор

ИСТЕЪДОД

Расул РАҲМОНОВ

Жонзоту ўсимликларнинг бесаноқ имкониятларини бошқариш, керагида ишга солиш, нокерагида жиловлаш мумкинми ё?! Боқий инсон олдидаги бу жумбоқларга «Мумкин!», «Бор!» деб жавоб беришга журъат этган йигирманчи аср жаҳон фозиллари орасида ўзбек совет олими Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедов ҳам бор.

Фанда эътироф этишнинг ўзи кифоя эмас, исбот керак. Кўпни қизиқтирган ташбеҳ — ҳаётнинг сирли оламини нақдга айлантириш олимнинг кўп йиллик, машаққатли меҳнати, тинмай изланиши маҳсули бўлди.

Бекжон учун бунга эришиш осон кечмади, у ҳам бошқа истеъдодлар қатори, фаннинг чағир йўлларини тиришиб босиб ўтди. У Москва Давлат университетининг биология факультетини муваффақиятли тамомлаган умидли тенгдошлари қатори аспирантурага тавсия этилди. Дастлабки синовдаёқ кафолат берган устозларининг ишончини оқлади. «Қаттол, бедил табиат билан баҳслашиш, жонзот ҳаётини, ўсимликлар дунёсини бошқаришга эришиш ажалга даво топмоқ имконини туғдиради!» деган фикр унга ором бермасди.

Инсон борки, хаёл, эзгулик унинг ҳамроҳи. Не-не ажойиб хаёлларга борган, уни амалга ошириб, кўнгли обод бўлганлар қанча. Билъакс мақсадга эришиш машаққатидан қочиб, поёнига етолмай чекинганлар қанча. Отаси, улуғ ўзбек совет ёзувчиси Ойбекнинг «Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланади», деган ўгитини у қалбига жо қилиб, иш бошлади. «Мен шу ўй-хаёл билан излайман, бир учини бўлса ҳам, албатта, топаман!», деган қатъий ниятга келди Бекжон. «Жуссанг мўъжаз бўлса ҳам, доно ўзбек халқи айтганидек, отнинг калласидек юрагинг бор экан, баракалла!» деди устози профессор Х. С. Каштоянц унинг иродасига тан бериб, забардаст қўллари билан шогирдининг икки елкасига қоқиб, парваришида дадил илдиз отаётган соғлом, журъатли ниҳолидан дили қониб.

Бекжоннинг онаси, химия соҳасида Ўзбекистонда биринчи ўзбек олимаси, эндиликда марҳума Зарифа Саидносировна билан 1986 йил кўкламида қилган суҳбатимни эслайман.

— Зарифахон опа, «бўладиган бола бошидан маълум», дейишади. Бекжонда ҳам ёшлигиданоқ илмий ишга ишора, истеъдод нишонаси сезилган айрим воқеалар юз берган бўлса керак-а?

Ҳамиша дангал гапирадиган она бу гал ниманидир мулоҳаза қилиб, жим ўйланиб турди-да, столга ёзилган дастурхонни оҳиста силаб-сидириб, шошмасдан гап бошлади:

— Биласизми, гапнинг ростини айтсам, Бекжонда ёшлигида шаҳар болаларидан фарқ қиладиган, айрича бир белгини сезган эмасман. Ҳамма болалар қатори эди. Фақат бироз шўхроқ, ҳеч нарсадан чўчимас, довюрак эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, — деди Зарифа опа чиройли жилмайиб, — Ойбекнинг Хадра яқинидаги ота ҳовлисида яшаган вақтимиз. Бир куни кўчада қий-чув бўлиб қолди. Нима гап экан, деб чиқиб қарасам, Бекжон тирик илонни думидан ушлаганча катта-кичикка ҳамла қилдирибди, у ёқдан-бу ёққа қийқиртириб қувиб юрибди. Илонни зўрға сувга ташлатиб, уйга олиб кирганман... Қушларни яхши кўрарди. Саъва тутиб боқарди. Унинг дастидан маҳалла ҳовузидаги қурбақаларга кун йўқ эди. Кўчат ўстириш ҳам севимли машғулотларидан саналарди. Виз отаси билан тезроқ қувлиб, чинакам инсон бўлиб етишишига куч сарфлардик. Уни асосан ўқиш пишитди, ақлининг қайроғи билим бўлди...

Бекжоннинг гўдаклик чоғлари Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги ташвишли йилларда ўтган. Ўша давр болалари қатори шароит тақозоси билан ёшига нисбатан анча тез улғайди, катталардек мушоҳада юритадиган, мустақил бўлиб ўсди. Турли сабаблар билан сийраклашиб бораётган синфдошларига қараб ачинар, ҳар қандай шароитда ҳам ўқишдан қолмасликка тиришар эди.

Бекжон Лабзакдаги рус ўрта мактабини тамомлагач, оила даврасида маслаҳат қилишди:

— Илм — кўп, умр — оз, зарурини ўқи, кўнгил чопганига бор. Ўқиганнинг ошиғи олчи, — деди отаси Ойбек фарзандига ўқишнинг аҳамиятини уқтираркан.

— Аниқ қайси соҳани маслаҳат берасиз? — дея падарига юзланди Бекжон.

— Аниқми? Камина иқтисод илмидан бошлаб, адабиётдан қонганман. Волидаи меҳрибонлари кимё фани соҳибаси, яна ажойиб мусаввир. Мана, Омон эса, тарихчи. Бу — яхши. Ҳаммамизнинг касбимиз — дил амрининг меваси. Сен ҳам дилинг чопган соҳанинг, номингга муносиб, Беки бўлсанг бас. Биламан, аниқ фанларга иштиёқинг бор. Менга қолса, оиламизда физик йўқ. Яна, ўзинг ўйлаб кўр...

Ўрта мактабда биология ўқитувчилари бошчилигида мингоёқдан бошқа ҳамма жонзотни кўриб, ўрганганида уларни чуқурроқ тадқиқ этиш иштиёқи учқунланган эди унда.

Бекжон Ойбекович билан ўша кунларни эслар эканмиз, ўзига хос самимият билан ёзилиб кулди:

— Бундай қарасам, ота-онам иродасига ҳам зид бормабман, ўз хоҳишимдан ҳам қайтмабман. Отам физикани ихтиёр этган эдилар, мен биологияни, кўраяпсизки, ҳозир икки фаннинг соҳиби — биофизик бўлибман, онам САГУда ўқишни айтган бўлсалар — бир семестр у ерда ҳам сабоқ олибман, кейин Москва Давлат университетининг биология факультетини тамомлабман.

— Сизнингча олимнинг камолот поғоналари нималарга боғлиқ? — деб сўраймиз ундан.

У ўрнидан туриб, ўнг қўлини қўлтиғига қисиб, чап қўли билан соқолини силаб, ўйланиб қолди.

— Кўп нарсага, биласизми, кўп нарсага боғлиқ... Ҳа, яшанг, имконият, асос бўлмаса — ютуққа эришиш қийин. Кейин, омад ҳам керак. Бир нарса ерга тушиб кетса, кўп одам қидиради. Лекин улардан бири топади. Ўзимдан қиёс қиламан. Авваломбор биологияга астойдил қизиқардим... Еш бўлсанг, илмий-тадқиқот йўл-йўриғини билмасанг, сенга маёқ бўладиган, тўғри йўлни кўрсатадиган, истиқболдаги тадқиқот мавзуларини белгилаб беришга ким қодир? Ўша, университет муаллими-да! Профессор, истеъдодли олим ҳар бир ёшни билиб, илмий иқтидорига қараб ҳам рағбатлантириб, ҳам нуқсонларини танқид қилиб етилтириб бориши лозим...

Бекжон университетда ўқиб юрар экан, профессор Хачатур Сергеевич Каштоянц мудир бўлган физиология кафедраси кучли, ихтироларга бой эканлигини, жаҳон олимларининг эътиборини тортган илмий ишлар олиб бораётганини кўради. У иккинчи курсдаёқ студентлар илмий жамиятига кириб, профессорлар илмий иш беришни сўрайди. Профессор қисқа савол-жавобдан кейин, иккиланмай илмий иш олиб борадиган жойига — СССР Фанлар академиясига қўнғироқ қилиб, тадқиқотчиликка ундаган, иштиёқи зўр талабасига илмий иш беришни илтимос этади. Бекжон ўқишдан, жамоат ишларидан бўшагач, академияга борар, илмий иш усулларини ўрганар эди. Биология соҳаси бўйича чиққан муҳим адабиётларни чуқур ўрганарди. Билолмаганларини кафедра, лаборатория ходимларидан сўрайверириб, ҳоли-жонларига қўймасди. Бекжоннинг астойдил берилиб ишлаётганини кўрган профессорнинг меҳри ортади. Унинг исмшарифи бўлажак аспирантлар сафига ёзиб қўйилади: «Б. О. Тошмуҳамедов. Ўзбекистондан».

«Биласанки, Бекжон, инсон — табиат ҳикматларининг энг сўнгги буюк маҳсули. Инсоннинг муҳофазаси, камоли учун зарур бўладиган тадқиқотларни, аввал, ҳайвонларда синаб кўрамиз, — дея маслаҳат берди профессор тўртинчи курсни тамомлаб, дарслардан олган назарий билимларини амалда синашга, тажриба ўтказишга отланаётган шогирдига. — Денгиз ҳайвонларининг ҳужайраси бошқа жонзотларга қараганда йирикроқ бўлади, тажриба ўтказишга қулай. Агар хоҳласанг, Севастополь денгиз биостанциясида ўтказасан амалий тажрибаларингни. Солиштирма физиология бўйича диплом иши қиласан...»

— Устозимнинг таклифини жон-дилимдан қабул қилдим. Ўзбекистонда бўлмаган денгиз жониворларини кўриш, ўрганиш қанчалик қизиқарли. Тўртинчи, бешинчи курсларнинг ёзу кузларини ўша ерда ўтказиб, дипломни ҳам Севастополь кузатувлари асосида ёзганман. Москвада чиқадиган илмий журналда шу кузатувларим асосида биринчи илмий мақолам ҳам эълон қилинган эди.

Шундай қилиб, аспирантурага етиб келган Бекжон қувончдан кўра, масъулият юкидан чуқур ўйга чўмиб, диссертация мавзуини аниқлашга ошиқмайди.

— Тошкентлик йигитимиз тиришқоқ, синчков кўзлари билан суҳбатдошининг кимлигини, асл мақсадини, нима демоқчи бўлганини тўғри баҳолай оладиган инсон, — дейди профессор ҳамкасбларига уни яқиндан таништириб. — Мен унга пишмаган, хомаки мавзуни тавсия этолмайман. Майли, Тошкентга, уйига бориб, дам олиб келсин, кейин танлаймиз диссертация мавзуини.

Орадан бир неча кун ўтгач, Х. С. Каштоянц Бекжоннинг уйига кетмай, Москвада юрганини эшитиб қолади.

— Бир нарсани бошлагач, охирига етказмасам, кўнглим тинчимайди, дам ололмайман, — деди устозига у. — В. И. Ленин номидаги кутубхонада биология фанига оид бутун дунё адабиётларини кўриб чиқаяпман. Кўп ахборотлар инглиз тилида экан, аксига олиб, ўрта мактабда ҳам, университетда ҳам немис тилини ўқигандим, энди йўл-йўлакай инглиз тилини ўрганиш устида машқ ҳам қилаяпман.

— Шу баҳонада тўртинчи тилни ҳам билиб олар экансан-да, — деди устоз ичичидан қувониб, сўнг бироз ўйлаб тургач

замондошларимиз

Янги қадам. Соғлиқни ҳам ўйлаш керак. Кунт билан илм ўрганиш — игна билан қудуқ қазиш, деган гап.

Изланишнинг тўртинчи ойи Бекжоннинг ишлаб ўтирган хонасига кириб келган устоз, шогирдини таниёлмай қолди: соқол-мўйлови ўсган, кўзлари ич-ичига тушиб, киртайиб қолган, ўзи ихчамлашиб, яна ҳам кичик тортган, қари бўлиб қаримас, ёш бўлиб ёшмас, бир одам турарди унинг рўпарасида.

— Адабиётларни кўриб бўлдингми? — қатъий сўради илмий раҳбари.

— Оз қолди!

— Янглишма, ҳозирги ахборот ва илмий-техника тараққиёти даврида адабиётларнинг ҳам, фаннинг қайси соҳаси бўлмасин, янгиликларнинг кўлами беқиёс. Тўрт ойдан ошяптики, кутубхонадан чиқмайсан! Аҳволингни қара, Мажнун бўлиб кетибсанку. Менга қара, асосийларини кўриб чиққан бўлсанг, бас, қолганлари билан тадқиқот жараёнида танишаверасан. Хабаринг бор, яқинда мен Америка олимларининг ишлари билан танишиб қайтдим. Баъзи янги тажрибалар бор экан. Эртага кафедрада кутаман, гаплашиб оламиз.

Эртасига хурсанд ҳолда шогирдини кутиб олди Х. С. Каштоянц.

— Асаб нималигини биласан-а? — деб сўради у Бекжондан.

— Ҳа, асаб толалари нейронлардан, унинг ўзи эса аксон ва синаж деб аталадиган узун ўсимталардан ташкил топган бўлади.

Устоз қандайдир бошқа бир ўй билан банд эди. Бекжоннинг жим бўлиши уни сергаклантирди. «Хўш, яна?» деди унга ўйчан тикилиб.

— Янами, асаб толалари бўйлаб тарқаладиган ахборотлар, нейронларда содир бўладиган нерв импульси асосан ана шу ўсимталар орқали қабул қилинади. Бинобарин, жонзотда ҳар хил ҳолат, кайфият, қобилият, хасталик, хуллас, бир сўз билан айтганда, ўзгариш содир бўлади. Бу жараён ион каналларига эга бўлган қўзғалувчан мембрана фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шу мураккаб асаб бўғинниг биронтаси ишдан чиқса ёки ишлаш маромини бузилса, оғир беморликка сабаб бўлади.

— Хўп, энди бизнинг вазифамиз нимадан иборат бўлиши керак? — ниҳоят, ўз ўйини якунлаб, суҳбатга киришди профессор.

— Бизнинг вазифамизми? — деди Бекжон. У устозим, мени синаяптилармі ёки бирон-бир йўналишга бошламоқчиларми, деган фикрни кўнглидан ўтказди. — Бизнинг вазифамиз ана шу керакли ҳужайраларни топиш, ўрнини белгилаш, уларнинг ишлаш системасини аниқ билиш, сўнгра жиловини қўлга олиш, бошқариш керак.

— Баракалла! Хўш, қандай қилиб топиш керак? Уларни жонзотларнинг қаеридан қидириш керак? — у олдидаги қўғирисурат темир кулдонни қўлига олиб кўрсатди. — Бу ериданми, мана бу ериданми; қаеридан? Ахир, улар ўнта бўлмаса, юзта бўлмаса, миллионлаб бўлса, бунинг устига, бири-бирига ўхшаса, қайсиси нима ишни бажаради, ажратиб турган белгиси бўлмаса, оддий кўз у ёқда турсин, оддий микроскоп ҳам зўрға илғаса! — У бироз саросимага тушган Бекжонни жуда ҳам чўчитиб юбормай, деди шекилли, жумбоқни бироз равшанлаштирди. — Ҳай, электрон микроскоп ёрдамида бир амаллаб топдик ҳам дейлик. Нима билан таъсир этиб кўриш мумкин бўларкин? Муаммо устига муаммо! — У Бекжоннинг фикрини кутиб, сукутга чўмди.

— Мен бу ҳақда ўйлагандим! — деди Бекжон чеҳраси яна ҳам ёришиб, устозининг кўнглидагини топганидан қувониб.

— Хўш, хўш, қани гапир-чи!

— Агар жонзот аъзои-баданидаги қўзғалувчи ҳужайралари топиб олинса, унда масалан, Ўрта Осиёда, умуман, бошқа жойларда ҳам бўладиган кўзойнакли илонларнинг... — дейиши билан профессорнинг кўзлари катта-катта очилиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, ҳа илонлар! — деди ҳаяжонини яширолмай. — Гапир, гапир!

— Илон, чаён ёки ўсимликларнинг заҳари қандай таъсир этишини кўрардик.

— Мана бу гоя! Мана бу мавзу! Жуда соз! — деди профессор қувониб. — Хўш, адабиётларда ҳеч нарса дейилганми бу ҳақда. Иттифоқимизда чоп этилган ва мен кўздан кечирган адабиётларда ҳеч нарса йўқ ҳозирча. Лекин чет элларда, Америкада бу соҳада изланишлар илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилаётгани айтилади. Аммо на бир изоҳи бор, на бир усули ишлаб чиқилган...

— Бизда ҳали бу қўриққа қўл урилмаган.

Профессор Бекжоннинг тепасига келди:

— Совет фанида янги соҳа, янги йўлга одим ташланди бугун. Унинг муаллифи — устозидан ўзган шогирд, тошкентлик ўзбек йигити — Бекжон Ойбекович Тошмуҳамедов. Устоз учун бундан ортиқ бахт борми!.. Энди менга қулоқ сол. Кеча айтганим, Америкада ўша алоҳида-алоҳида жойлашган нейрон ҳужайраларни ҳашаротларнинг қуймучидан қидиришяпти. Бу — тахмин, албатта... Эрта билан Звенигороддаги биология станциямизга бориб, қисқичбақа олиб кел. Биз тажрибани ўшанда ўтказамиз. Яна бир гап. Соқол-мўйлабни тозалаб олдир, агар Хеменгуэйга ўхшагинг келаётган бўлса, ҳали эрта. Мен ҳам соқол-мўйлабни докторлик диссертациясини ёқлагандан кейин қўйганман. Келишдикми? Бор энди...

Бекжон машаққатли тадқиқот ишларини бошлаб, йиллар давомида юзлаб қисқичбақанинг минг-минглаб ҳужайрасини электродда текшириб кўрди. Ниҳоят, алоҳида жойлашган керакли нейрон-ҳужайраларни топди. Айни вақтда ўша ҳужайранинг электровий параметрларини илмий асослаб берди. Электровий характеристикасига қараб шу асаб ҳужайраларини топиш усулларини дунёда биринчи бўлиб майда ҳашаротда ихтиро этди. Шундан сўнг ёш истеъдоднинг кашфиётига жаҳонда қизиқиш ортди. Иигирма етти ёшли олимни Америка, ва шунингдек, бошқа мамлакатларга таклиф этдилар. У ўша мамлакатларда ихтиросини нуфузли давраларда тушунтириб берди. Унинг илмий иши чет элларнинг турли тилларида чоп этилди. 1962 йилда у шу ихтироси асосида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бекжон энди уйга қайтаман деб турганида, кафедрада олиб қолиш ниятида ректорга хат ёзишганини эшитди. У аввалига шунчалик катта ишонч, эъзоз учун хурсанд бўлди. Москва олимлари сафида ишлаш — катта бахт.

— Лекин Тошкентни, ота-онамни жуда соғинган эдим, — деди Бекжон Ойбекович ўша пайтни эслаб. — Қолаверса, фанга, қаерда яшашдан қатъи назар, манфаат келтириш мумкин-ку, деб ўйладим. Ўзбекистонга оид муаммолар билан боғлаб илмий иш қилишни кўнгилга тугдим. «Республикангизда сенинг соҳанг бўйича ўзингдан бошқа мутахассис йўқ, ёлғиз қийналиб қоласан!» дейишди у ердагилар. Бўлмаса, қачондир бўлиши керак-ку, балким сизларнинг ёрдам ва маслаҳатларингиз билан мен бир уриниб кўрарман, дедим-да, Тошкент Давлат университетига ишга жойлашдим.

Олим университетда бироз ишлаб, Ўзбекистонда фаннинг биофизика тармоғини ташкил этиш, ривожлантириш учун бу соҳадаги илмни янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш эҳтиёжини сезади. Биофизика фанининг кўзга кўринган дарғаларидан бири москвалик профессор Е. А. Либерманнинг раҳбарлигида тадқиқот ишини давом эттиради. Мембраналар соҳасидаги изланишларини чуқурлаштиришга уринади. Кузатувлар, беҳисоб тажрибалар асосида, таниқли олим А. Гагельганс билан ҳамкорликда мазкур масала бўйича Совет Иттифоқида биринчи монография эълон қилишади. Янги мавзу, чуқур илмий назарий, амалий далилларга бой бу асар кўпгина чет эл мутахассисларининг ҳам эътиборини тортади. Бекжон монография асосида 1971 йилда, яъни 36 ёшида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Сўнгра у Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти қошида мазкур соҳа бўйича лаборатория ташкил этади.

Бекжон Ойбекович қисқа вақтда ўзининг истеъдодли олим эканлигини кўрсатди. У ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физиология институтининг директори.

— Мен, биофизика фани бўйича олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларимизнинг катта назарий аҳамиятини айтиб ўтирмай, амалдаги фойдасидан бир шингил гапирай, — деди Бекжон илмий ишининг аҳамиятини таъкидлар экан. — Биз ўз изланишларимиз, тадқиқотларимиз билан медицина, айниқса асаб системаси касалликлари учун, оғриқ бермайдиган янги дори-дармонлар олишга, даволашнинг самарали усулларини топишга йўл очмоқдамиз. Айтайлик, илон, чаён, қора қуртдан олинадиган заҳарнинг асосий таркибий қисми бўлган нейротоксин ёрдамида нерв ҳужайраларини ўрганаяпмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ олимларимиз нерв ҳужайрасининг қобиғи ҳисобланган — нейронларнинг муҳит, бошқа ҳужайралар билан ўзаро алоқасини амалга оширувчи мембраналарнинг тузилишини, айрим компонентларининг иш механизмини тушуниб олишди. Бу ҳол уларнинг фаолиятини бошқариш имкониятини беради. Қолаверса, бу қишлоқ хўжалиги учун экологик соф, заҳарсиз ва кучли таъсир кўрсатадиган инсектицид моддалар яратиш йўлини очади. Биз шу йўл билан ғўзани баъзи бир зарарли ҳашаротлардан фориғ этишга ҳам эришамиз.

Давр фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, лабораторияларда қўлга киритилаётган ютуқларни амалда ишлаб чиқаришда қўллашдек муҳим талабларни қўймоқда. Институтнинг илмий-тадқиқот режалари шу зарур вазифаларни бажаришга қаратилган. Коллективимиз фаолияти жадаллаштириш манбаларидан бири — биология фанининг пахтачиликни, чорвачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришдаги, энг муҳими, инсон омилининг сиҳат-саломат, бардам-бақувват бўлишини таъминлашдаги ҳиссасини оширишга, бу соҳадаги зарур муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Токи, илмий-тадқиқотларга ажратилган маблағлар сувга оқмасин, фаннинг орқасидан бойишни кўзлаган корчалонларга хизмат қилмасин.

Дарҳақиқат, қилинадиган ишлар жуда кўп. Давр талаби — юксак. Тошкент шаҳар комитетининг VII пленуми КПСС XXVII съездидан кейин ўтган икки йил ичида ЎзССР Фанлар академияси ва унинг институтлари ишида бирон-бир кескин ўзгариш бўлмаганлигини, академиянинг президиуми, коммунист олимлар асосли равишда қайта қуришга эришмаганларини таъкидлади, Физиология институти Сурхондарё область «Октябрь 40 йиллиги» совхози билан тузилган хўжалик шартномаси асосида олиб борган ишни илмга алоқаси йўқ тадқиқотлардан бири сифатида жуда ҳаққоний танқид қилди.

Б. О. Тошмуҳамедов институт раҳбари сифатида ўз зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этади.

Ҳа, олимнинг истеъдод қирралари шиддатли давр руҳига ҳамоҳанг равишда тобора ёркинроқ намоён бўлмоқда.

1986 йилда қилинган ишларнинг сарҳисоби қувончли бўлди. Бекжон Тошмуҳамедов мамлакатимиздаги бир гуруҳ олимлар билан биргаликда 1973—1983 йилларда эълон қилинган «Нерв импульслари генерациясининг молекуляр механизмларини тадқиқ қилишда нейротоксинлар инструмент сифатида» туркум ишлари учун 1985 йилги СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди.

ТАҚРИЗ

«УЙҒОҚ ТОҒЛАР»



Қўлимда шоир Шавкат Раҳмонни аллақачоноқ ўқувчиларига танитган «Уйғоқ тоғлар» китоби. Шу дам шоирнинг «Рангин лаҳзалар» деб номланган илк тўпламидан олган таассуротларимни эсладим. Унинг ички саҳифасига шундай сўзлар битилган эди: «Шеър бахтига муяссар бўлинг».

Шеър бахти, бу ўша ғолиблик нашъаси ва бу йўлда шоир ўз олдига қўйган олий мақсад эмасми? Балки...

Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак.
Сенга етиб бормоқлик учун
Узун умрим етмаса керак.

(«Ватан» шеъри)

Ёки:

Кел, яшириб қўяйин сени
Юракнинг энг чуқур ерига.
Кейин сен ҳам яширгин мени
Юракнинг энг чуқур ерига.
Тополмасин бизларни биров.

(«Кел, яшириб қўяйин сени» шеъри)

Ёки:

Ажойиб кунларнинг бирида
Уйғониб кетаман уйқудан —
Юракнинг энг чуқур ерида
Оғриққа айланган туйғудан.

Бир қўшиқ бўламан дарёдай
Юракнинг энг чуқур ерида
боқаман дунёга дунёдай
ажойиб кунларнинг бирида...

(«Ажойиб кунларнинг бирида» шеъри)

Агар юқоридаги уччала шеър таҳлили жараёнида: «Ана, шоирнинг мисралари шеърдан шеърга кўчиб юрибди», деб таъна қилсак, хато бўлар эди. Биз учун шеърлардаги ўқувчи эътиборини тортаётган сеҳр — қаҳрамон юрагидаги, энг чуқур еридаги нимадир қимматли. Умуман олганда, «ҳозирги замон қаҳрамони ким бўлиши керак?» Бу саволга ҳар хил даврда ҳар хил жавоб бериб келинди. Бир тоифа қаҳрамонлар алғов-далғов дунёда яшашни мардликка йўйдилар, бошқалари эса, «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида яшадилар. Адабий қаҳрамонларимиз орасидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Замонамиз қаҳрамонлари бугунги кунда ўз узанини топгандай. Қураётган, яратаётган, жўшаётганлар сафига энди курашаётган қаҳрамонлар ҳам қўшилдилар.

Хўш, улар ким билан курашади, нима учун курашади? Замонимиз буюк ўзгаришлар сари юз тутган бугунги кунда бу саволга жавоб аниқ ва салмоқлидир. Фикримизнинг тасдиғи учун улар соғлом муҳит, иш билан сўз бирлиги, ҳалоллик ва ошкоралик тантанаси йўлида курашмоқликлари керак, десак кифоя. Бошқача айтганда, халқимиз маънавиятини бойитадиган, буюк бунёдкорлик ишларга сафарбар эта оладиган улуғ куч бугунги адабиётимиз қаҳрамонлари учун ибратлидир.

Шунинг учун ҳам бу масъулиятни сезган шоир умрнинг бу қайноқ буржида — юракнинг энг чуқур ерида ўралашади. У ерда нима бор деган ҳақли савол туғилади. Балки, у бу қайноқ чашма тубидан ўз ўқувчилари учун марварид туйғуларини излаётгандир. Балки, унинг бўғзини куйдираётган дардини, Ватанга, дўст-ёрга, ҳалолликка муносабатини юрак-юракдан ифода қилмоқчидир.

Ҳар иккала ҳолда ҳам, энг муҳими у тинимсиз изланишда. Такрор-такрор юракка мурожаат қилишининг боиси ҳам шунда. Зеро, юракдан чиққан сўз самимий ва ҳалолдир.

Шу ўринда шеъриятда гражданлик масъулиятини ҳам эътироф этиш керак. Навқирон ўзбек поэзиясининг яна бир муваффақияти унинг лирик қаҳрамони ўз гражданлик позициясини чуқур англаб етганлигидир. Зеро, ижодкорни мухлислар билан боғлаб турадиган «олтин занжир» ҳам ана шу бурчнинг қандай адо этилаётганлигида намоён бўлади.

Шавкат Раҳмон ана шундай мақсад билан «Рангин лаҳзалар»да «Юрак қирралари»даги сўзларини «Очиқ кунлар»га олиб чиқди. Қарасакки, бу туйғулар «Гуллаётган тош» экан.

...Ҳар бир сўз
юз сўзнинг ўрнини босар:
Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш,
Озодлик.
Ҳар бир сўз етади юзта умримга,
ҳар бири бахш этар
руҳимга шодлик...

(«Шавкат Раҳмон деган...» шеъридан)

Мана, шоир фаолиятининг маркази, юрагининг энг тубида зоҳир бўлган, уни тинимсиз ўз қисмати сари чорлаб турган туйғулар. Шоир ўз умрининг улардан айру эмаслигини, улар билан озод, улар билан бахтлилигини билади. Мана шоир ўз бахти нимадалигини қандай ифода этади:

...Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
Ҳар шодлик келганда юрдим
секинроқ,
Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
бахт сўзин айтаман
элдан кейинроқ.

(«Шеърингизда бахт сўзи кам учрар деган дўстимга» шеъридан)

Тўпламга шоирнинг турли даврларда яратган, жумладан юқорида таҳлил қилинган шеърлар ҳам тартиб берилган. Унинг «Бахтиёрлик», «Венеция», «Аравон кўринишлари», «Кузги ер кўринишлари» каби шеърлари билан танишаётиб, беихтиёр шоирнинг қачонлардир «...боқаман дунёга дунёдай ажойиб кунларнинг бирида» деган ваъдасини эслайсиз ва шундай кунларнинг бирида мамнуният билан китобни варақлашда давом этасиз.

Уктам МИРЗАЕРОВ



Бухоро шаҳридаги Тельман номли трикотаж фабрикасининг моҳир тўқувчиси Сафия Едгорова.

Х. Курбонов фотоси

Чақир-чиқанак

ТИЛИ БОШҚА, ДИЛИ БОШҚАЛАР

Қиёмжон билан Латифжон кўчада рўпара келиб, онаси томон қанот қоқиб югурган жўжалардай бир-бирларининг қучоқларига ташланишади.

Латифжон. Жоним, меҳрибоним. Сизни кўриб соғинган қалбим ором олди.

Қиёмжон. Томирдаги қоним, виждоним, рухсат этинг, анордай юзларингизга юзимни босай. *(Юзини Латифжоннинг юзига босиб, кейин ўпади).*

Латифжон. Малол келмаса мен ҳам мана шу нур ёғилиб турган лўппи юзингизга бир бўса қўндирай *(устма-уст чўппиллатиб ўпади).*

Қиёмжон. Диссертация битдими дейман, дўстим, оғзингиз қулоғингизда?

Латифжон. Меҳр кўзда бўлади дейдилар, азизим: сизни кўриб севиниб кетдим.

Қиёмжон. Мен ҳам хурсанд бўлганимдан яшариб кетдим.

Латифжон. *(Жўрасининг белидан қучиб, кўтариб қўяди).* Қушдай енгилсиз, ҳеч ким сизни элликдан ошган демайди.

Қиёмжон. Йўғ-е, баъзиларга ўхшаб оширвордингиз.

Латифжон. Хўп деяверинг, ҳеч ўзгармагансиз... Идорада бошлиқ, уйда хотини яхши бўлган эркак асло қаримас эмиш...

Қиёмжон. Комплимент учун раҳмат! Аслида соғлиғимнинг мазаси йўқ, юрак ночор...

Латифжон. Қўйинг-е, азизим, улоқчининг отидай гижинглаб турибсиз.

Қиёмжон. *(Таъсирланиб кўзига ёш олади, Латифжонни қучиб ўпади.)* Раҳмат, азизим. Олижаноб йигитсиз. Яхшилигингизни сира унутмайман.

Латифжон. Сиздан жонимни ҳам аямайман.

Қиёмжон. Раҳмат, яхши кунларда қайтарай.

Латифжон. Йўл бўлсин, азизим?

Қиёмжон. Севинганимдан эсимни йўқотиб қўйибман. Ресторанга кетаяпман. Юбилейимни қилмоқчиман. Бирга бўласиз.

Латифжон. Чин юракдан табриклайман, бола-чақа билан хизмат қиламиз.

Қиёмжон. *(Таклифнома узатади.)* Марҳамат, кутамиз.

Латифжон. *(Таклифномани қўйин чўнтагига солаётиб.)* Юрагимнинг ёнига жойлаб қўйдим, албатта бораман.

(Иккаласи бурилиб, икки томонга кетади. Бирданига иккаласининг афти тундлашади. Латифжон автоматдан стаканда сув олиб, қўлини ювади.)

Латифжон. *(Жирканиб, афтини буриштириб.)* Қўлни ҳам ҳаром қилди, аблаҳ. Юбилейингга бориб бўпман!

(Қиёмжон дўкондан одеколон олиб, қўлини ювади.)

Қиёмжон. *(Жирканиб.)* Қаёқдан ҳам йўлиқдим бу касофатга? Ҳамма ишлар расво бўлади энди. Аттанг, бошқа кўчадан юрсам бўлар экан-а...

А. ИСОМИДДИНОВ

ХУФИЯ ҚАССОБ

Қосим қассоб — баланд бўйли, гўштдор кўкрагининг ёли кўйлак ёқасидан чиқиб турадиган киши. У кушхона дўконида гўшт сотарди. Дўкон мудири билан кўпдан тил топишиб олган шекилли, харидорларни ҳам тошдан, ҳам тарозидан ургани урган, пичоғи мой устида эди.

Бироқ ҳамма ишнинг ҳам охири бор-да: аввалги бошлиғи кетиб, ўрнига янгиси келди-ю, Қосим қассобнинг иши юришмай қолди. Кунлардан бир куни мол гўштига қўй гўштининг суягини қўшиб сотаётганида қўлга тушиб қолди. Аввалги пайтлар бўлганда-ку бу ишлар арзимаган гап эди. Аммо бу гал баҳонага ўрин қолмади. Қосим қассобни дўкондан олиб кушхонага оддий саллоҳликка туширишди. Бироқ оддий саллоҳликни ўзига эп кўрмади шекилли, ариза ташлаб ишдан бўшаб кетди.

Номига бозордаги сут-қаймоқ дўконига қоровул бўлиб олди. Ҳозир у ўзидан тинган, иккита ўғли топармон-тутармон. Келинлари ҳам маошини олиб келиб, унинг қўлига тутқазишади. Еши улғайиб қолганига қарамай, пенсияга шошилмайди. «Кучқувватим бор, соғлиғим яхши, пенсияга чиқишни менга ким қўйибди?» деб ўзини камтар қилиб кўрсатади.

«Қосим қассоб бўш вақтларида уйида яширинча мол-қўй сўйиб сотармиш», деган миш-миш юради. Лекин, бу гап анчагача кўпчилик учун жумбоқ эди. Аммо яқинда унинг хонадонида ажойиб бир ҳангома бўлиб ўтди-ю шу жумбоқ ечилди. Қосим қассоб мол сўймоқчи бўлиб, боқувдаги новвосниng тўрт оёғини боғлаб, пичоқ тортган экан, буни қарангки, арқон яхши боғланмаган эканми, мол жонивор типирчилаганича, ўрнидан туриб, бўкириб кўчага қочибди. Унинг хириллаб бўкирган овозига қўни-қўшнилар югуриб чиқишибди. Новвос ҳамма ёққа қон ва кўпик сачратиб, ўйноқлаб кетаётганмиш. Қосим қассоб унинг кетидан ҳаллослаганча «ушланглар, ҳаром ўлгурни», деб бақириб келаётганмиш.

Бу воқеага ҳам кулгинг келади, ҳам ғазабинг қўзғайди. Шуни айтадилар-да, «Ойни этак билан ёпиб бўлмайди», деб. Қосим қассобнинг хуфия иши ана шунда ошкор бўлиб қолди. Маҳалланинг отахонларидан бири бу гапни эшитиб: «Текин даромад топишнинг бунақа шармандагарчиликлари ҳам бўладида», деди.

Анвар САИДУМАРОВ

Чақир-чиқаклар

«Газетада мақталган мева-чеваларнинг бозори чаққон бўлиб кетаяпти. Содда ота-боболаримиз ўша мевaларнинг фойдасини билмай ўтиб кетишган экан-да».


(Қулоққа чалинган гап)

«Меҳрибон бошлиғимиз бир мажлисда: «Қотиб қолгансиз, ишингизда ўзгариш йўқ», деб ҳазиллашган эдилар, гап қайтармай, уйга бордим-да, эшикни зич ёпиб: «Бекор айтибсиз, — деб танқид қилдим».

(«Андишали» ходимнинг гапи)

«Уйда «Инсон ва қонун» — кўрсатувини томоша қилиб ўтирган эдим, ташқаридан «Ердам беринглар!» деган овоз эшитилди. Деразани очиб, ҳовлига қарасам, безорилар бир қизнинг қўлидаги сумкасини тортқилашар эди. Кўп қаватли уйимиздаги 70 та хонадондан битта ҳам одам чиқиб қизга ёрдам бермади-я! Ҳа, номардлар!»

(«Мард» кишининг ҳасрати)



Севишган роботлар: — Охирги электр токим қолгунича севаман, жоним!



К. Раҳмонов чизган расмлар

— Машинага болалар тегмасмикин?
— Мени кўрган болалар бу ерга келиб бўпти!

Сўнгги кондорлар

Калифорния кондори Шимолий Америкадаги энг йирик қуш ҳисобланади. Қанотлари ёйилганда уч метрга етадиган бу қушнинг оғирлиги 12 килограмм атрофида бўлади. Лос-Анжелес шаҳрининг шимолида жойлашган тоғлардаги кичик бир территория ана шу қушлар яшайдиган ошиён ҳисобланади. Ўтган йили эркинликда яшаётган Калифорния кондорларининг сони 16 тадан 9 тага тушиб қолди. Шулардан 3 таси ҳайвонот боғига олиб кетилди. Шундай қилиб, ўз ҳолича яшаётган Калифорния кондорларининг сони ҳозир олтитага тушиб қолди, ҳайвонот боғларида асралаётган шундай қушлар эса йигирма битта ҳисобланади. Демак, фан тилида «гимногинс калифорниянус» деб аталадиган қуш турларининг вакиллари бутун Ер сайёрасида ўттизтага ҳам етмайди.


Миттивойлар кўчаси

Яқинда Бискай қўлтиғи қирғоғидаги Ле-Сабль-д'Олон порт шаҳарчасида истиқомат қилувчи бир француз пойтахтда чиқадиган ҳафталик газетада бир хабарни ўқиб, жуда хафа бўлди. Ўша хабарда чет эллардаги энг катта ва кичик, гоят узун ва гоят қисқа кўчалари бор бўлган шаҳарлар тилга олинган эди. Аммо ана шу французнинг ўзи яшаётган «Шайтон кўча»нинг номи қайд қилинмаган эди. Ахир, «Шайтон кўча»нинг кенглиги атиги 48 сантиметр-да! Бу кўчадан фақатгина ўсмирлар ва жуда озғин одамлар ўта олишлари мумкин эди-да!

Янги порт топилди

Тамилнад штатидаги Вайгай дарёси бўйларида олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида эрамизгача бўлган III—IV асрларда Пандлар империяси даврида гуллаб-яшнаган порт қолдиқлари топилди. Бу ҳақда департамент директори, археология профессори Р. Нагасвами журналистларга порт III асрдан бошлаб тамиллар ихтиёрида бўлганлигини айтди. Унинг фикрича, эрамизгача бўлган I асрда мана шу порт орқали қадимий Рим билан яхши муносабатлар ўрнатилган. Бу тахминларни бешта қадимий Рим тангалари ҳам тасдиқлайди. Маурьевлар саройидан топилган қора, сайқалланган кулолчилик идишлари пандлар шимолий Ганг бўйида яшовчи халқлар билан ҳам алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради. Қимматбаҳо тошлардан ясалган аёллар безаклари бу ерда заргарлик ишларининг яхши ривожланганлигидан дарак беради.

«СПОРТ» — ТОПШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРД



1. Москвада бўлиб ўтган Яхши ният ўйинларида аёллар ўртасида уч ва беш минг метр масофаларга югуриш бўйича совриндор бўлган ўзбек спортчиси. 2. Тоғ чўққисини забт этиш спорти. 3. Уқни нишонга бехато отиш мусобақаси. 4. Спорт соврини. 5. Энг қадимий ва оммавий спорт тури. 6. Ақлий спорт ўйинларидан бири. 7. Аёллар ўртасида юз катакли шашка бўйича биринчи ўзбек спорт мастери. 8. Мураккаб гимнастика машқларини моҳирлик билан бажарувчи спортчи. 9. Спорт анжоми. 10. Ўзбекистондаги қишлоқ кўнгилли спорт жамиятининг номи. 11. Спортчиларга бериладиган дастлабки унвон. 12. Ватанимиздаги машҳур футбол командаси. 13. Чавандозлик мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 14. Жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган республикамиз боксчиси. 15. Сувда ўйналадиган спорт тури. 16. Ватанимиз боксчиси, олимпиада ўйинлари чемпиони. 17. Боксдаги ҳолатлардан бири. 18. Ракетка билан ўйналадиган мусобақа. 19. Кураш тури, ўзаро беллашув спорти. 20. Яхши ният ўйинларида бадиий гимнастика бўйича ғолиб бўлган ватанимиз спортчиларидан бири. 21. Иўлсиз баланд-паст жойларда ўтказиладиган пойга мусобақаси. 22. Катта, анъанавий ва оммавий спорт мусобақалари. 23. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига эришган шахматчи.

Шакл марказида берилган эгри чизиқлардан фойдаланиб, айланалардаги ҳарфларни кетма-кет ўқинг. Бунда ибратли шиорлардан бири ҳосил бўлади.

Шакл атрофидаги айланаларда эса, сакқиз спорт турининг ибратли тасвири акс эттирилган. Уларнинг номларини аниқлаш билан топшириқларни ҳал этинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

3-СОНДА БОСИЛГАН «СОВЕТ АДАБИЁТИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. «Одина». 2. Колас (Якуб). 3. «Диёнат». 4. Жамила. 5. «Нурхон». 6. Иванов (Анатолий). 7. «Гулхан». 8. Давидов. 9. Павел (Власов). 10. «Энергия». 11. Ойсара. 12. Есенин (Сергей). 13. «Сибирь». 14. Деряев (Хидир). 15. Бедний (Демьян). 16. Фадеев (Александр). 17. «Чапаев». 18. Авезов (Мухтор). 19. Гончар (Олесь). 20. «Сароб». 21. «Шодмон». 22. Алиман. 23. Зумрад. 24. Саодат. 25. «Ҳуррият». 26. Марков (Георгий). 27. Ҳасан. 28. Ортиқ.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Ўзбекистон Пахтачилик машиналари бирлашмасига қарашли Каттақўрғон пахта тозалаш корхоналари учун ускуналар тайёрлаш заводининг Шарофат Мустафоева етакчилик қилаётган қолипловчилар бригадаси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган мусобақада қизғин иштирок этмоқда.

Т. Горяева фотоси

Пахтаобод район электр тармоқларига хизмат кўрсатиш бригадаси ўтган хўжалик йили якунларига кўра республика Энергетика министрлигининг «Энг яхши бригадаси» номини олишга сазовор бўлди.

Суратда: шу коллектив аъзолари — Ғозибек Мусаев, Мирзабаҳром Омонов, бригада бошлиғи Ҳайитали Бобоев.

Р. Шарипов фотоси

Бош редактор: МИРМУҲСИН
Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари —33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.03.87 й. Босишга рухсат этилди 16.04.1987 й. Р—10710. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 173329. Буюртма № 474. Нашр Б—113

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.


Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Здоровье» журналидан фойдаланилди.

КАНДАКОР РАССОМ ОМОН АЗИЗОВ ўЗ УСТАХОНАСИДА.




В. Мосин фотоси



УЗБЕКИСТОН ЛОЛАЛАРИ...


Р. Яруллин фотолари











Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207



